

СОДИК
ХИДОЯТ
ХОЖИ
ОҒО

ҚИССА

Қайта нашири



«РАДУГА» НАШРИЁТИНИНГ
ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

ТОШКЕНТ—1988

И (Эрон)
Ҳ 43

Уз халқини жонидан севувчи ватанпарвар эрон ёзувчиси Со-
диқ Ҳидоятнинг «Ҳожи оғо» қиссаси алоҳида аҳамиятга эга. Унда
ижодкор ўша давр Эрон жамиятини чирмовуқдай чирмаб олган
ижтимоий адолатсизлик, диний сарқитлар, разолат, мустабидлик
сингари энг тубан иллатларни ўткир ҳажв тиғи остига олиб,
бадий маҳорат ила аямай фош этади.

Форс тилидан НОДИР ОЛИМХОНОВ ва ТУЛҚИН АЛИМОВ
таржимаси.

Х $\frac{4703000000-560}{031(01)-88}$ без объявления—88

© УзССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти. Тошкент — 1958 й.
© Узбек тилига таржима, «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими,
1988 й.

Ҳожи оғо, одати бўйича, ҳассасини дўқиллатиб ҳовлини айланаркан, ўткир назари ҳамма нарсани бирма-бир кўздан кечирди. Оила аъзоларига йўл-йўриқ кўрсатди ва танбеҳ берди. Кейин майин тивит абосини каравотдан олди-да, виқор билан юриб бориб, узун қоронғи йўлакдаги кўрпача тўшалган курсига ўтирди.

У йўталиб олгач, абосининг этаги билан тиззаларини ўради. Унинг шалвар почаси остидан дўмпайиб туртиб чиққан тўпиқлари ва сержун оёқларидаги чиркин кавушлари абонинг юпқа этаклари остига яширинди. Айвон саҳни сув сепиб супурилган, лекин шу кун қўшни ҳовузини тозалаб, балчиқларини кўчадаги ариқларга ташлаганидан балчиқнинг қўланса ҳиди айвонни тутиб, кишининг кўнглини беҳузур қиларди. Ҳожи оғо ҳассасига суяниб, қўпол товуш билан:

— Мурод, ҳой Мурод!— деб қичқирди.

У сўнгги сўзини тугатмасданоқ эшикдан узун бўйли, эски або кийган, чўпдек ориқ чол шошилиб кириб, қўл боғлаб турди:

— Лаббай, хўжайин?

— Тагин қаёқда лақиллаб юрибсан? Вақт алламаҳал бўлиб қолди! Қани, эшикни ёпиб қўй-чи, балчиқнинг ҳидидан кўнглим ағдарилиб кетяпти.

Мурод дарҳол бориб эшикни ёпди-да, худди айбдор кишидай, бўйнини қисиб:

— Хўжайин, Зубайда хонумнинг бошлари оғриб қолган экан, бир сер¹ новвот олиб келиб бер, деб буюрган эдилар,— деди.

— Ҳа, зангар! Қўшмачи чол! Қим сенга новвот олиб келишга рухсат берди? Эллик йилдан бери тузимни ичиб, шу вақтгача мендан сўраб иш қилишни

¹ Сер — = 75 грамм.

билмайсан! Ҳозиргина Зубайда хонумнинг хонасида эдим. Ҳар кунгидан аҳволи дурустроқ. Хўш, нега менга бошим оғрияпти демади? Бу ҳаммаси хотинларнинг инжиқлиги. Улар бошлаб мени шилишади. Уйимда ширинликни шу қадар кўп ейдиларки, иссиқлари ошиб кетмаганига ҳайронман, ширинликсиз яшаёлмасалар керак. Бориб кўринглар-чи, бирор уйда шунақа аҳволни учратармикансизлар! Бир кун бош оғриғи дейди, бир кун меҳмон келиб қолди, дейди, эртасига бола баҳона... Ахир, мен пулни кўчадан супуриб олаётганим йўқ-ку. Агар Зубайда хонумнинг боши оғриётган бўлса, ширинроқ қилиб, қанд чой ичиб кўя қолсин! Бу тантиқ хотин нуқул, бошим оғрияпти, деб баҳона қилгани-қилган.

— Хўжайин, уйда бир чақмоқ ҳам қанд йўқ эди-да!

— Тагин гап ҳам қайтаради-я! Гап қайтаришга юрагинг қандай бетлади? Нега қанд йўқ бўлар экан? Ахир, шу бугун эрталаб ҳаммасига қанд бўлашиб бериб чиқдим-ку! Энди яна қанд егилари келиб қолибди-да. Агар хотиним битта ё иккита бўлганда баҳарнав эди, саккизта хотин-а! Бунинг устига бир-бировини кўролмайди. Ҳалима хотун-ку, худонинг газаби, мени кафангадо қилди. Дорисига пул бериб улгурмайсан, ўлиб ўлмайди, тузалиб тузалмайди. Кундан-кун қовжираб кетяпти, сабабини билиб ҳам бўлмайди. Ўзи ҳам жуда қариб қолди-да!

Ҳожи ўрпилган ўрага ўхшаш кўзларини юқори тикиб, умидсизлик билан бошини чайқаб қўйди-да, сўзида давом этди:

— «Ўладиган касалнинг ўлгани, уйдагиларнинг тингани яхши». Жуда одамнинг кўнглига ҳам тегиб кетди. Ҳамма гап омаднинг кетишида. Кун чиққандан кун ботгунча итдай тинмайман. Ичкарига кирадиган бўлсам, бола-чақанинг кавуши борми, қалпоғи борми йиғиштириб юришим, жиққамуш бўлаётган хотинларимнинг арзи-додини эшитиб, қозилик қилишим, Ҳалима хотуннинг «тобора мазам қочяпти» деган нолишларини эшитишим керак. Қариганда кўрган роҳатим қурсин. Айтмасам ҳам ўзинг яхши биласан... Хўжазодангнинг ўқишига қанча-қанча пулни бекорга сарф қилдим. Ҳатто Европага ўқишга юбордим. Чунки у саккизта қиздан кейин, қанчадан-қанча назрнийез, илтижолар қилиб, худодан тилаб олган тўнғич ўғлим эди. У менинг наслимни, ишимни давом этдириши керак эди. Падарига лаънат, у ҳам тузимни

ичиб, тузлуғимга тупуриб кетди. Ёмон ошна-оғайнидан худо сақласин! Уғлим бир муттаҳам бўлиб чиқди. Узинг гувоҳсан-ку. Мен уни меросдан маҳрум қилишга мажбур бўлдим. Ана қарасанг қимор ўйнади, мана қарасанг ҳаром-ҳариш ишлар билан шуғулланди. Менда Хорун Рашиднинг хазинаси борми? Бунинг устига ҳамма менинг қўлимга қарам. Асли ишинг бошидан чалкаш бўлганидан кейин, оқибати нима бўларди! Менинг ёшимдаги кишиларга парвариш керак. Кундан-кунга мазам кетяпти; бир томонда чуррам тушган, иккинчи томонда камқувватлик азоб беради! Бугун сочимни тараган эдим, бир тутами қўлимга юлиниб чиқди...

Мурод яширинча Ҳожининг сийқа бошига кўз ташлаб қўйди. У Ҳожининг эзма гапларига кўпда парво қилмасди. Чунки ҳар куни азондан унинг минғир-минғирини эшитишга ўрганиб қолган. Мурод, худди заҳартанг қилган кишидек, гоҳ у оёғини, гоҳ бу оёғини кўтариб, Ҳожининг ўдағайлаб беришини кутарди. Лекин бугун Ҳожининг димоғи чоғроқ бўлгани учунми, ҳадеб вайсар ва ўлжа сичқонни ўйнаётган мушукдек, хизматкорини қўйиб юбормасди. Ҳожи нимчасининг чўнтагидан шоҳ мақсудий деган тошдан ясалган узун тасбеҳини олди-да, сўзини давом этдирди:

— Ҳаммангиз пулни сассиқ алаф деб ўйлайсиз, шекилли. Хўп, майли. Кеча майда-чуйда қоғозларимни кўздан кечириб туриб, ичидан бир кичкина хат топиб олдим. Қарасам, марҳум отамнинг қўли билан ёзилган хат экан. У йигирмага яқин министру қанча мўътабар зотларни меҳмондорчиликка чақирган экан. Ана шу меҳмондорчиликка олти мингу икки аббосий ва уч пулгина сарф қилибди-я! Қани, ҳозир бориб одамларга, худо раҳмати Шоҳи шаҳид¹ замонда бир чақага қанча-қанча нарсалар олиш мумкин эди, деб кўр-чи, ишонармикинлар? Масхара қилиб кулишади. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни марҳум отам курка овқат тайёрлашни буюрди. Курка гўштидан қандай қилиб овқат тайёрлашни биласанми, ўзинг? Куркани сўйилади, уни тузлаб, зиралаб, бир-икки кун сақланади, кейин ичига олхў-

¹ Машҳур Эрон миллагчиси Мирзо Ризои Кирмоний томонидан ўлдирилган Носириддиншоҳ (1848—1896)ни «Шоҳи шаҳид» дер эдилар. (Ред.)

ри ва ўрик тўлғизиб, ёққа белаб олинади-да, тандир-га ёпилади. Курка жонивор шу қадар бошлаб пишибдики, асти қўявер, оғзинга солсанг, эриб кетадиган бўлибди, есанг мазза қиласан (Ҳожи оғзида йнгилиб қолган сўлагини қулт этиб ютиб, кўзларини пириллатиб қўйди). Эсимда, бола эдим... Кечаси секин туриб, омбор тепасида осиглиқ турган сават ичидан ҳалиги курка гўштини олиб, ярмидан кўпроғини покпокиза туширибман. Худоё худовандо, осий бандаларингнинг гуноҳини ўзинг кечир!.. Мурод, умрингда ёмонлик кўрмагин, эртасига отам гўштининг ярмидан кўпи ғойиб бўлганини пайқаб қолиб, бутун айбни Гулузор деган ҳабаш хизматкоримиз устига қўйиб, уни яхшилаб калтаклашга буюрди. Шўрлик, калтак зарбидан оғзидан қон келди-ю, ўша заҳоти жон берди. Мен чурқ этмай туравердим, ҳеч ким мендан гумонсирагани ҳам йўқ. Лекин юракбуруғи бўлиб, ичимдан қон ўтиб, узоқ вақт кўрпа-ёстиқ қилиб ётдим.

Ҳожи дастрўмолига қаттиқ бурун қоқди.

— Уша вақтда, худо раҳмати Шоҳи шаҳид замонида, битта курка уч аббосий турарди. Минг йил бурун, Қайковус ва Афросиёб даврида эмас, худди куни кеча бўлган воқеа. У даврларда одамлар салобатли, виқорли, теги-тахтлиқ бўлишарди, ҳозиргиларга ўхшаган паст, ярамас эмас эдилар. Худо раҳмати Шоҳи шаҳид отамни ҳар доим тўрға, Ҳожи Мирза Оғосидан ҳам юқориоққа ўтқазарди. У вақтларда сиёсат бутунлай бошқача эди. Гапимга тушуняпсанми? Сен марҳум Ҳожи Мирза Оғосини кичкина одам бўлган деб ўйларсан. Бутун дунё сиёсати унинг қўлида бир мум каби эди. Қадим замонларда одамлар меҳмондўст, сахий, соддадил эдилар. Ҳозир буларнинг ҳаммаси эртақдай бўлиб қолди. Ҳозир сенга бир воқеани ҳикоя қилиб бераман, билмайман, балки ишонарсан, балки ишонмассан. Кеча мени молия министри чақиртирибди. Машинасини юборганини ўзинг ҳам кўрдинг-ку! Чой келтирганларидан сўнг ўзи ўрнидан туриб, шкафдан қанддонни олиб, олдимга қўйди-да, шундай деди: «Биласизми, мен ўз тажрибамда синаб кўрдим, бир чақмоқ қанд билан бир стакан чойни ширин қилиб юборса бўларкан». Унинг бу гапи менга тегиб кетди. Ростини айтсам, чойини қандсиз ичдим. Сўнгра икки соат эзмалик қилиб, мнямни қоқиб қўлимга берди. Юз хил илтимос қилди. Энг кичкина-

сини бажармоқчи бўлсанг, икки юз туманга тушасан. Менинг чекишимни била туриб, чилим келтиришни ҳам буюрмади. Биласанми, улар отаси бировнинг олдига бир бурда нон қўймаган одамлар-да! Лекин унинг олифталигини, ўзини нақадар баланд олишини томоша қилсанг, гўё Утархон заргарнинг набирасига ўхшайди. Марҳум отам олий насаб аъёнлардан эди. Қандаҳорга қилинган юришда асирлардан уч ману¹ бир чорак кўз ўйиб олишни буюрган. Қайтиб келгач, Ҳожи Мирза Оғоси унинг елкасидан ўйиб, лента ва орден билан мукофотлаган. У ҳар доим шоҳ билан бирга овга чиқарди. Ҳозир эса ҳамма нарса: шаъп-шавкат, ору номус йўқолиб кетган. Лекин филнинг ўлиги ҳам, тириги ҳам юз туман туради. Мана, ҳозир ҳамма менга муҳтож, соддалигимдан фойдаланиб манфаат кўрадилар. Мен эса ўзимга ўзим, кел, майли, шу худонинг бандаларига нафим тегса тегибди-да, деб қўяман. Дунёда кишидан бир яхшилик, бир ёмонлик қолади. Барибир эртага ҳаммамиз ернинг тагида икки газ жойни эгаллаймиз. Ҳа, айтгандай, кеча министрнинг олдига кетганимда ҳалиги Нанаом-ал-Банин яна келдимиз?

Мурод қалтираб кетди:

— Келиб, ичкарига кирди.

— Муҳтарамнинг хонасига кирдимиз?

— Хўжайин, унчалигидан хабарим йўқ, мен паловга доривор олгани кетгандим.

— Агар ўзинг уйда бўлмасанг, унинг келганини қаёқдан билдинг?

— Мен энди чиқиб кетаётсам, у кириб келаётган экан.

— Гапимга қулоқ сол! Мана шундай вақтларда зийраклик билан кўз-қулоқ бўлиб туришинг керак. Мен сенга минг марта, хотинларни назорат қилиб тур, деб тайинлайман.—У бир оз ўйланиб қолди.—Демоқчиманки, улар сенга минг хил касофатларни ичиришдан ҳам тоймайдилар. Ўз манфаатларини кўзлаб, иссиқ-совуқ қилишлари ҳам турган гап. Эшитяпсанми, мен йўқлигимда иккита кўзни қарзга олсанг ҳам, кўзингни тўрт қилиб, кузатиб туришинг лозим. Мен уларга қандай қоровуллик қилсам, сен ҳам шундай кузатиб туришинг керак... Тушундингми?

¹ Ман — турли жойларда турлича бўлган оғирлик ўлчови. Бу ерда 6 килограмм.

— Тушундим, тақсир.

— Яна бир нарсани сенга айтмоқчи эдим.

— Қулоғим сизда тақсир!

— Бу, ҳалиги, норғил йигит бор-ку, Муҳтарамнинг амакисининг ўғли, ҳаҳ, отинг қурғур нима эди. Гулу Булбулмиди... Э, тавба, одамлар ўзларига қанақа отларни қўйишмайди-я! Бу йигитча анча хушрўй йигит. Лекин қачон келса, бир нафас бошини қўйи солиб, таъзим қилиб туради-да, секингина ичкарига кириб кетади. Ичкарида эса хотин-халаж, бола-чақа бор, уларнинг юзи очиқ-чочиқ демайди. Хўп, майли, у Муҳтарамнинг амакиваччаси экан, ахир, ҳамма хотинларимнинг ҳам амакиваччаси эмас-ку. Одамлар кўча-қўйда нима гаплар тўқимайди дейсан? Эй худо, қандай замонларга қолдик-а! Айт-чи, лоақал сен билолдингми унинг кимлигини?

— Йўқ, тақсир, билмадим!

— Йўқ, мен бундай ишларга йўл қўя олмайман! Сен бир амаллаб унга тушунтириб қўй. Мен унинг ичкарига киришига ва Мунир билан ҳазиллашиб юришига чидолмайман: Ўзи ҳам жуда ҳаддидан ошиб кетди, бу баччағар. Агар мен юқори мансабларга минишни истасам, биласанми нима қилардим, ҳаммага ёқадиган бир танноз хотинга уйланардим-да, уни яхшилаб яса-тиб, зиёфатларга олиб бориб, мўътабар кишилар у билан ўйнашсин, қиморбозлик қилишсин деб, уларнинг қўйнига солиб қўярдим. Лекин шундан сўнг, ҳозирги ҳамма зодагонларга ўхшаб, қўшмачи бўлиб қолган бўлардим. Афсуски, сенинг бундай ишларга ақлинг етмайди, бунда сенинг айбинг йўқ. Мен бунақанги одамларни ҳар кун юзлаб учратаман. Мен эски урф-одатларга берилган одамман. Мен ҳам шундай қилганимда ҳаётим ҳозиргидан ўн чандон яхшироқ бўлиб кетарди. Аммо мен ҳеч қачон унга рози бўлмайман. Сен бир йўлини топиб, ҳалиги Гулу Булбулга тушунтириб қўйгин, мен бунчалик янгича одам эмасман. Лекин шундай қилгинки, Муҳтарам хафа бўлиб қолмасин...

Ҳожини шу гапларни айтди-ю, чуқур уйга чўмди.

— Ҳа, айтгандай, тақсир... кеча кечқурун ҳалиги юзбоши Ҳусайн боққол келиб: «Мен ҳаж қилмоқчи эдим, агар Ҳожини оғо рухсат берсалар, ҳисоблашиб, орани очиқ қилсак...» деган эди.

— Бу қурумсоқ қўшмачи доим менга панд беради. Наҳотки, пулимни еб кетади, деб ўйласа? Агар мен бир тукимни бозорга олиб бориб гаровга қўй-

сам, эллик миллион туманга арзидиган молни қўлимга тутқазиб юборишади. У ҳаж қилиб қаерга бормоқчи? Ҳаж қилишга рухсат олишни осон деб ўйлапти, шекилли. Агар рухсат қоғози ва чет эл паспорти олмоқчи бўлса, менинг олдимга келсин. Афтидан, ҳаж қилиб, ўғрилик ва муттаҳамлик билан топган пулларини ҳалоллаб олмоқчига ўхшайди. Борди-ю, ростдан ҳам ҳаж қилишга аҳд қилган бўлса, олдин хотинини тийиб олсин... Менинг номимдан унга айтиб қўй, унинг қора чақалари деб мен ҳеч қаерга қочиб кетмайман... Қани, палов билан ейишга нима олиб келдинг?

— Тақсир, ахир, сиз мендан кўра яхшироқ биласиз-ку: бўрконий олхўри билан картошка-да.¹

— Хўш, олхўридан қанча олдинг?

— Бир чорак.

— Вой бў-ўй, бир чорак? Бу хотинларимнинг қорни ёрилиб ўлсин! Яна, дастурхондан қорнимиз тўймади, деб туриб кетишлари ортиқча. Қани, айт-чи, қайси бир вазир ёки депутатнинг уйида палов билан ейишга бир чорак олхўри ишлатилади? Ўзинг бир бориб кўр, одамлар кечқурунлари қуруқ нону чой билан ётаверишади. Аъло ҳазрат Ризо шоҳ тутган шундай мавқелари, сон-саноқсиз бойликларга эга бўлишларига қарамай, овқатга ишлатиладиган ўтин-гача эрталаб ўлчаб берар эканлар. Бир дона помидор учун шундай жанжал кўтарганларки, натижада бир неча кишининг боши кетган. Энди сен олиб келган олхўрига келсак, у бир чорак чиқмайди. Мени алдай олмайсан, менинг чамам заргарларнинг тарозисидан қолишмайди.

— Қурбонигиз бўлай, хўжайин, худо ҳақи, мен ёлғон гапирмайман, ишонмасангиз Машади Маъсумдан сўранг!

— Бўлди-бўлди, овозингни ўчир, топган-тутганимнинг қаёққа гойиб бўлаётганини энди тушундим. Олхўриларни санадим, кейин данакларини ҳам санаб кўрсам, тўртта етмади.

— Қурбонигиз бўлай, тақсир, болалар еб қўйишгандир ёки олхўриларнинг баъзиси данаксиз бўлса керак-да!

— Олхўри ҳам данаксиз бўларканми?

— Худонинг қудратига шак келтиряпсизми?

¹ Эронда паловга олхўри ва картошка ҳам қўшиб ейдилар. (Тарж.).

— Йўқ, шак келтирмайман, худо ўз бандаларининг ўғри ва мутгаҳамлигини билади, шунинг учун санаш осон бўлсин деб олхўрининг ичига данак жойлаб қўяди. Териларингни шилиб оламан, ана ўшанда биласанлар. Филнинг кўнгли Ҳиндистонни орзу қилгандек, сенлар ҳам калтакни соғиниб қолганга ўхшайсанлар. Сенларни тинмай калтаклаб туриш керак. Конституция, озодлик... Буларнинг ҳаммаси тузукроқ, ўнғайроқ ўғрилиқ қилиш учун ўйлаб чиқарилган нарсалар! Конституция ва озодликдан мусаллас солиб ичларинг-э! Мен эса...

Шу вақт кўча эшиги очилиб, эски кийимлик, катта портфель қўлтиқлаган бир мўйсафид ичкари кирди.

— Оғойи Ҳожи Абу Таробнинг уйлари шуми?

— Ҳа, шундай, қани марҳамат.

Ҳожи келган кишига ўз ёнидан жой кўрсатгач, Муродга қараб:

— Мурод, бор, айт, самоварга олов ташласин,— деди.

— Жуда мамнунман, ҳозиргина чой ичиб келдим,— деб эътироз билдирди келган киши.

— Мурод, бўлмаса чилим келтира қол!— Ҳожи меҳмонга қараб иржайиб қўйди-да, деди:— Сизни қардадир кўрганга ўхшайман-у, лекин исмингизни хотирлаёлмай турибман... Қарилиқ қурсин, ҳофизанг заифлашиб қолар экан.

— Каминанинг исми Фулом-Ризо Аҳмад Беги!

— Ие, Басир-ул-Лашкарнинг ўғлилари эмасмисиз?

— Худди шундай.

— Ҳа, эсимда, ҳовлингиз Шутурдорон кўчасида эмасми? Отангиз ҳаётмилар?

— Очарчилик йиллари вафот этиб кетганлар.

— Худо раҳмат қилсин, гўрлари тўла нур бўлсин! Қандай мулоим киши эди-я. Э, бевафо дунё! Марҳум отангиз билан бирга катта бўлганмиз. Кўришмаганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Мен ҳар куни отангиз раҳматлик билан бирга Лўти Солеҳ-Чола гузарига бориб, ҳовузда чўмилардик. Қачон ойнага қараб, пешонамдаги қашқани кўрсам, ўша вақтлар эсимга тушиб кетади.— Ҳожи овозининг борича қаҳ-қаҳ уриб кулди, унинг кулгиси балчиқ ҳиди тутиб кетган айвонни кўтариб юборай деди.— Уғлим Каюмарс ҳақи, мен доимо дўстларимга содиқ бўлганман. Сизни кўрдим-у, мамнун бўлганимдан теримга сиғмай кетдим.

— Қурбонигиз бўлай, тақсир, кўкка кўтара бе-

риб одамни хижолат қиялпсиз. Қулингиз сизнинг хизматкорингизга ҳам тенг эмас.

— Йўғ-е, ундай деманг. Мен сизни ўз ўғлимдай кўраман. Уша вақтларда марҳум отангиз билан бир озгина ер устида сану манга бориб қолганимиз ҳали ҳам виждонимни қийнайди. Лекин, мен сизга айтсам, ана шу жанжалда мен айбдор эмасдим. Жанжал арзимаган нарса устида бўлса ҳам, сағирлар моли бўлганидан судга беришга мажбур бўлганман. Мен ҳар доим дўстларим учун заҳар ютиб келган одамман. Ҳалоллигим ўз бошимга бало бўляпти. Лекин банданинг қўлидан нима ҳам келарди. Бунақанги одамларни энди топиш қийин... Нима қилай, эски одамларданмиз, ёшимиз ҳам қайтиб қолган. Маҳалла, кўй-гўзарда эътиборим зўр, ҳамма мени ҳурмат қилади. Агар сафарга чиқмоқчи бўлишса, мол-дунёларидан тортиб, бола-чақаларигача менинг қўлимга ишониб топшириб кетишади. Омонатга хиёнат қиладиган одамлардан эмасман-да! Нима қилай, киндик қоним тўкилган жой, ҳаммаси қадрдон бўлиб қолган. Айниқса, отам вафот қилганларидан кейин ҳамма қўни-қўшниларнинг кўзи менга тикилиб қолди. Шундай бўлиши табиий... Маҳалламизнинг домласи Ҳужжат-уш-Шария кеча менинг ҳузуримда эди. Ўзи жуда олижаноб одам. У менга нима дейди денг: «Худога шукур, мана қирқ йилдан бери шу маҳалланинг имомиман, лекин одамлар менга қилмаган ҳурмат ва ишончини сизга қилишади» дейди. Тўғри-да, бир оёғим гўрда бўлиб турган вақтда, етим-есирларнинг ҳақига хиёнат қиламанми? Бу худога ҳам хуш келмайди...

Ғулом-Ризо Ҳожининг оғзидан сачраган тупукларни кафтининг орқаси билан юз-кўзларидан артар экан, Ҳожининг нима демоқчи эканига тушунолмай, оғзини очиб қулоқ солиб ўтирарди. Ҳожи сўзида давом этди:

— Нима ҳам қилардик? Ҳар ким пешонасида борини кўради. Мана, менга «Ҳожи оғо» деган оддий исм қўйишди. Ўзим бўлсам, зўрға кун кўриб юрган одамман.— У жун босган йўғон қўлини умидсизлик билан силтаб қўйди.

Шу вақт Мурод чилим келтириб қўйди ва ўзи бир чеккага чиқиб, қўл қовуштириб турди. Ризо жаноблари чилим чекмаслигини билдирди. Шундан кейин Ҳожининг ўзи чилимни қўлига олиб, бир оёғини курси-

нинг устига қўйди-да, Фулом-Ризога яширинча қараб қўйиб, чилим чекишга киришди. Фулом-Ризо эса портфелидан бир пакет билан китобча чиқарди. Пакет устига «Диёнат трикотаж фабрикаси» деб ёзиб қўйилган эди. Ҳожи номига ёзилган хат билан бирга ўттиз саккиз минг туманлик чек ҳам бор бўлиб, бу чек Ҳожи оғонинг қўйган акциясидан келган олти ойлик даромад эди.

Ҳожи хат билан конвертни кўриши биланоқ Фулом Ризонинг трикотаж фабрикасига ишга кирганини фаҳмлади ва ўзини камбағал қилиб кўрсатишга уринганидан афсусланди. Чунки Фулом-Ризо унинг фойда оладиган манбаъларидан бирини биларди. Шунинг учун суҳбат мавзуини дарров ўзгартириб юборди.

— Шу кунларда ишлар олдинга босмай қўйди...

Йўлакдан боланинг овози ва унинг судраб босаётган оёқ товуши эшитилди. Ҳожи бу қизи Сакинанинг овози эканини англади. Қизча чумчуқ болани кўкрагига босиб, патларини тўзитарди, унинг қўлидан Муҳтарам етаклаб олган эди.

— Ҳой, болани қаёққа олиб кетяпсан?— деди Ҳожи бақариб.

— Эрталабдан бери новвот олиб берасан деб миямни қоқиб, қўлимга берди.

— Бола баҳона, дийдор фанимат, бўғирсоғу қанд-қурсларни ўзинг ейсан-да, болани рўкач қиласан! Яхшиси ўзимнинг егим келяпти, бир айланиб келмоқчиман, деб қўя қол! Бу уйда ҳеч ким ширинликдан бошқа нарса емайди. Мурод бозордан новвот олиб келганига ҳали бир минут ҳам бўлгани йўқ-ку. Уша новвотдан бир бўлагини боланинг қўлига бера қолсаларинг, нима бўларди?! Ундан кейин, менинг ҳузуримда мўътабар кишилар ўтирганда ҳеч ким ташқарига чиқмаслиги керак. Буни мен сенларга минг марта айтганман. Лекин биттанг ҳам қулоқ солмайсан. Йўқолинглар, кўзимга кўринманглар, бўлмаса оёқларингни уриб синдираман.

— Ахир, ҳамма вақт ёнингизда бирор киши ўтиради-ку!

— Учир овозингни, эси паст, беҳаёл!.. Гап қайтаришни қаёқдан ўргандинг? Бу уйда хўжайин менман, билиб қўй! Нимага боланг бунчалик иркит? Қарасанг бўлмайдими?! Боланинг бурнини артгани, наҳотки, уйимда бир парча латта топилмаса! Кўрсанг, кўнглинг айнайди-я! Юз йиллик обрўйимни бир пул қилдиларинг. Шуларни деб бор-йўғимдан айрилдим,

емаганини едирдим, киймаганини кийдирдим. Оз бўлса етар, кўп бўлса кетар дегандек, қанча сарф қилсанг, шунча кета бераар экан.

Бола қичқириб йиглаб юборди. Онаси уни етаклаб:
— Қўя қол, онаси ўргилсин, хафа бўлма,— деб овута бошлади.

Ҳожи қизига қараб деди:

— Қўй энди, бас қил, қизалоғим. Мана, ҳозир Муродга айтаман, сенга новвот олиб келиб беради... Мурод! Бор, новвот олиб келиб бер!

Муҳтарам йиғлаётган боласини етаклаб, изига қайтди.

Ҳожи Муродни чақирди:

— Мурод!

— Лаббай, хўжайин!

— Бор, болани овут!

Сўнгра у Фулом-Ризога ўгирилди:

— Ўзингиз айтинг, бу ишларга нима деса бўлади?

— Айби йўқ, бунақа гаплар болалик уйда бўлади-да.

— Охирзамон деганлари шу бўлса керак... Ҳа айтгандек, нима деяётган эдим... Ҳали дастлабки сармойнинг тани чиқмасдан ҳиқилдоғимгача қарзга ботдим. Қўлимдан нима ҳам келарди! Бунинг ҳаммаси оғойи Майманат Ниждога қилган самимий марҳаматининг натижасидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар мен фабрикани маблағ билан таъминлашдан бош тортсам, фабрика сўзсиз ёпилади, бир тўда бечора ялангоёқ ишчилар оч қолади. Бу эса худога ҳам хуш келмайди. Мен иштирок этсам, икки ўртада мамлакатимиз саноати ривожланади, бу эса, ўз навбатида, жамиятга хизматимиз бўлади. Шу билан бирга пешона тери эвазига ўзимга ҳам бир оз нон пули топишим керак. Ўзингизга маълум, биз бошқа фабрикалар сингари пайпоқни арзон тушириш учун чириган, мўрт ип сотиб олмаймиз. Мен не-не машаққатлар билан чет эл валюталари топишимни ва америка фильдекос иплари сотиб олиб келтиришимни тасаввур эта олмайсиз. Шунга қарамасдан, бизнинг фабрикадан чиқадиган пайпоқларнинг нархи бошқа фабрикаларникидан қиммат эмас. Илоҳим рақобатнинг уйи куйсин! Ахир, ўзингиз бунақанги ишларни мендан кўра яхши биласиз-ку! Ҳоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир ойда мана шу касофат рақобатдан уч минг туман зарар кўраман.

Шу пайт эшик очилиб, ичкарига чечакдан юзлари чўтир бўлиб кетган, бугдойранг бир киши кириб келди. У кенг шим, бошига кулоҳ кийиб олганди. У икки букилиб таъзим қилди. Ҳожи унга жой кўрсатиш ўрнига:

— Э, салом алайкум, оғойи Халлож Пур! Ҳали ҳам жўнаганинг йўқми?— деди.

— Тақсир, ҳамон паспорт билан рухсат қоғозини кутиб ўтирибман.

— Паспорт тайёр, бошқа ишлар ҳам бажарилган. Айтганимдек қилиб, ўнга гиламни Бағдоддаги Эрон элчихонаси адресига жўнатдим. Гиламнинг қайси хилда эканини ҳам ўзингга айтганман. Ҳозир бориб, Дўст Алидан паспорт ва рухсат қоғозини оласан-у, дарҳол жўнайсан. Бағдодга етишинг билан тўғри элчихонага бор. Элчи жанобларига менинг саломимни етказ, кейин гиламларни олиб, Шайх Ҳамза Шамулийга топшир.

— Тақсир, илгарилари сиз Абу Қантар ва унинг шериклари билан муомала қилар эдингиз, шекилли?

— Элчи жаноблари менга бошқа, ундан кўра нуфузлироқ компанияни тавсия қилдилар. Мен айтгандек қилиб, ҳозироқ Дўст Али олдига, Ғазанфарий хужрасига боргин. Ўзинг яхши биласан-ку ахир!

— Бош устига!

— Ҳа, айтмоқчи, эсимдан чиқай депти. Ҳожи Абдул Холиқ Жолилўқийда икки яшиқ қорадорим бор. Мендан салом айтгин-да, тезроқ пулни юборар экансиз, деб қўй. Мана, олти ой бўлиб қолди, хат ҳам йўқ, хабар ҳам.— Шу вақт Ҳожи ўйланиб қолди, «Э аттанг, нима қилиб қўйдим-а! Қорадоримни Гонконгга юборганимда уч баравар кўп фойда қилган бўлардим».— Ҳар ҳолда, бу сафар кўзимни бўяб харажатиингни кўпайтириб келмассан. Билиб қўй, чой пули, тамаки пулини мен тан олмайман. Ахир сен Ироқдаги Баёт-ут-Тужжор фирмасининг вакилисан-ку. Ҳўп, вақт ўтмасин, ҳозироқ бориб, ишларингни тезроқ тўғри-рила!

— Бош устига!

— Саломат бўл!

Халлож Пур, худди минг йил сарой хизматкори бўлиб ишлаган одамдек, икки букилганча орқаси билан жадал юриб чиқиб кетди. Ҳожи яна Гулом-Ризога ўгирилди. У қўл қўйиб, конверт билан чекни олди-да, кўрпачанинг тагига қўйди. Кейин чилимни олиб,

хўр-хўр торта бошлади. Фулом-Ризо портфелини ёпиб, ўрнидан турди:

— Менга рухсат берсангиз, кетсам...

— Сизни шунча безовта қилганим учун кечирасиз. Оғизга ёқадиган бирор тузукроқ таом билан меҳмон қиллолмаганимдан юзим шувут бўлди. Сиз тўғрингизда оғойи Майманат Ниждод билан гаплашаман, албатта, сиз билан яна кўришиш шарафига муяссар бўламан, деб ишонаман.

Фулом-Ризо ҳаётда жуда кўп азият чеккан, кўп қийинчиликлар кўрганлигидан ҳатто ўзига ишонмай қўйган, ташқи дунё эса унинг учун бир бемаъни нарса бўлиб туюларди. Шунинг учун Ҳожининг сертак-каллуфлик билан қилган хушмуомалалари, ширин сўзлари Фулом-Ризони жуда таажжубга солди. Ҳожи Абу Тароб деган одам ҳийла-найранглар билан уларнинг ягона ҳаёт манбаълари бўлган Вераминдаги ерсувларини тортиб олганини отасидан эшитган эди. Лекин Ҳожининг меҳрибонлиги, ишонч билан айтган сўзлари унга шу қадар таъсир қилдики, фабрикадан келадиган фойдалар, гилам ва қорадори савдоси сингари найранглар унинг кўзига кўринмай, Ҳожини мулоҳим, соддадил одам деб ишонди: у таъзим қилиб чиқиб кетар экан, ўзича ўйлар эди: «Қандай хушмуомала, юшоқ одам-а! Кўриниб турибдики, Ҳожи бу кунги илоннинг ёғини еган туллак одамлардан эмас. Шунинг учун ҳам Майманат Ниждод ҳамма вақт бу бечорани алдаб юрар экан-да!»

Ҳожи томоқ қириб олгач:

— Мурод!— деб чақирди.

— Лаббай, тақсир!

— Болага новвот олиб келиб бердингми?

— Шундай, хўжайин.

— Чилимнинг мазаси йўқ-ку! Саҳари мардондан туриб, аччиғимни чиқаришади-я! Бирининг устига иккинчиси чиқиб туради. Чилимни Анис оғо янгилаган эдимми?

— Анис оғонинг қўллари банд бўлгани учун Муҳтарам хонум янгилаган эдилар.

— Демак, у ўзининг бу вазифасидан ҳам қутулмоқчи бўлибди-да. Энди биз бу уйнинг хизматкори ҳам бўлиб қолдикми? Бор, қара-чи, Каюмарс мактабга кетганмикин, йўқмикин. Бу ҳам акасига ўхшаб, қиморбоз чиқадими деб қўрқаман. Қани, майли, шошмай тур-чи, ўзи билиб мактабига кетармикин, йўқми.

Э, қандай замонга қолдик, ўзи! Қариган чоғимизда соқолимиз супурги бўлиб ўтирса энди.

— Тақсир, айтаман деб эсимдан чиқибди. Кеча сиз йўғингизда оғойи Хужжат-уш Шария бир маъжун деган дори олиб келган эдилар, менга бермай, ўзим яна келарман, деб қайтариб олиб кетдилар.

Ҳожи қизиқсиниб:

— Дори олиб келди дейсанми? Ҳаб дорими ё суюқми?— деб сўради.— Яна ўша охунд келибди. Отасини худо раҳмат қилсин! Ҳай, Мурод, айтгандай, сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Мен қулингизман, шу уйнинг тузини ичганман, айтаверинг.

Ҳожи Муродга кўз қисиб қўйди, кейин унинг кўзларига тикилиб, шивирлади:

— Фақат гап иккаламизнинг орамизда қолсин!

— Тақсир, ихтиёр сизда!

— Гап орамизда қолсин, дедим-а? Тушундингми? Иккаламиз тенгқурмиз. Ёшинг саксондан ошди, охириг хотининг ҳали ёш бўлса керак. Демоқчиманки, ана шу хотинингдан бола борми, йўқми?

— Тақсир, хотиним ёш эмас, ўзи холамнинг қизи. Уни қариган чоғида ош-сувимга қараб турар, касал бўлиб ётиб қолсам, сув томизишга ярар, деб олганман.

— Сен менга ҳийла-найрангларнингни ишлатма! Шу вақтгача оғзингдан рост сўз чиққанини эшитмаганман. Айт-чи, саксон-тўқсонларга бориб қолган киши, ўзи чурраси тушган бўлса, лекин пушти камарини маҳкамлайдиган дори ичса, фарзанд кўрармикин?

— Худо хоҳласа, кўради, тақсир!

— Муҳтарамнинг ҳомиладорлигидан хабаринг борми?

— Тақсир, мен қаёқдан билай, Муҳтарам хонум табибларга кўрсатиб, ўзини даволатган бўлса бордир.

Ҳожи, айтган гапига пушаймон бўлгандай, лабини буриб, ўйга чўмди. Чилимнинг найини оғзига олиб, чўзиб-чўзиб тортди, сўнг бошини кўтариб, яна гап бошлади:

— Мурод!

— Лаббай, тақсир!

— Шофёр Гул-Муҳаммад келгани йўқми?

— Йўқ, тақсир, келмаган бўлса керак, мен кўрганним йўқ.

— Мен у муттаҳамни қаматаман. Автобуснинг филдирагини ишдан чиқарибди. Каражга икки марта қат-

набди-ю, пулини менга кўрсатмабди ҳам. Биласанми, ким айтди, менга, Батулнинг жияни Аббос айтди. Айб ўзимда. Утган йили икки кишини босиб кетган эди, уни олти йилга қамашмоқчи бўлишди. Агар мен ўртага тушмаганимда, уч кунда полиция қўлида қутулиб кетолмасди. Улар соқолимнинг оқини ҳурмат қилиб, бу ифлосни қўйиб юборишди. Энди у яхшиликларимга ёмонлик қайтаряпти. Агар худо раҳмати Шоҳи шаҳид замони бўлганда бу ўғрини ташқарига олиб чиқиб, устунга бойлаб, ўлгудай савалардим, суякларини майда-майда қилиб юборардим. Адолат... Полиция... Буларнинг ҳаммаси ўғрилик, порахўрлик, муттаҳамликдан иборат. Жонинг жаннатда бўлгур Мирза Қаримхон хизматкорларини ҳар кун савалай бериб, қўрқитиб оларкан. У:

«Қўлингда бўлмаса агар ҳўл таёқ,
Қорамол сўзингга солмайди қулоқ»,

дер эди. Мен эса ниши чаппа кетган одамман, ким-кўринган мени ёш боладек алдагани-алдаган. Масалан, узоққа бормай, анови муттаҳам инженерни олгин, Маҳдушми, Шаҳдушми, отинг қурғур нима эди, сен уни яхши танийсан-ку!..

— Ҳа, танийман, тақсир.

— Ана ўша инженер кўкнори ва нашабангиларга қарши курашадиган идорада кичик бир хизматчи эди. Қамомад қилиб қўйган экан, ишдан ҳайдаб, ўзини судга беришибди. Ўзи инженерлик нималигини билмайди. Ошналаримдан бири уни менга тавсия қилиб қолди. Қарасам, истеъдодли, қўлидан иш келадиган йнгитга ўхшайди. Қўлига беш-олти танга бердим-у, Зеробдаги қурилишга ишбоши қилиб тайинлаб қўя қолдим. У ерга боргандан кейин, биласанми, нима қилди, ишчиларнинг маошига хиёнат қила бошлади. Унинг найрангларини билсам ҳам ўзимни билмасликка уриб юравердим. Бунинг устига устак уч ишчини тепаликдан жарга итариб юбориб ўлдирибди. Мен унинг ёнини олиб юрганим учун биров мушугини пишт ҳам демади. Шундай қилиб, орадан сал вақт ўтмай, ўзини инженер деб эълон қилибди. Биров сен қаёқдан инженер бўлиб қолдинг, деб сўрамаяпти ҳам. Энди у анча-мунча маблағ эгаси бўлиб қолди. Илгари ҳеч ким танимаган, ҳатто ўғрини турмага олиб бориб топширишни ҳам ишонилмаган мана шу муттаҳам ҳозир катта мансабга миниб олди. Унинг қўл остида еттига

инженер ишлайди. Тагида янги «паккард» машина, молу дунёси еру кўкка сизмайди, кишининг жонидан бошқа ҳамма нарсаси бор. Ҳар ҳолда менинг ҳаққимга ҳам жуда кўп хиёнат қилган. Қачон Техронга келса, қорасини кўрсатмай, қочиб юради, мен билан орани очиқ қилай демайди... Сенга Аббосни айтиб кел демоқчи эдим. Йўқ, майли, шошмай тур-чи, балки битта-яримта одам келиб қолар. Автобуслардан келадиган даромад ҳисобини Мошоллоҳга топшираман. У художўй одам. Лекин вайсай бериб, кулоқ-мияни қоқиб, қўлимга берармикин деб қўрқаман. Гап шу ерда қолсин-у, аслида Мошоллоҳнинг иши ҳам кўп эмасда. Учта ҳаммом, бир неча уй ва магазинларни идора қилиш тани-жони соғ одамга ҳеч гап эмас. Эртадан кечгача ялло қилиб, хиргойи қилгани-қилган. Бу ҳам жуда кўп ҳаққимни еб кетди. Бундан ташқари, ҳалиги фабриканинг бутун киши, гарчанд ўз қўлимда бўлса ҳам, ер-сувларимнинг ихтиёрини Мирза Тақийга топшириб қўйибман. Биласанми, Мурод, ҳамма мени талайди. Мен бўлсам, кўриб туриб ўзимни кўрмасликка соламан. Заб ғалати замонлар келдими?!

Шу вақт айвонга сийрак соқолли, бошига қалпоқ, эгния яғири чиқиб кетган, кўк матодан тикилган костюм-шим кийган савдогар кириб, икки букилиб таъзим қилди. Ҳожи келган кишига ўгирилди:

— Э-э, юзбошимисан?! Аҳволларинг қалай?

— Давлатингиз соясида яшаб юрибмиз. Биз остонангиз тупроғи билан тенгмиз. Паноҳингизда кунимиз ўтиб турибди.

— Қалай, бола-чақа омонми? Қани, кел, ўтир!

— Ҳазрати олийларининг марҳаматлари соясида соғ-саломат юришибди,— деди юзбоши Ҳусайн ва рўпарадаги курсига ўтирди.

— Зиёрат қилмоқчи эмишсан деб эшитдим, қаёққа бормоқчисан?

— Ҳазрати олийларидан ижозат олиб, қариган чоғимда бола-чақалар билан Қарбалога бориб, гуноҳлардан пок бўлиб келсак, деган эдим.

— Зиёратнинг худонинг даргоҳида қабул бўлсин! Бу ёқдаги ишларингни тўғрилаб бўлдингми?

— Тақсир, ҳазрати олийларидан ёрдам сўраб келган эдим. Икки ойдан бери полиция идорасига бўзчининг моксидек қатнай бериб, оёқларимда оёқ қолмади. Талайгина пул ҳам сарф қилдим. Лекин ҳалигача бирор натижа чиқара олганим йўқ.

Ҳожи қаҳ-қаҳ уриб кулиб деди:

— Шундай бўлишини билардим. От айланиб қозғини топади. Қани, айт-чи, сени қанчага туширишди?

— Ҳозиргача ҳар хил амалдорларнинг оғзини мойлаш учун беш юз саксон туман сарфладим. Энди генерал Ҳажбар Осо ҳам ўз улушини талаб қиляпти.

— Сен шунчалик бўш, лавашанг эканлигингни билмас эканман. Боплаб шилишибди-ку!

— Тақсир, хом сут эмган банда янглишар эканда! Мана, энди панд еб, оғзим куйгандан кейин тушуна бошладим. Аввал-бошдан ҳазрати олийларининг ҳузурларига маслаҳат сўраб келсам бўлар экан.

— Чамамда, менда бир оз ҳаққинг бор эди, шекилли?

— Тақсир, бу тўғрида гапириб ўтириш ортиқча. Шу тўғрида гапириб, хижолат қилиб қўйдингиз. Аксинча, сиз нима десангиз бажо келтиришга тайёрман.

— Хўп, кўраман.

— Нима буюрсангиз жону дилим билан бажо келтираман. Албатта, бошида хато қилдим, тушунмаган эканман. Энди тушундим. Қулингиз бу полиция ходимларига сира-сира ишонмай қўйди. Уч кунгача сўроқ қилишса бўладими? Бунинг устига чегарада божхона хизматчилари қўлига тушиб қоламанми деган хавфдаман. Улар бир пулга арзимайдиган биттаю битта жойномоз гиламимни ҳам қўлимдан тортиб олиб қўйишмасин деб, юрагим така-пука бўлиб турибди.

— Хўп, майли, менинг учун бир иш қилиб бера оласанми?

— Жону дилим билан, тақсир.

— Халлож Пурни танийсанми?

— Йўқ, тақсир.

— Халлож Пур деганим дунёда энг ифлос ва разил одамлардан бири. Мен иложи борича сенга тезроқ чет эл паспорти олиб беришга ҳаракат қиламан, кейин истардимки...

Ҳожи сўзини тамом қилгани ҳам йўқ эдики, эшик очилиб, покиза ва дазмолланган энгил-бош кийган бир киши кириб келди. Ҳожи у билан сўрашди:

— Салом алайкум, Муҳсинхон! Аҳволлар яхшими?

— Сояи давлатингизда яхши, жаноб олийлари!

— Жаноб Давом-ул-Вузаронинг аҳволлари қалай? Кўп вақтдан буён дийдорларини кўриш шарафига муяссар бўлганим йўқ. Қани, марҳамат, ўтиринг!

— Агар ижозат берсангиз, хўжайиним кўчада машинада ўлтирибдилар.

— Қадамларига ҳасанот. Марҳамат қилиб, кираверсинлар, бу уй ўз уйлари. Қани, чақиринг, кираверсинлар.

Паст бўйли, сариқ юз, сочига оқ оралаган, ўрта яшар, ўткир кўзли бир киши кирди. Ҳожи ўрнидан туриб, таъзим қилди:

— Э-э-э, жаноб Давом-ул-Вузаро! Салом алайкум... Хуш кўрдик! Келганингиз учун раҳмат, бошим осмонга етди.

— Марҳаматингиз учун чин қалбимдан миннатдорман.

Юзбоши Ҳусайн ўрнидан туриб, қўл қовуштирди, Ҳожи унга қараб:

— Эртага худди шу вақтда келсанг, натижасини билиб кетасан. Ўзингнинг ва бола-чақаларингнинг паспортларини олиб келиш эсингдан чиқмасин. Бу ёғини ўзим тўғрилайман,— деди.

Юзбоши Ҳусайн таъзим қилиб чиқиб кетди.

— Қурбонингиз бўлай,— деди Ҳожи Давом-ул-Вузарога мурожаат қилиб,— бу фақирнинг кулбасига ташриф буюриш билан бахтиёр этганингиз учун қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам оз. Қани, марҳамат, меҳмонхонага чиқайлик!

Давом-ул-Вузаро сал сезиларли кошон лаҳжасида сўзларини чертиб-чертиб гапира бошлади:

— Йўқ, йўқ, овора бўлманг, шу ернинг ўзи ҳам бўлаверади. Ташвишлансангиз, хафа бўламан. Безовта қилганим учун афв этинг. Ҳузурингизга келишдан мақсад жанобларининг файзларидан баҳраманд бўлиш эди. Кўпдан бери шу фикрда эдим. Олдин тобим қочди, кейин кундалик тирикчилик бу ниятни амалга оширишга ҳалақит берди. Алҳамдулиллоҳ, бугун мақсадга эришдим.

— Бу ерда ўзингизни яхши сезарсиз деб ишонман, марҳамат қилиб, ўтиринг!

Давом-ул-Вузаро Ҳожининг ёнига ўтирди. Муҳсинхон машинаси олдига чиқиб кетди. Ҳожи бир йўталиб олиб:

— Мурод! Айт, самовар қўйиб юборишсин!—деб қичқирди.

Мурод жавоб қайтармади.

— Йўқ, йўқ, ҳеч ҳожати йўқ, овора бўлишмасин,

мен чой ичиб келганман. Ўзингиз яхши биласиз-ку, мен чой ва чекишдан узоқроқман.

Мурод ҳовлиқиб кирди:

— Тақсир, сизни телефонга чақиришяпти!

— Қаердан телефон қилишаётганини сўрамадингми?

— Тақсир, шоҳ саройидан деб айтишди.

Ҳожининг юзида билинар-билинемас қўрқув аломатлари пайдо бўлди. У ўрнидан турар экан, Давом-ул-Вузурога қараб:

— Кечирасиз, мен ҳозир келаман,— деди-да, ҳасасини дўқиллатганича йўлакдан йўргалаб чиқиб кетди. Унинг кетидан Мурод ҳам чиқиб кетди. Давом-ул-Вузуро чўнтагидан газета олиб, диққат билан у ёқ-бу ёғини қарай бошлади. Ун минутлардан кейин Ҳожи келиб, жойига ўтирди. Давом-ул-Вузуро газетани буклаб, чўнтагига солиб қўйди.

— Жаноб Давом-ул-Вузуро, мени кечирадилар-да?

— Ҳечқиси йўқ, марҳамат!

— Мени саройга чақаришяпти,— деди Ҳожи чуқур ўйга ботиб,— давлат сири бўлса ҳам айтавераман: менга ҳар хил вазифаларни таклиф қилишди. Нима қилай, саломатлигимнинг мазаси йўқ, ҳеч қайсисига кўнмадим. Лекин ҳозирги шароитда бирорта юқори мансабни эгаллаб, ватанимга хизмат қилолмаганимга жуда афсусланаман.

— Ҳақиқатан ҳам ачинарлик-да, ўзи!

— Лекин оғойи Фалоҳан-уд-давланинг муомаласи менга нисбатан сал ўзгариб қолибди, шекилли, ҳар галги қиладиган меҳрибонликларини бугун камроқ қилдилар... Тағин ким билади дейсиз, балки ишлари кўп, вақтлари зиқдир... Биласизми, ўғлим оғо Кучекни меросдан маҳрум қилганман. Шунинг учун у билан муносабатимиз ёмон. Ҳозир у саройда хизмат қилса керак... Ҳа, хизмат қилади. Гарчанд менга ёмонликни раво кўришга ишонмасам ҳам, саройдагиларга бирор нарса айтдими, деб қўрқаман. Ким билади... Ҳеч ким ажалдан қочиб қутулган эмас! Албатта, унинг бу ишларини қасос олиш учунгина қилинаётганини сезишади. Аммо унинг бу ҳаракатлари ўзига зарар етказиб қўймасмикин, деб қўрқаман. Ҳозир биз тинч ва озодликда яшаймиз. Бунинг учун шоҳ ҳазратларидан миннатдор бўлишимиз лозим. Марҳум шоҳ даврида эса ҳамма нарса бошқача эди. У замонда кимни саройга чақиришса, олдин васиятнома ёздириб олишиб, кейин бир ста-

кан кофе беришарди. Қанақа кофелиги ўзингизга маълум, «шарбат» кофелардан!

— Худо кўрсатмасин!

— Инсон жуда унутувчан бўлади. Ҳамма нарсани тезда эсидан чиқзади. Одамнинг миясига минг хил фикр келиб кетаркан. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, мамлакатда энг биринчи одам сизга бир неча марта министрлик ёки депутатлик мансабини тавсия қилсада, сиз рад қилсангиз, албатта, яхши оқибатларга олиб бормади-да!

— Ҳожи оғо, сиз мурувватли, олийҳиммат ва сазий одамсиз. Сиз қайси ҳолатда бўлманг, аҳоли жаноби олийларининг шафқат ва марҳаматларидан баҳраманд бўлавереди.

— Келинг, майли, бу тўғрида гапирмайлик... Ҳа, айтгандай, кеча мен, иттифоқан, Муҳом Хилват жанобларининг уйларига кирган эдим. У ерда жаноби олийларини жуда ҳурмат билан тилга олишди. Чет элдан келган жуда баланд мартабали бир киши ҳам ўтирган экан. Турмуш, сиёсат ва бошқа мавзуларда гап бўлди. Хусусан, мен жаноб Мунтахаб Дарборга тушунтирдимки...

— Қайси Мунтахаб Дарбор?

— Полицияда ишлайдиган Куч-Алибек-чи.

Давом-ул-Вузаро Ҳожининг сўзларини тасдиқлаб, бош қимирлатиб қўйди. Ҳожи яна гапида давом этди:

— Мен уларга айтдимки, агар сизлар Луристондаги шов-шув, тўполон ва фитнанинг бостирилишини хоҳласангиз, у ерга шундай одамни юбориш керакки, у мана шунақанги ишларда сочи оқариб, пихи қайрилган бўлсин. Фақат ана шундай одамгина, худди аъло ҳазратга қарши Мозандаронда кўтарилган фитнани бостирганидек, бу ерда ҳам ҳамма жойни тинчитиб келади. Фитначиларнинг бир нечасини ўлдириш, бир нечасини зиндонга ташлаш керак. Қим кекирдагини чўзиб нутқ сўзласа, тумшугига тушириш лозим. Бундан кейин нима қилиш кераклигини мандан кўра ўзингиз яхшироқ биласиз. Охирида, шу ишга фалон кишини тайинланса, ҳамма тўполон шак-шубҳасиз бостирилади, деб қасам ичдим. Чунки ҳозирги кунда шижоат ва матонатли кишиларга муҳтожмиз. Бизга темир муштлиқ одамлар керак. Шундай экан, Мозандаронда ортдирган тажрибаларингизни назарда тутиб

иш қилинг. Мен ўз ихтиёрим билан аъло ҳазратга Мозандарондаги бир парча еримни тақдим қилдим. Ҳозир ким ўша ёқдан келса, ерларингиз жаннат бўлиб кетибди, дейди. Агар ўша бир парча ер ҳали қўлимда бўлганда, барибир у ердан олинадиган бир кафт гуручни ҳам қишлоқ оқсоқоли ва давлат агентлари оғзидан зўр билан тортиб олишга тўғри келарди. Шу тариқа олинган ҳосил нест-нобуд, хомталаш бўлиб кетарди. У ерларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланишга вақтим бўлмасди, ҳозир эса бу ерлар оқил ва доно одамнинг қўлида. Дунёда бундан ҳам яхши нарса борми? Бунинг устига мамлакат кундан-кунга обод бўлмоқда. Лекин ҳамма бало шундаки, ҳозирги вақтда фидокор одамлар топилмайди. Агар мамлакат обод бўлишини истасалар, бутун ер-сувларнинг жиловини, сояларида кундан-кунга тараққий этаётган мамлакатимизнинг энг биринчи кишиси бўлмиш тождор отамизга топширишлари керак. Мен тўғри ва ҳақиқатни гапиришни яхши кўрадиган одамман. Ҳеч қандай гуноҳинг, тили қисиклигинг бўлмагандан кейин, қўрқининг ҳам ҳожати йўқ-да... Мен сизни сиёсатни тушунишда тенги йўқ ва Луристондаги фитнани шовқин-суронсиз, сув қуйгандек тинчитиб келишингизни айтдим... Менинг сўзларим ҳаммага жуда таъсир қилди, айниқса оғойи Саид Ҳумоюн гапимни қўллаб-қувватладилар.— Ҳожининг юзларида хайрихоҳлик табассуми пайдо бўлди.

— Менга қилган яхшиликларингиз ва илтифотларингиз учун ўз миннатдорчилигимни қандай қилиб билдиришни билмай турибман. Модомики, гап Луристон тўғрисида борар экан, сиз жанобларидан бир нарсани илтимос қилишга рухсат берсангиз!

Ҳожи оғонинг юзлари жиддий тус олди:

— Азизим, бемалол гапираверинг. Сиз билан бизнинг ўртамиздаги муносабатлар ҳеч бир такаллуфсиз бўлиши керак.

Давом-ул-Вузаро атрофга бир неча назар ташлаб олгач, сўз бошлади:

— Гап жияним полковник Бўланд Парвоз тўғрисида бораётгани учун жанобларига баъзи бир изоҳлар бермоқчи эдим.

— Ййе, ҳали у киши жиянингиз бўладиларми?! Гарчанд, ўзим кўрмаган бўлсам ҳам, лекин у кишига муҳаббатим зўр. У кишининг олийжаноб одам эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

— Бу-ку тўғри-я, лекин бахтга қарши анчадан бери аллақандай англашилмовчиликлар юз беряпти. Баъзи ифлос ва ёмон ниятли кишилар уни исрофгарлик, порахўрлик, хотинбозлик ва қотилликда айблаб юришибди.

— Жанобларининг жиянларини-я?!

— Шунини ҳам айтиб қўяйки, полковник Бўланд Парвоз жаноблари аъло ҳазрат шаҳаншоҳнинг диққатларига сазовордирлар ва Луристонга жўнашларидан илгари офицерлар клубида «Миллий ғурур» деган мавзуда нутқ ҳам сўзладилар. Бу нутқ тезда босилиб чиқди ва катта мансабларга манзур бўлди. У кишининг бутун феъл-атворлари, юриш-туришларини яхши билганим учун сизнинг муборак бошингиз ҳақи қасамёд этаман ва ишонч билан айта олманки, у киши олийжаноб ва раҳмдил кишидирлар. Раҳмдилликлари шунчаликки, ҳатто пашшага ҳам озор бермайдилар. Лекин ҳарбий киши бўлганлари учун ҳарбий буйруқларга ва асосномага хилоф иш қилмайдилар. Аксинча, ватан учун жонларини фидо қилишга тайёрлар. Хулласи калом, бутун вужудлари ватанпарварлик ҳисси билан суғорилган. Албатта, ҳар ким ватанини ҳар хил севади ва унга ҳар хил хизмат қилади. Мамлакатининг олий манфаатларига зид иш тутувчи ва қонунга хилоф талаблар қўювчи баъзи исёнчилар полковник орқали ўз мақсадларига эришолмаганларидан кейин у киши тўғрисида турли-туман фикс-фасод ва иғволар тарқата бошладилар. Улар, «жаноб полковник қабила бошлиқларини қўлга тушириш учун қуръон билан қасам ичиб, таслим бўлганидан кейин уларни ўлдирди, қабилаларни талаб, мол-мулкини талон-торож қилди», деб марказга хабар қилишибди. Бундан ташқари, «полковник босқинчиларни таъқиб қилиш баҳонаси билан бир неча бегуноҳ одамларни ўлдириб, молу мулкларини эгаллаб олди», деб ҳам марказга юмалоқ аризалар ёзишибди. Мана, ўзингиз кўриб турибсизки, қилинган бу ишларнинг ҳаммаси ҳукумат планида бор бўлиб, у кишининг бутун хатти-ҳаракатлари юқоридан берилган буйруқларга асосланган ва уни адо этишдан иборатдир. Лекин ички ишлар министрлигидан олган маълумотларимга қараганда, у киши Луристонда ўлдирган қароқчилар назарда тутилган қароқчилар бўлиб чиқмаган. Луристонлик қароқчилар ҳозир Ҳузистонда бош кўтариб, аҳолининг мол-мулкини талаётган эмиш. Менинг бунчалик

эзмалик қилишимдан мақсад, шу воқеалар билан сизни таништириш ва жаноблари орқали аъло ҳазратни ҳам бу тўғрилардан бохабар қилиб қўйиш эди. Албатта, сиз бу воқеаларнинг мудҳиш оқибатларга олиб келишини...

Шу вақт Мурод қўл қовуштириб, Ҳожи оғонинг олдига келди.

— Ҳа, нима керак сенга?— деди Ҳожи унга қараб.

— Тақсир, рухсат берсангиз, ичкарига пиёз олиб келиб берсам.

— Ойнинг бошида бир ярим ман пиёз олиб берган эдим-ку, тамом бўлдимми? Ҳаёе борми ўзи сенларда, шармандалар? Ахир, овқатларинг ичида битта ҳам пиёз кўрганим йўқ-ку! Вой-во-ей! Бутун бор-йўғим ҳаромга кетяпти десанг-чи!

— Тақсир, бундан менинг хабарим йўқ.

— Хўп, майли, Машади Маъсумга бориб, икки-уч сер пиёз ол. Бу тўғрида ўзим кейин гаплашаман. Лекин эсингда бўлсин, олдин пиёзнинг нархини бил, кейинчалик мендан ортиқча пул талаб қилиб юрмасин.

— Хўп, тақсир!

— Шошма, пиёзнинг ширинидан, Қум пиёзидан беринг, дегин!

Мурод чиқиб кетди. Ҳожи шокосадек кўзларини пириллатиб кулди-да, Давом-ул-Вузурога ўгирилиб, овозини баланд қўйиб деди:

— Мен доим, Эрон ҳаммадан кўра иродали ва шижоатли одамларга муҳтож деб келаман. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда давлат арбоблари етишмайди. Тагин ҳам бахтимизга мамлакатнинг тақдири буюк ва отоқли саркардамиз аъло ҳазратнинг қўлларида. Лекин афсуски, у киши ёлғизлар. У кишининг атрофларини ўғри, муттаҳам ва манфаатпарастлар ўраб олган. Мана, масалан, ҳозирги бир тўда муттаҳамларнинг тўполон кўтаришлари учун қулайлик туғдириб берган Луристондаги ўғриларни йўқотиш масаласи— аслида мамлакатнинг ободончилик ишига фойда етказадиган зарур тадбир эди. Бу ҳукумат программасида ҳам бор нарса. Бизнинг эркин нафас олишимиз учун барча кўчманчи қабилаларнинг уруғини қуритиш керак. Қани, ўзингиз айтинг-чи, уларнинг мамлакат учун нима фойдаси бор? Улар ҳамма вақт бизнинг тинчлигимизни бузишга сабаб бўладилар, марказий ҳукуматнинг ишларига халақит берадилар, бечора савдогарларнинг молларини талайдилар, гуноҳсиз одамларни

ўлдирадилар. Шунинг учун уларнинг ҳаммасини қириб ташлаш лозим. Биз полковник Тимсор жаноблари, Бўланд Парвоз жаноблари сингари кишиларга муҳтожмиз. Тушунайсизми? Полковник жаноблари ўз ватанларига хизмат қилганлар, у кишиларнинг қўлларини ўпиш керак.

Давом-ул-Вузаро Ҳожининг оғзидан сачраб чиқиб, лабига ёпишган тупукни қўлининг орқаси билан артди-да, секингина деди:

— Қулингиз жанобларининг фикрларини муқаддас деб ҳисоблайди, лекин ҳар ишга ҳам бир йўл топиш керак-да!

— Хотирингиз жам бўлсин, қўлимдан келганини асло аямайман,— деди Ҳожи кўзини қисиб.— Тегишли жойлар билан гаплашиб кўраман. Албатта, текинга мушук офтобга чиқмайди, қаерга борсанг, қўлингга қараб туришади, бунинг ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласиз. Бунинг устига, мунақанги нозик ва муҳим ишларда бир эмас, бир неча кишининг оғзини мойламасанг, бўлмайди, албатта. Мен гапнинг очигини айтишга ўрганиб қолганман. Яна ўзингиз биласиз...

— Албатта, албатта, яхши тушунаман. Бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Жанобларининг менга нисбатан қилган лутф ва марҳаматлари учун миннатдорчилигимни қандай изҳор қилишни ҳам билмайман. Қулингизни жуда хижолат қилиб қўйдингиз... Сизга бир нарсани айтмоқчи эдим: сизнинг диёнатли киши эканлигингизга барча ёшу қариларнинг имонлари комил бўлса-да, лекин орқангиздан майдачуйда гап тарқатиб юрувчи баъзи бир манфаатпараст душманларингиз ҳам йўқ эмас. Мақсадим чақимчилик ва ғийбат қилиш эмас. Бу тўғрида менинг сукут этишим жанобларига бўлган дўстлик ҳисларига хиёнат қилиш демақдир. Шунингдек...

Ҳожи ҳовлиқиб сўради:

— Менинг орқамдан-а?! Масалан, кимлар?

Давом-ул-Вузаро дона-дона қилиб тушунтира бошлади:

— Жанобларига муҳаббатим зўр. Шунинг учун ҳозир бор гапни сизга айтиб бераман: ўтган куни «Эрон» клубида оғойи Ҳузурий Ҳазқил Машъал ва оғойи Бандан Даргоҳ билан бриж ўйнаётган эдик. Жаноб Ҳузурий гап орасида: «Фалон иш тўғрисида агар Ҳожининг розилигини олишса, кўп олийжаноб иш бўларди, чунки у ҳамма нарсадан хабардор ва

махфий ишларни биладиган одам. Овозаларга қараганда, у Масон ложаси¹нинг аъзоси бўлиб, чет эл маъмурлари билан мустаҳкам алоқада эмиш. Лекин ўзи узоқни кўрадиган, ҳаммага сўзини ўтказа оладиган одам», деб қолди. Мен унинг гапларига қаттиқ эътироз билдирдим: «Ҳожини оғо номи булганмаган покдил, Эронда тенги йўқ одам. У кишининг ватанпарварликларига ҳеч ким шубҳа қилмайди», дедим.

Ҳожини жиддий равишда бош қимирлатиб қўйди-да, газаб билан гапира кетди;

— Оғо, бу шаҳарда менинг душманларим жуда кўп. Кечагина мансабга, бойликка эга бўлган муттаҳамлар, барча ўғрилар, араблар, мамлакатимизнинг барча муҳим иқтисодий корхоналарига махфий равишда жойлашиб олган суриялик ва ироқлик яҳудийлар, отасини танимаган ҳаромзодалар мени кўришолмайди. Уларнинг ҳаммасининг қаердан сув ичишини биламан. Шунинг учун ҳам мени ёмон кўришадилар. Ҳузурий ўзидан-ўзи ҳамма нарсани удалайдиган бўлиб қолди, деб ўйлайсизми? У Техронга келганда оддий бир шофер эди. Кийимлари шу қадар жулдур-жулдур эдики, агар бошидан бир ман тариқ сочсангиз, бир донаси ерга тушмасди. Энди бориб, молмулкини томоша қилинг! Агар аллақандай беватан араб-шофёр бизнинг иқтисод профессорларимиздан кўпроқ билимга эга бўлса, яхшиси, мактабларни ёпиб қўйиш керак. Бекорга Европага ўқишга юборишининг нима кераги бор? Декан маҳорожаси икки марта ташқи ишлар министри лавозимини олинди, деб илтимос қилди. Ҳар иккаласида ҳам рад этдим. «Мусофирликда хор-зор бўлиб ўлиб кетишни истамайман, агар қўлимдан бирор нш келадиган бўлса, бор қобилиятимни ўз ватанимнинг фаровонлиги учун сарфлайман», дедим. Балки, менинг гуноҳим эронлик бўлганим учундир, лекин мен шу ерда туғилдим, шу ерда ўлишим керак, мени ҳеч қандай ажнабий пулниги жиринглаши мафтун қилолмайди. Лекин насл-насаби номаълум бу ҳаромзодалар Эронни талон-торож қилиб, кейин чет элга бориб, айш-ишрат, давр-даврон суришмоқчи. Шундай оғир шароитда ишдан бўйин товлаш инсофданими? Қани, айтнинг-чи, ким ҳаромзода, менми ёки жаноби Бандан Даргоҳми? Агар ўз отасини билмаганда,

¹ Масон ложаси — 18 асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим бўлиб, сиёсатда реакцион йўл тутган. (Ред.)

худо билади, яна нималарни даъво қиларди. Хотини тўғрисида шундай миш-миш гаплар юрадики, асти қўя беринг, қизини эса бозордаги пул майдалайдиган саррофга берибди-ю, яна ўзини ашроф деб атайди. Мен одамларнинг бетига тик гапираверганимданми ёки ростгўйлигимданми, улар ҳам мен билан ҳисоблашишади. Чунки уларнинг насл-насаби сирри-асрорини биламан-да! Мен масонманми ёки улар кеча ким бўлганликларини эсларидан чиқарганмилар? Саксон йилдан бери шу ерда тер тўкиб меҳнат қилаётганимни, бирор киши мен тўғримда ёмон фикрда бўлмаганини жанобларининг ўзлари ҳам тасдиқлашлари мумкин. Отам раҳматлик Шоҳи шаҳид даврида донгдор киши эди. Агар бирор одам унинг номини тилга олгудек бўлса, минг томондан унинг шаънига мақтовлар ёғиларди. Ўзингиз айтинг, менинг обрў ва шуҳратга эҳтиёжим борми? Яна шу замонда-я! Менинг бировдан қарзим йўқ, бировнинг бир қошиқ гўжасини ичган эмасман. Агар мен анови ифвогарларга ўхшаб, бойишни хоҳласам, бу иш менинг учун худди бир қултум сувни ютишдек осон нарса. Лекин...

Эшик очилиб, икки киши кириб келди. Улар Ҳожи билан ҳол-аҳвол сўрашиб, ўтиришди. Ҳожи бир зум Давом-ул-Вузаро билан пичирлашиб олди. «Албатта, гаплашиб кўраман», «Хотирингиз жам бўлсин, иш пишган» деган баъзи сўзлар қулоққа чалинди. Сўнг-ра Давом-ул-Вузаро ўрнидан туриб, шошиб чиқиб кетди, Ҳожи янги меҳмонлар билан қайтадан ҳол-аҳвол сўрашгач, олазарак бўлиб турган қалин сочли йигитчага қараб:

— Оғойи Мазлағоний, қани, марҳамат, бу ёққа ўтиринг,— деди.

Ғижимланган газета ушлаб турган Мазлағоний Ҳожининг ёнига келиб ўтирди:

— Қани, биродар, дунёда нима гаплар бор экан?

— Халқаро сиёсат осмони қора булутлар билан қопланган. Урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳеч ким олдиндан кўролмайди.

Ҳожи тасбеҳ ўғириб ўтираркан, саройдан қилинган телефондан ҳали ҳам ўзига кела олмагани учун «Дубби Акбар» газетасининг мухбири олдида ҳам «Жамият фикрини тарбиялаш» клубида сўзланадиган нутқларига ўхшаш нутқ сўзлашни лозим топди.

— Оғо, бекордан-бекорга ташвишланманг! Бизнинг нима ишимиз бор? Қайси томон енгилса ҳам, ба-

рибир ислом динининг фойдаси. Шундай тўс-тўполонда ҳар ким ўзи тўғрисида ўйлаб, ўзингни бил, ўзгани қўй қабилида иш тутиши керак. Бир бурда нонимизни худога юз марта шукур қилиб ейишимиз керак. Чунки шундай оғир ва нозик кунларда мамлакатнинг тақдири улуғ саркардамиз — аъло ҳазрат шаҳаншоҳнинг ишончли қўлидадир. Ҳозирги замонда бизга худои таолонинг энг олий, энг юксак инояти шаҳаншоҳ муқаддас зотлари эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Фақат у кишигина қисқа муддаг ичида Эронни йўқлик, қашшоқлик жаҳаннамидан кенг тараққиёт йўлига олиб чиқдилар. Ҳозир мамлакатда шунчалик тинчлик ва хавфсизлик ҳукм сурмоқдаки, агар бир хотин бошида бир тоғора тилла билан Мокудан Бандар-Чоҳбаҳоргача пиёда борса ҳам ҳеч ким қайрилиб қарамайди. «Шоҳ амри—худо амри» деб бекорга айтмаганлар. Ҳозирги вазият ўтган уруш вақтидагидек эмас, ички низо ва тўполонлар йўқ. Алҳамдулилло, тождор отамиз сояларида ҳамма соҳада, айниқса ижтимоий онгимизда ақл ишонмайдиган даражада тараққиётга эришдикки, эндиликда ҳеч қандай ташқи давлат ватанимизга кўз олайтиришга журъат эта олмайди. Ҳозир икки миллион аскаримиз бор; бир томондан Кавказни, иккинчи томондан рус Туркистонини босиб олишга қурбимиз етади. Ишонинг, биз дунёни ларзага келтиряпмиз. Аҳмадшоҳ даврида иш ҳақи ўрнига сомон, беда ва ғишт беришгани эсингиздами? Ўтган куни саройда қабул куни бўлди, мен шаҳаншоҳимизнинг муқаддас оёқларини ўпишга мушарраф бўлдим. У киши ўз қулларига қанчалик ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилаётганларини тасаввур эта олмайсиз. Худои таоло халқимиз бошидан у кишининг муқаддас сояларини кам қилмасин. Ўзингиз айтинг, бу тинчлик, ободончилик, шунча аскар, темир йўл, асфальт кўчалар, ҳашаматли иморатларни тушимизда ҳам кўрганмидик?

— Қулингиз фикрингизга батамом қўшилади; аъло ҳазрат Ризо шоҳдек буюк инсон экан, эрон миллатига ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид қилолмайди. Бутун дунё мамлакатларини ларзага келтираётган бу талон-торож ва қирғин урушдан четда қолганимиз учун худога минг қатла шукур. Лекин бу уруш ҳақ-ноҳақ бутун дунёнинг иқтисоди ва унинг маънавиятига қаттиқ таъсир қилажagini инкор қилиб бўлмайди.

— Шу вақтгача дунё иқтисоди ва савдосининг ри-

вожланишига тўсқинлик қилиб келаётган бизнинг шимолий қўшнимиздир. Бахтимизга аъло ҳазрат бу масалани яхши тушунадилар. Менда бир ишончлик маълумот бор. Германиянинг Совет Иттифоқига қарши ҳужуми тўғрисидаги хушxabарни аъло ҳазратнинг муборак қулоқларига етказган киши ҳикоя қилди: аъло ҳазрат жуда қувониб кетиб: «Бу хабарни нега менга айтасан, яхшиси бориб эрон халқини табрикла», дептилар. Қандай буюк сўзлар-а! Тождорнинг сўзлари — барча сўзлар тождир! Шундай дейиш ҳатто Афлотуннинг ҳам ақлига келмаган.—Ҳожи қуюшқондан ташқари чиқиб кетганини пайқаб, пушаймон бўлган кишидек, бирпас лабини тишлаб турди-да, кейин яна сўзида давом этди.—Гап шу ерда қолсин, бу сиёсий сир. Аъло ҳазрат кўпдан бери эрон халқига Қавказдаги ўн етти шаҳарни оламан деб ваъда қилиб келар эдилар, энди ана шу шаҳарларни Эронга қўшиб олишларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Кеча Гитлер Берлин радиоси орқали нутқ сўзлади. Сўзлари шундай ўткир ва маъноликки, ҳар калима сўзидан кейин роса ярим соат чапак чалишди. Э, бу—доҳийлик! У чириган сиёсат аппаратини ўзгартириб, янги тартиб ўрнатмоқчи. Бир-икки ҳафтадан сўнг Россиянинг фотиҳасини ўқийверинг.—Ҳожи ғурур билан қаҳ-қаҳ уриб кулди.—Ким билади дейсиз, балки сиз билан суҳбатлашиб ўтирган вақтимда улар Москвани ҳам ишғол қилишгандир. Кейин Англияга навбат келади. Немислар уни бир қултум сув ичгандек бир ёқлик қилиб қўя қолишади. Сизга қасамёд этиб айтаманки, яна бир-икки ой ўтар-ўтмас немисларни Техронда кўраверасиз.

Ҳожи тупугини қулт этиб ютиб, мароқ билан сўзида давом этди.

— Эсизгина, сиз Германия элчихонасида бўлмадингиз-да. У ерда «Франциянинг мағлубияти» деган фильм кўрсатилди. Шу фильмни кўришга мени ҳам таклиф қилишган эди. Немис солдати, кўринг-кўрманг, пўлатнинг худди ўзи. Дунёда унга бас келадиган ҳеч қандай армия топилмайди. Мен сизга бир нарса айтаман, сиз уни яхшилаб ўқиб олинг. Майли, қўя беринг, Гитлер ўзининг янги тартибини бутун дунёда ўрната берсин. Жуда нари борса, хўжайинимиз ўзгаради—бу бизнинг фойдамиз бўлади. Ҳа, ҳазрати Соҳибнинг намоён бўлишларининг барча аломатларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Қани,

айтинг-чи, коммунизм деган нарса ўзи нима? Агар яхши бўлса, ўзларига буюрсин. Агар ёмон бўлса, бошқаларни ташвишга солиб, унга даъват қилишнинг нима кераги бор?! Большевиклар ҳокимият тепасига келмасидан бурун Россияга ўша вақтдаги пулда ўн минг туманлик пўртаҳол сотган эдим. Ҳозир бўлса, Россия халқи пўртаҳол у ёқда турсин, бир бурда нонга ҳам зор. Оламда кимдир фармон бериши, кимдир фармонни амалга ошириши керак, дейишган машойихлар. Қўяверинг, улар тақдир билан кураша-версинлар. Нима учун мен хўжайини-у, Мурод менинг хизматкорим бўлиб қолган? Чунки худонинг хоҳиши шу. Бу ишга менинг нима дахлим бор? Бундан ташқари, мен тер тўкиб, меҳнат қилиб, бир шоҳийни юз динар қиламан. Дунёнинг ўз қонуни-қондаси бор, ҳамма ҳам министр бўлиб кетавермайди-ку?! Бири шоҳ, бири гадо бўлиб яратилади. Мен тер тўкиб меҳнат қилиб, иккита фиштни устма-уст қўйиб, уй қуриб, унда яшайман. Энди бўлса, шу уйимни текиндан-текин лой тепиб, фишт қуядиган Машади Ҳасанга берар эмишман. Нима учун? Бўйни йўғон бўлгани учунми? Агар шу хилда давом этаверса, ҳеч ким ишламайди, ободончилик тўхтади, маданият йўқолади. Ундан кейин Мурод—Ҳожи Мурод, мен эса Машади Мурод бўлиб қоламан!

— Гапларингиз жуда тўғри,— деди Мазлағоний.— Албатта, дунёда катта ўзгаришлар рўй бериб, янги тартиб, янги қондалар ўрнатилади. Лекин бунга қараб тескари ҳаракат қилишимиз керак эмас. Овозаларга қараганда, Гитлер мусулмон динини қабул қилиб, билагига «лонлоҳа иллолло» деб ёзилган мато боғлаб олганмиш. У Эронни жуда яхши кўради. Сиз ҳали бугунги ахборотни ўқиганингиз йўқми?

— Йўқ, лекин сизнинг «Олий ҳимматлик» деган мақолангизни Каюмарс ўқиб берди. Сиз менинг от пойгаси учун фақирлар уйига хайр қилган ўнта билетим тўғрисида зикр қилибсиз. У арзимаган бир инъом эди, мени жуда хижолатда қолдирибсиз. Аммо бошқаларга ибрат бўлиш жиҳатидан мақолангиз диққатга сазовордир. Оғойи Мазлағоний, шу муносабат билан сизни қутлашга рухсат егинг! Сиз оламда мисли кўрилмаган йирик ёзувчилардан ҳисобланасиз. Қани, камтарлик қилмасдан айтинг-чи, шу қадар гўзал сўзлар ва бамаъни иболарни қаердан топасиз?

— Э, қулингиз фақат ўз ахлоқий ва ижтимоий ва-

зифасинигина адо этди. Лекин, редакциядагиларнинг фикрича. мақола озгина бўлса ҳам, муболагадан холи эмас.

— Наҳотки?!

— Худди шунинг учун ҳам мақолани учинчи бетда чиқазилмоқчи эди. Лекин қулингизнинг зўри билан чиқарилди. Сиз, албатта, қулингизнинг «Ҳожи Эрон халқи учун кўп иш қилган, у инқилобнинг отоқли фарзанди, биз ўз озодлигимиз ва конституциямиз учун у кишидан миннатдор бўлишимиз керак. Бутун умрини ҳалол, тўғри ва покиза ўтказган бу инсонпарвар, тараққийпарвар ва маърифатпарвар киши эрон миллатининг ифтихоридир ва биз бундай муҳтарам сиёсий арбобимиз билан фахрланишимиз лозим», деган ибораларга диққат қилган бўлсангиз керак?

Бир рўмол пиёз кўтариб, Мурод кирди. Ҳожи хурсанд бўлганидан Мазлағонийни мақтаб қўйишга оғиз ростлаган эди, йўлакдан хотин кишининг овози эшитилиб қолди:

— Ҳожи оғо! Ҳожи оғо! Ҳалима-хотуннинг мазалари кочди, ўзларидан кетиб қолдилар!

Ҳожи товуш келган томонга қараб:

— Учир овозингни, бетавфиқ! Бақирмагин деб минг марта айтаман! Мурод, бор қарагин-чи, яна нима бўлибди!— деди ўшқириб.

Хотин яна қичқирди:

— Вой-дод, Мурод, Ҳожи оғога айт, тезроқ ичкарига кирсинлар, Ҳалима-хотуннинг жонлари узилди.

Йўлакда ғўнғир-ғўнғир ва ғиншиган товушлар эшитилди. Ҳожи Мазлағонийга деди:

— Узр, оғойи Мазлағоний, афтидан, бирор бахтсиз воқиа рўй берганга ўхшайди. Мен сизни, албатта, «Дубби Акбар» газетасининг муҳарририга яхшилаб тавсия қиламан. Ижозат берсалар...

Мазлағоний билан ҳамроҳи шошилганларича хайрлашиб чиқиб кетишди. Ҳожи оғо пинагини ҳам бузмай, секин ҳассасини олди, кўрпача тагидаги қоғозларни авайлаб тахлаб нимчасининг кенг чўнтагига жойлагач, Муродга:

— Мен ичкарига кириб кетяпман. Сен тезда Хужжат-уш-Шарияга хабар қил,— дедида, ҳассасини дўқиллатиб йўлакка кириб кетди.

Ҳожи-Абу Тароб зулҳижжа ойида, қурбон ҳайит арафаси куни кечаси ҳожи оиласида туғилди ва унга Ҳожи деган ном қўйилди. Гарчанд у саксон тўққиз ёшга кирган ва Носириддин шоҳ давридан қолган ёдгорликлардан бўлишига қарамай, мункиллаб қолмаган ва анча ёш кўринарди У савлат тўкиб, виқор билан юрарди. Қалласи думалоқ, икки юзи тўла ва қизил тепа сочлари сийрак, лекин хина билан бўялган эди. Башараси гиламнинг патига ўхшаш оқ туклар билан қопланган бўлиб, сўфиларнинг мўйловига ўхшаш мўйлови қирғий бурни остида осилиб ётарди. Қон томирлари билан қопланган катта кўзлари бароқ қошлари орасида ялтираб турарди. Агар у тунги қалпоғини кийиб олса, боши худди нокка ўхшаб қоларди. Сергўшт бақбақаси соқоли остида билқиллаб турар, бўйни жуда йўғон эди. Ҳамма вақт қалпоқ тагида яшириниб турадиган қулоқлари тепасидаги туклар оқариб, нозиклашиб кетган, кулган вақтида кўрнадиган сунъий тишлари кирланган бир парча тиллага ўхшар эди.

Ҳожининг танаси узун, оёқлари калта бўлганидан ўтирганда ўрта бўйли, юрган вақтида паст бўйли бўлиб кўринарди. Қалласини сал олдинга чўзиб югани учун бўлса керак, букрига ўхшарди. Ёз кунлари қийиқ ёқали кўйлак ва кенг иштон кийиб юрарди. Айвонда ўтирганда доимо эгнига кенг, чўнтаклари ҳаддан ташқари катта жилет, бошига тунги қалпоғини кийиб, елкасига нозик абосини ташлаб ўтирарди. Кўйлагининг енги тугмасиз бўлганидан калта ва сержун қўллари ҳамма вақт очилиб ётар ва ёқасидан соқолларига тутшиб кетган қуюқ кулранг кўкрак жунлари кўриниб турарди. Тасбеҳ ўгирмаган вақтда, одати бўйича, икки қўли билан катта қорнини силаб ўтирарди.

Қишда орқалари ғижим-ғижим бўлиб кетган, эчки жунидан тўқилган чиркин, эски камзул кийиб юрарди. Ҳожи уни «табаррук камзул» деб, ер-кўкка ишонмасди. Узининг айтишига қараганда, кунлардан бир кун Носириддин шоҳ овда унинг муҳтарам отасини чақириб: «Эй падар лаънати, марҳум жой солувчи, кел, мана шу камзулни сенга ҳадя қилдим», деган эмиш. Мазмуни, Ҳожининг отаси вафот этмасдан илгари ҳам уни «марҳум» деб аташар экан. Ҳақиқатда эса у камзулни эскифурушдан сотиб олган эди. Ҳожи кўчага узун кулранг костюм, қора шим ва катта қалпоқ қийиб чиқади.

Чурраси тушиб қолганидан бери кумуш дасталик ҳасса тутиб, оёқларини кериб юрадиган бўлиб қолганди.

Ҳожининг ички-ташқи ҳовлиси, жиҳозланган ва жиҳозланмаган жуда кўп уйлари бўлишига қарамай, меҳмонларни фақат айвонда кутарди. Агар ташқарида иши бўлмаса то «кечки овқат тайёр бўлди» демагунларича, шу ерда ўтириб, келган-кетганлар билан машғул бўлар, савдо-сотик шартномаларини имзолар, ўзининг таъбирича, «ишларини саранжомлар» эди. Ҳожи уялмай-нетмай, бутун оқсуякларни: бош министрдан тортиб, то маҳалла домласигача, гузар боққолидан тортиб, то Зол Муҳаммадгача шу айвонда қабул қиларди. Агар фоҳишахона бошлиғи Зол Муҳаммаднинг қабул қилинишига эътироз билдирилса, Ҳожи шундай жавоб берарди:

— У олабўжи эмас, бошқалар қандай бўлса, у ҳам шундай одам. Бунинг устига Зол Муҳаммаднинг Янги шаҳарда қилган ободончилик ишларини Техрондаги бутун бошли шаҳар бошқармаси ўзининг шунча бюджет ва мутахассислари билан қила олмаган. Фоҳишахоналарда тартиб ўрнатиб, уларни даражаларга бўлди. Фоҳишахоналарда кино ва театрлар қурди. Лекин сизнинг шаҳар бошқармангиз бир театр солмоқчи бўлиб, эллик марта бузиб, эллик марта қайтадан қурди. Унинг орқасидан бир неча ўғри миллионер бўлиб кетди, театр эса бояги-бояги чалалигича ётибди. Бундан ташқари, бошқалар яширинча қиладиган ишларни Зол Муҳаммад очикдан-очик қилаверади. Ким жаннатга-ю, ким дўзахга тушишини билиб бўлмайди. Эчкини ҳам, қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар. Ҳар ким ўз қилмиши учун ўзи жавоб беради... Аслида барча каллахум ва давлат арбобларининг у билан тили бир эмасми? Мен тўғриси айтиламан. Ахир, Янги шаҳарни идора қилиш ва унда тартиб ўрнатишга бир одам керак эмасми? Акс ҳолда оилалик кишилар ўз хотинларини сақлай олмас эдилар-ку! Жамият шоҳу вазир ва депутатларсиз ҳам яшайверади, лекин Зол Муҳаммадларсиз яшай олмайди. Мен шаҳарнинг бутун оқсуяклари ва машҳур одамларини танийман. Мана, Зол Муҳаммад бир кино биносини қуришни менга пудратга берди, битта игна устида ҳам талашга бормадик. Афсуски, бизда одамларнинг қадрига етмайдилар, бўлмаса Янги шаҳарда унга ҳайкал ўрнатиш керак эди.

Ҳожининг айвонида фақат тўрт кишилик жой бўлганидан унинг меҳмонлари ҳеч қачон уч кишидан ортиқ

бўлмас эди. Агар меҳмонларнинг сони ошиб кетадиган бўлса, ўтирганлар секингина туриб, жойларини янги келганларга бўшатиб берар эдилар. Мабодо, биров Ҳожининг отасининг ҳаёти тўғрисида пьеса ёзмақчи бўлса, унинг асари бир пардали бўлиб, саҳнани фақат бир марта безатишга тўғри келар эди.

Ҳожининг отаси Машҳади Файзуллонинг Заъфарон божи бозорчасида тамаки дўкони бор эди. Очарчилик йили у ҳалол-ҳаром йўллар билан мол йиғиб, белини маҳкамлаб олган эди. Мирзои Шерозий тамакини манъ қилиб қўйгандан кейин Машҳади Файзулло Яҳёхон Мўшир-уд-давланинг уйига серқатнов бўлиб қолди. Мулло Абдулло Воиз чилим чекишга ўргангач, тамаки чекишга яна йўл қўйилди. Режи компанияси бекор қилинди. Машҳади Файзулло фурсатни қўлдан бермай, усталик билан бойиб олди, яъни тақиқланган тамакини арзон баҳода харид қилиб, омборларни тўлдириб қўйган эди, кейин уларни жуда қиммат баҳода сотди. Кейин арзимаган пулга министр Мирзо Исодан бир неча миллион зар¹ ер сотиб олди, давлати еру кўкка сиғмай кетиб, ҳажга бориши лозим бўлиб қолди. Маккага бориб, пулларини ҳалоллаб қайтгач, умрининг охиригача ўз ҳужрасида жуда хасислик билан кун кечирди. У тўқсон уч ёшга кирганда ана шу ўтакетган хасислигидан ўлди. Юрак оғриғи бўлиб қолган эди, табиб дори ёзиб берди, дорини сотиб олишга пулини кўзи қиймай, уйдаги яраларга суркайдиган дорини ичди-ю, оламдан ўтди.

Ҳожининг Файзуллонинг бутун молу мулки биттаю-битта ўғли Ҳожининг Абу Таробга қолди. Абу Тароб Маккага бориб зиёрат қилмаган бўлса ҳам, ҳожининг бўлиб олган эди. Аммо ҳаммага ўзини Маккага бориб келган қилиб кўрсатишга уринар ва Макка тўғрисида отасининг қилган ҳикояларни худди ўзи кўргандек қилиб гапириб берарди. Ҳожининг Абу Тароб тамаки дўконини ёпиб, қишлоқда катта ер, шаҳарда мол-мулк эгаси бўлиб олди. Ҳожининг отасининг унча таниғлиқ одам эмасди. Ҳожининг бундан фойдаланиб, отасининг «Ҳожининг жойи солувчи» лақабини қўйиб, уни Носириддин шоҳнинг энг яқин сарой аҳллари билан бири, машҳур одам, деб таърифларди. «Биз казо-казомиз», «биз биринчи даражали оқсуяқлармиз», «биз муҳтарам зотлармиз», деган сўзлар сира оғзидан тушмасди. У хасислик, ҳасад ва ичиқораликда отасининг

¹ Зар — узунлик ўлчови, 107 см.

дан қолишмасди. Ҳатто Шоҳи шаҳид замонида қарзга берган қора чақаларини ҳам сира эсидан чиқармасди ва арзимаган бир неча шоҳий учун ҳам «Мени талаб кетдилар! Э худо, қандай кунларга қолдик ўзи, ўша замонларда яхши яшардик!» деб жанжал кўтарарди. У бутун ер-сувлардан, дўконларидан, ҳаммомдан, уй ижараларидан ва савдо-сотиқдан, Исфаҳондаги шоҳи тўқиш ва ип газлама фабрикасидан ва ҳатто Эроннинг чет эллардаги элчилари билан алоқа боғлаб, ўғринча савдо йўли билан олинадиган жуда катта фойдаларига қарамай, ҳар кун ийда қандни ўлчаб, ўтинни тортиб берарди, хотинлари ва чўриларининг латта-пугтарини ҳам титиб-текшириб кўрарди. Илгарилари, ҳали «конституция» сўзи расм бўлмаган вақтда, деҳқонлар ва хизматкорларини айвон устунига боғлаб калтакларди. Унинг ташқи кўриниши одамни алдарди. Чунки доим ўзини инсофли одамларга ўхшатиб кўрсатишга ҳаракат қиларди-да. Шунинг учун одамлар унинг орқасидан «қандай олийжаноб, одобли ва мулойим одам!» деб мақташарди. Унинг худди ана шу сохта ҳаракатлари эл ўртасида танилиб, машҳур бўлиб кетишга сабаб бўлган эди. Уни ҳамма нарса қўлидан келадиган, ҳаммага хайрихоҳ, инсофли ва ҳар ким билан чиқиша оладиган одам, деб билишарди.

Ҳожи «дўст юзта бўлса ҳам оз, душман битта бўлса ҳам кўп» деган қоидага амал қиларди. Шунинг учун у ҳамма билан хушмуомала бўлиб, уларни ўзига оғдириб оларди. Ҳожи шароитга жуда тез мослашар, шу сабабдан унинг ихлосмандлари кўп эди. У сиёсатга ҳам аралашиб турар, ўзига тегишли кишиларни депутатлик ва министрлик лавозимларига жойлаштирар, ўзи эса бир кун эмас-бир кун бош министр бўлиб олишни орзу қиларди. У кўпинча «халис хизмат қилиб», бировларнинг хожатини чиқариб юрарди. Лекин: «Биз бу дунёда беш кунлик меҳмонмиз, бинобарин бир тишлам нон билан бир қултум сувни бемалол тамаддиқ қилишни хоҳлаймиз», дер эди.

Гарчанд Ҳожи Носриддин шоҳ даврида уй муаллимнинг ёрдами билан «Гулистон» ва «Бўстон»ни ўқиб туширган, хуснихат ва сиёқ¹ни ўрганиб олган бўлса ҳам, аслида чаласавод эди. Аммо ҳофизаси ўткир бўлганидан ўзгаларнинг сўзларини ёдлаб олиб, ўрни келса келмаса такрорлаб юрарди. Агар шунда янглишиб кетса

¹ Сиёқ — бухгалтерия илми.

ёки эсидан чиқариб қўйса, «тегса тегар, тегмаса ёнидан ўтиб кетар» тарзида, ҳеч тап тортмай гашираверарди. Масалан, у марҳум отасини Шоҳи шаҳид саройида шоҳнинг чап ёнида Ҳожи Мирза Оғосидан юқори ўтиргани ёки у Қаримхон Занд¹ даврида уч ману бир чорак кўз ўйиб олгани ёки бўлмаса, Декан маҳорожаси унга ташқи ишлар министрлиги лавозимини тавсия қилгани ва шунга ўхшаш гапларни такрор қилиб юрарди. Қўпинча у давлат арбоблари ва ҳукумат бошлиқлари билан суҳбатда бўларди, уларнинг савиялари Ҳожиникидан ҳам пастроқ бўлгани учун унинг фикрларига катта баҳо беришарди. Баъзан эса «эшагига яраша тушови» дегапларидек, «шу кишилар ўртасида ва шу мамлакатда биз ҳам бир сиёсий арбобмиз-да» деб оғзидан гуллаб ҳам қўярди.

Ҳожи ахлоқ тўғрисида катта бир китоб ёзиб қўйибман деб овоза тарқатди-ю, лекин текинга бундай китобни ёзиб берадиган кишини тополмади. Бундан ташқари, у адабиётга ҳам алоқам бор, деб даъво қиларди, унинг назариди, жаҳонда энг йирик файласуф Ҳюстав Лёбон эди. Чунки унинг исмини кўпроқ эшитган ҳамда унинг бузиб таржима қилинган бир китобини Ҳожига ҳадя қилишган эди. Адабий жамиятларнинг мажлисларида доим иштирок этар ва ҳамиша мажлис президумига чиқиб ўтирарди. У ердан туриб, ҳамма қуюқ сўрашар, хўриллатиб чилим чекар ва ширин чой ичарди. Ҳар бир шеър ўқилгандан сўнг шу қадар қаттиқ қарсак чалардики, икки кунгача қўли оғриб юрарди. У маънилик ва атторнинг қутисиди йўқ бир фикр нэҳор қилмоқчи бўлса, ҳамиша шоир Қоонийнинг шеърларини кўкларга кўтариб мақтарди. Унинг шеърлар тўпламини кўрмаган бўлса ҳам ёшлигида бир иккита ахлоқсиз шеърларини эшитган эди. Бундан ташқари, кўплар унинг шеърлари вазнини мақтарди. Шунингдек, Ҳожи «Жамият фикрини тарбиялаш» ва «Фарҳангистон» жамиятларининг ҳам аъзоси бўлиб, уларнинг йиғилишларининг бирортасини ҳам қолдирмай қатнашарди ва ҳамма мажлисларда кулгилик хатолар қиларди. Фақат пул ҳисоблашдагина ҳаммадан кўра устароқ эди.

Ҳожи доим ҳаётнинг оғирлигидан нолир, ўзини қашшоқ қилиб кўрсатишга уринар ва ҳамиша «замон ўзгариб кетди, қиёмат қойим яқинлашиб қолди» деб такрорлай берарди. Албатта, бу гаплар сабабсиз эмасди.

¹ Қаримхон Занд — (1779 йилда ўлган) — Эрон ҳукмдорларидан бири.

Ё кўшниси Ҳожи мўлжаллаган нархга ҳовлисини бермаган, ё кўчаси автомобилга торлик қилган, ё автомобил келаси йилги моделга тўғри келмаган ёки пўртаҳоллари мева қилмаган бўлади. Шайх Абдул Ғафурнинг жанозаси ўқилаётган вақтда бир йигит тикилиб турган-у, лекин таъзим бажо келтирмагани учун Ҳожи «одамлар тарбиясиз бўлиб кетган», деб роса вайсади. У менинг бошимга тушган фалокатларни кўриб, ҳамма менга ҳамдардлик билдириши керак, деб ҳисобларди. Лекин кейинги кунларда унинг фикрини бир неча масала банд қилиб қўйди: биринчиси—Қанотободдаги ерларини арзонгаров олган генерал Оллоҳвердидан хафалиги бўлса, иккинчиси қарилик ва чурраси тушганлиги эди. Лекин Ҳожини ҳаммадан кўра кўпроқ хотинлари ташвишлантирарди. У кексайиб, жуда занфланиб қолган эди. Лекин Ҳожи, «ётиб қолгунча, отиб қол» дегандек, Хужжат-уш-Шариянинг ёрдами билан «Алфия-Шалфия», «Оби ҳаёт» ва «Ишрат йўллари» деган китоблардан фойдаланиб тайёрланган маъжунларни топдириб келиб, истеъмол қиларди. Аммо бу дорилар кўпинча фойда келтириш ўрнига зарар келтириб, Ҳожи кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб оларди. Гарчанд касали уни йиқитиб қўймаган бўлса ҳам қаттиқ азобларди. Бунинг устига кексайганда операция қилдириш хавфли эканини эшитиб, юраги орқасига тортиб кетарди. Ўзи илгаридан европалик ва европачасига даволайдиган врачларга ва уларнинг тайёрлайдиган дориларига ишонмасди. Ахир, унинг отаси мана шу Европа дорисидан ўлган-да! Нима учун энди у кўра-била туриб врачлар пичоғи тагига ётиб берсин? Ҳар кимнинг тақдири олдиндан белгиланиб, пешонасига ёзиб қўйилган, ажалнинг яқинлашишига ёрдам беришнинг нима кераги бор? Бундан ташқари, даббалиги сабабли оёқларини кериб, салмоқли қадам ташлаб юрадиган бўлганидан бери жамият ўртасида эътибори кучайиб, обрўсига обрў қўшилди.

Аммо хотинлари масаласи анчагина жиддий масала эди. Ҳожининг хотин олиб, хотин қўйиш баланси: олти талоқ хатини олган, тўртта ўз ажали билан ўлган ва ҳозир уйда бирга яшаётганлардан иборат эди. Кўз очиб кўрган хотини Иқлима қорадори еб, ўзини ўзи ўлдирди. Ҳожи унга нисбатан «номардлик» қилмай, ҳамма мол-дунёсини олиб қолди. Яна бир хотини туғолмай ўлди, учинчи хотини томдан йиқилиб ўлди. Охири хотини Ҳалима эса эски юрак ўйноғи касалидан вафот этди. Талоқ хатини олган хотинлар эса маҳ-

рини ҳалол, жонини озод қилиб кетдилар. Тирикларидан иккита ёш хотин сийғаси¹ Мунир билан Муҳтарам Ҳожини жуда ташвишга солиб қўйганди. Мунир пардоз-андозни яхши кўрадиган, шаллақи, тили заҳар ва ёлғончи жувон эди. Ҳаёсизликни шу даражага еткизган эдики, ҳатто хотин-бола-чақалари олдида ҳам Ҳожининг гашига тегаверар ва бемаза шеърлар ўқиб, уни насхара қиларди. Муҳтарамнинг икки яшар боласи бор эди, Каюмарс туғилгандан кейин ўтган ўн олти йил мобайнида Ҳожининг оиласида бола туғилмаганлигига қарамай, у яна ҳомиладор эди. Бунинг устига бир таги паст, амакисининг ўғлиман деб Муҳтарамнинг олдига кириб-чиқиб юрадиган Гулу Булбул исмли соч қўйган йигит пайдо бўлиб, ичкари ҳовлига ҳам айланишиб қолди. Бу хотини ўзи илгари қанақа хотин бўлган экан? Нимага Сакинининг қош-кўзи анови Гулу Булбулга ўхшайди? Супрақоқти ва дадасининг севимли қизи бўлган Сакина шундан кейин Ҳожининг назаридан қолди. Бундан ташқари сийғаларининг юриштуриши, улар тўғрисида эшитган гапларига қарамай, Ҳожи уларга шубҳа билан қарай бошлади. Масалан, тунов кунни ёлғондан телефон қилиб, уни ўн иккинчи нотарнусга чиқаришганда, у ерга бориб, қайтиб келиб қараса, Мунир ундан сўроқсиз ҳаммомга кетиб, қайтиб келмаган экан. Тўғри, аслида Мунир унинг оқсочи ҳисобланади, лекин қўлига қуяётган сувлари ҳалол бўлсин учун уни сийға қилиб олган. Ҳар-қалай, нима бўлса ҳам ўзининг шаръий хотинидай бўлиб қолган. Шундай бўлса ҳам уни кутмасинми? Энди шунча ёшга кирганда унинг тўғрисида майда-чуйда гаплар тарқаб юрса яхшими?..

Хўш, нима учун хотинлари ҳаммомга ёки ота-оналариникига боришса, шунча узоқ йўқ бўлиб кетишади? Бир-икки текшириб кўрган эди, шубҳадан бошқа нарсага эришолмади. У хотинларини ҳеч кимга, ҳатто Муродга ҳам ишонмасди. Назаридан, ҳамма тил бириктириб, уни алдаб кетаётгандай. Ҳожи хотинларининг сирларидан воқиф бўла олмади, чунки ҳеч кимга чойчақа бермайди-да. Балки хотинларининг ўзи бошқаларга чой пули бериб юришар. Ким билади? Ундай бўлса, пулни қаердан олишади?

¹ Сийға — шна мазҳабидаги мусулмонларда, хусусан, Эронда шарият қонунига биноан вақтинча никоҳлаб олинадиган хотин, (Ред)

Ҳожи хотинларини назорат қилиб туриш мақсадида айвонда ўтиради. Қирган-чиққанларни шу айвонда бемалол кузатиб ўтириш мумкин. Кейин, баъзан кўчани айланиб келиш учун ҳам қулай. Бундан ташқари, қиш кунлари ўзи учун қўйиладиган бир сандал тежаб қолинади. Негаки, айвонда бир манқалга олов солиб қўйса бўлгани, қўл-оёғини бемалол иситиб ўтираверади, шу билан анча-мунча чиқимдан қутилади.

Саккиз қиздан кейин кўрган Оғо Кучек деган ўғли ароқхўр, сўзак ва қиморбоз бўлиб кетди. Ҳожи ҳазрати Алининг: «фарзандларингизни замонга мослаб тарбияланг» деган сўзига амал қилиб, Оғо Кучекни Европага юборди. Лекин Оғо Кучек ўқишга унча қизиқмай, ўйинқароқликка берилиб кетди. У Эронга қайтиб келгач, олифтагарчиликка зўр бериб, сочига сочмой суриб ялтиратиб, қиммагбаҳо костюмлар кийиб, отасининг энг янги модели «Люк» машинасини ҳайдаб юрадиган бўлди. Оғо Кучек пекин жинсли кучукболани кўлтиқлаб, биринчи даражали кафе ва ресторанларда ўтирар, қарзларини эса отасига ҳавола қиларди. Кунлардан бир кун кечаси Оғо Кучек маст ҳолда автомобилни дарахтга уриб, пачоқ-пачоқ қилиб юборди. Шундан кейин отаси унга яхшилаб танбеҳ бериб, уйдан ҳайдаб чиқарди, меросдан маҳрум қилди. Лекин Оғо Кучекнинг ҳам худди отасига ўхшаш мияси бутун эди. Ўзи кўркамгина ва яхши кийинган бўлгани учун тезда сарой шофёри бўлиб олди. Бора-бора олий мақом кишиларни ва ҳарам аҳлларининг диққатини ўзига жалб қилиб, ҳаш-паш дегунча ҳамма унинг фикри билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Натижада катта лавозимларга эга бўлиш учун келажак эшиклари очилди. Аммо ўғлининг бу мутахассисликни танлаб олгани Ҳожининг ориятига тегди. Бунинг устига Оғо Кучек ҳақида бўлмағур гаплар тарқалди.

Ўғлининг қарзини сўраб келганларга Ҳожи оғо шундай жавоб қиларди: «Ҳаммани гувоҳликка чақириб, газеталарда ўғлимни оқ қилганимни эълон этганман. Европа унинг ахлоқини бузди. Худо, ўзинг ёмон ошналардан сақлагин! Мана, Нуҳ пайғамбарнинг ўғиллари ҳам ёмонлар билан юриб, пайғамбар хонадонини вайрон қилган. Ўзи маъқулгина, ишчан, қобил бола эди. Уртоқлари уни йўлдан уриб, ёмон йўлга бошлади. У энди менинг эшигимни очиб кира олмайди». Шунинг учун Ҳожи бутун умидини иккинчи ўғли Каюмарс-

га боғлаган эди. Унга алоҳида эътибор бериб тарбияларди.

Бироқ Ҳожи ого фикрларини жуда тез ўзгартириб турарди. У ўзининг энг севимли, ҳамма вақт айвонда ўзи билан олиб ўтирадиган қизи Сакинага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолганидан кейин, умуман, болаларига бўлган муносабати сусайиб кетди. «Энди, худога шукур, катта бўлиб қолишди. Биринчи ўғлимни ёмон тарбиялаб, мана, мевасини кўряпман. Менинг олдимга эътиборли кишилар келиб-кетиб туради, ёш боланинг менинг олдимда, айвонда ўтириши яхши эмас»,— дерди у. Ҳожи бир печа нарсани жону дилидан яхши кўрарди: буларнинг энг биринчиси овқат эди. Мабодо овқат тўғрисида гап очилса, оғзининг таноби қочади, сўлаklarини қулт-қулт этиб ютиб, кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлади. Айниқса, у хурмо, ҳолва ва боқлаво каби ширинликларни, сергўшт ёғлиқ паловни яхши кўради. Овқат олдидан доимо «бисмилло» дейди-да, енглариини шимариб, хина қўйилган ўсиқ тирноқли, семиз ва калта бармоқлари билан сиқиб-сиқиб ошашга киришиб кетади. Бундай вақтда шубҳаланган овқатини «Ва он зараре тани лаҳасмак Али бинни Абутолиб»¹ деб, кейин ейишга киришади. Овқат еяётган вақтда кўзлари чақнаб, икки жағи ҳаракатга келиб, «чалпчулп» қилиб кавшайди. Қорни тўйгач, бир кекириб олади-да, сўнг «алҳамдулиллоҳи раббил оламин! деб фўнғиллаб қўяди. Кейин тирноқлари билан тиш кавлашга тутинади ва анча вақтгача қимирламай ўтиради. Шунингдек, Ҳожи ҳаммомни ва ходими қилдиришни ҳам яхши кўради. Лекин ҳаммомнинг нархи қимматлашиб кетгандан кейин аҳён-аҳёнда борадиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ёз кунлари айвондан Ҳожининг кир баданидан кўнгилини беҳузур қиладиган қўланса тер ҳиди келиб туради. Ҳожи ҳаммомда оғзига бир озгина сув олиб, тишини мисвок билан ювади, сўнгра узала тушиб ётиб, ходимигарнинг уқалашидан ҳузур қилар, худога шукур айтарди.

Ҳожи уйқуни ҳам жуда яхши кўради ва осонгина ухлай қоларди. Бу ёқдан кўзини юмиши билан хуррак ота бошлар, хурраги икки юз тимсоҳ сувда томоқ чайқагандай бутун уйни ларзага келтирар эди.

Айниқса у хотин-қизларни кўрса ўлиб бўлади. Ич-

¹ Э, Али бинни Абутолиб, агар менга зарар қилса, мен учун ўч ол!

қари ҳовлиси сийга ва хотинлар билан тўла бўлишига қарамай, бирор болдири йўғонроқ, қалин қошли, бошига жойномоз ташлаб олган исқирт хотинни кўрса ҳам, кўзлари ола-кула бўлиб, оғзининг суви келиб кетар, энтикиб, миясига қон уриларди. Утган йили оз бўлмаса Чорсудаги юзбоши Ҳусайин боққолнинг хотини Хонум Болога ошиқ бўлиб қолаёзганди. Бундан бир неча йил илгари, яъни Ҳожи дабба бўлмасидан бурун, тенгқурлари билан Янги шаҳарга бориб, фоҳишахоналарда ишрат қилиб келарди.

Ҳожи, ҳар аҳтимомлга қарши, динга ҳам ишонади. Лекин баъзида «ҳақиқатан у дунёнинг борлигини тасдиқлаш учун биров у ердан қайтиб келиптими?» деб қўяди. У худди ўзининг снёсий фикрларига ўхшаш, у дунёга ҳам қаттиқ ишонмайди. Ахир, пул билан ҳаж қилиш, номозу рўзани сотиб олиш мумкин-ку! Шундай экан, кимнинг пули бўлса, у ҳар иккала дунёга ҳам эга бўлаверади. Ҳожи динни фақат бошқалар учунгина керак деб биларди. Лекин динга нисбатан шубҳа билан қарагини ҳаммадан яширарди. Шунинг учун ҳам масжидларда ва рўзадорларнинг мажлисларида энг тўрда ўтирарди. Қаюмарс учун бериладиган назр-ниёз чиқимларидан қутулиш мақсадида уни сув ташувчи қилиб қўяр эди. Ошуро¹ Ҳожи Қаюмарсга ўзининг калта келиб қолган қора тўнани кийгизиб, лунги тутқазиб, қўлига кўза бериб жамоат ичига юборар эди. У ерда Қаюмарс чанқаганларга сув бериб назр қилишдан озод бўларди. Ҳожи масжид олдидан ўтиб қоладиган бўлса, фақат худонни рози қилиш учунгина таҳорат олиб намоз ўқирди. Бир йилда бир марта хумс² ва закот пулини диққат билан ҳисоблаб чиқиб бир неча юз туманлик чек ёзиб, жанубий ерларидан юборилган бир сават хурмони ичига соларди, сўнгра Ҳужжат-уш Шарияни чақириб келиб, хумс ва закотни, яъни бир сават хурмони ичидаги чеки билан ё сотиб юбор, ёки камбағалларга бер, деб унинг қўлига топширар эди. Лекин Ҳожи шу ондаёқ баҳона топиб, мен бола-чақалик одамман, уларнинг хурмога ҳаваслари келиб қолди, деб умуман ўн тумандан ошмайдиган нарх билан баҳолаб, пулини Ҳужжат-уш-Шарияга берарди. У кетгандан сўнг Ҳожи чекни саватдан олиб, йиртиб ташларди.

¹ Ошуро — муҳаррам ойининг учинчиси. Ошурога имом Ҳусайннинг ўлган куни нишонланади.

² Хумс — ҳар нарсанинг бешдан бири. (Ред.)

Ҳожининг мансабпарастлиги уни сиёсатга аралаш-
нишга мажбур қиларди. У жосуслик билан ҳам шуғул-
ланар, шунинг учун жуда кўп сирларни биларди ва ҳам-
ма ерда ўз таъсирини қолдириш ва ўз манфаатларини
сақлаб қолиш мақсадида бу сирлардан жуда усталлик
билан фойдаланарди. Натижада унча-мунчалик ҳам
бўлиб оларди. Ҳожи сиёсатни пул топиш воситаси деб
биларди ва шу асосда ўзини ҳозирги замоннинг энг йи-
рик сиёсат арбоби деб ҳисобларди. Ҳожини ҳамма ер-
да таниб, ҳурмат қилганларидан ўзини жуда катта
олиб юрар, бошқаларнинг сўзларини бўлар ва бундай
ишларда ўзида бир туғма жасорат пайдо қилган эди.
У ўз сўзини тамом қилгандан сўнг эшитувчиларга
унинг сўзлари қанчалик таъсир қилганини билиш учун
уларнинг кўзига қарарди. Бу ишда Ҳожидан зўр истеъ-
дод бор эди. Чунки у нотик, гапга чечан, юзсиз, ҳамма
ишга аралашадиган ва ҳар қандай одам билан муомала
қилишга моҳир эди. Ким билан суҳбатлашса, унинг
сўзларига диққат билан қулоқ солар ва ўзининг ундан
устулигини таъкидлаб туришни яхши кўрарди. Кўпин-
ча у кишиларга ҳамдардлик изҳор этар ва қуюқ ваъда-
лар берарди. Лекин амалда ҳеч нарса қилмасди. Фақат
ундан фойда чиқадиган бўлса ёки келажакда ўзининг
бирор корига яратиб қолишига имони комил бўлсагина
ваъдаларини бажарарди. Қаерга бормасин—хоҳ док-
тор кабинетини министр ҳузурига, хоҳ ҳаммом ё фоҳи-
шахонага, албатта, салом бериб, салавот ўқиб кирар-
ди. Одам тўпланган жойларда эса тиржайиб салом бе-
рар, навбат кутиб ўлтирмай, тўғри кириб, ишларини
битказиб кетаверарди. Катта амалдор билан суҳбат-
лашганда жуда кўпириб гапирар ва ҳатто давлат ар-
боблари шаънига тегадиган сўзлар ҳам оғзидан чиқиб
кетарди. Лекин улар Ҳожини ҳурмат қилишгани ва унга
ишонганликларини учун бу гапларини эшитганда ўзла-
рининг эшитмаганга солардилар. Қисқаси, ҳамма унинг
фикри билан ҳисоблашарди. Ҳожи астойдил, қаттиқ ку-
лар эди. Лекин кейинги вақтларда қаттиқ кулса, қо-
вуғига зўр келиб, оғриғидан юзлари тиршиб кетадиган
бўлиб қолганди.

Ҳожи доим «бировга ёмонлик қилган эмасман», деб
таъкидласа ҳам, бироқ полиция жосуси бўлиб, бир неча
беғуноҳ кишиларни ёлғон маълумотлар тарқатишда
айблаб, қаматдириб юборгани тўғрисида овозалар
юрарди. Ҳатто полиция бошлиғи ҳам уни жуда ҳурмат
қиларди. Чунки Ҳожининг чет эллик ҳукумат арбобла-

ри билан алоқаси маҳкамлигини биларди. Қизиги шундаки, янги кабинет аъзолари ҳаммадан илгари Ҳожига маълум бўларди. Шунинг учун у бозорда кабинетга кимлар сайланиши ва оқибатда нима бўлишини олдиндан айтиб берарди, ҳатто бу тўғрида бас бойлашиб, ютиб чиқарди.

Ҳожи ого фашизм тўғрисида ҳам, большевизм тўғрисида ҳам жуда кам тасаввурга эга эди, лекин нима учундир агар руслар Техронга кирсалар, албатта, менинг ҳамма мол-мулким, ер-сувимни тортиб оладилар, бола-чақаларимнинг оёғига исканжа солиб, мени ва менга ўхшаш савдогарларни дорга осадилар, деб ўйларди. Баъзан эса, иккинчи жаҳон уруши руслар менинг мол-дунёимга кўз олайтирганлари учун бошланган, немислар мени ҳимоя қилиб, менинг фикр ва мақсадларимни амалга ошириш учун урушяптилар деган хаёлга борарди. У ҳар куни мунтазам равишда Берлин радиосининг Эрон учун берадиган ахборотларини диққат билан тинглар ва немисларнинг муваффақиятларини эшитганида терисига сиғмай кетарди. Дикторнинг сўзларини эса осмондан тушган худонинг сўзлари деб биларди. Ҳарбий ахборотлардан кейин туя овозини эслатадиган музыка эшитар пул топиш ва савдо-сотиқ ишлари ҳақида хаёл дарёсига чўмиб кетарди.

Ҳожи, худди буқаламунга ўхшаб, тезда шароитга мослашиб олар ва бир-бирига зид фикрларни изҳор қилар эди. Лекин буни у, ўзининг тили билан айтганда, «бир бурда нондан маҳрум бўлиб қолмаслик» учун қиларди.

Ҳожининг фикрича, ҳаёт — алдамчилик, қаллоблик, ҳийлагарлик ва муттаҳамликдан иборат эди. Башариёт худди шу усуллар устига қурилган бўлиб, кимдаким муттаҳамлик ва уддабуронликни қойил қилса, ўша киши ютиб кетади. Бошқа кишиларга ўхшаш Ҳожи ҳам ўзини гуноҳкор ҳисобларди. Лекин ўзини оқлаш учун ҳеч қандай фиқу фасод, муттаҳамлик ва ҳийланайрангдан қайтмасди. У тилни суяксиз бир парча гўшт, қаёққа бурсанг айланаверади, деб ўйларди, шунинг учун савдогарлик, фитна, жосуслик, лаганбардорлик, фирибгарлик унинг қон-қонига сингиб кетган эди. Замона худди шундай хусусиятларни талаб қиларди, Ҳожи эса ўз даврининг энг кўзга кўринган намоёндаларидан ҳисоблангани туфайли фирибгарликдан иборат бўлган дунё бозорида алданиб, аҳмоқ бўлиб қолишни истамасди.

Ҳожи биринчи ўғлидан қилган умидлари барбод бўлиб, ундан қўлини ювиб, қўлтиғига уриб қўйган вақтдан бошлаб, ўз тажрибасида синовдан ўтказган нарсаларга асосланиб, Каюмарсга панд-насиҳатлар қила бошлади. Ҳожининг бу панд-насиҳатлари нашр қилишга тайёр бўлган ва унинг бутун фалсафасининг хулосаси бўлган «Ахлоқ китоби»нинг шираси бўлса керак. У Каюмарсга шундай насиҳатлар қиларди: «Дунёда яқинки тоифа одам бор: бири таловчи, иккинчиси таланувчи. Агар таланмай десанг, бошқаларни талашга ҳаракат қил. Илминг жуда ошиб кетса ҳам бўлмайди: одамни жинни қилиб қўйиб, ҳаётдан орқада қолдиради. Дарсда фақат ҳисоб ва сиёққа аҳамият бер. Пулинг ҳисобида сенга фириб бериб кетмасликлари учун тўрт амални билиб олсанг бўлгани, тушундингми? Энг кераклиги—сиёқ. Иложи борича тезроқ ҳаётга киришинг керак. Газета ўқишга тишинг ўтадиган бўлдими, бас. Энг зарури — ҳунар ўрган, одамлар билан муоамала қилишни билиб ол. Агар менинг гапларимга қулоқ солсанг, ҳозирданоқ бориб ботинка ипи олиб сот! Бу ишинг «Жоме Аббосий» китобини ўқишдан минг марта афзалроқдир. Сурбет бўлишга ҳаракат қил, бошқалар сени ёдларидан чиқариб юборишларига йўл қўйма, қўлингдан келганича ўзингни кўрсатишга ҳаракат қил, ўз ҳаққингни олишни ўрган. Ҳақоратдан, таҳқир қилинишдан ва диндан қайтишдан кўрқма. Сўз деган нарсга оғиздан чиқиб ҳавода тарқалиб кетаверади. Агар бу эшикдан ҳайдаб чиқаришса, нариги эшикдан тиржайиб кириб келавер, тушундингми? Сурбет, беҳаё ва ҳатто саводсиз ҳам бўли Ишингни тўғрилаб кетай десанг баъзида ўзингни аҳмоқликка ҳам сол. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз худди ана шундай одамларга муҳтож. Ҳозирги замон одами бўлиш керак. Имон, дин, ахлоқ — буларнинг ҳаммаси савдогарлар томонидан содда одамларни алдаб, пулини олиш учун ўйлаб чиқарилган найранглардир. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, одамлар олдида тақводор бўлиб юр, бу жуда муҳим нарсга. Содда одамларга ишонч керак, уларнинг оғзига қулф солиб қўйиш керак, бўлмаса жамият бир илонхонага айланади-да, қўлингни қаёққа узатсанг, чақиб олаверади. Одамларни эшакдай ишлата олай десанг, уларни итоатли ва тақдирга тан берадиган қил. Ҳаммадан зарури, дастурхон тепасида ўтиришни, ҳол-аҳвол сўрашни, салом беришни, кишиларнинг хотинларига ширин-ширин гаплар гапириб, уларни мақташни, ўрта-

га тушиб ўйнашни, бошқаларни ҳам кулдириб юборадиган кулгини ва энг кераклиги сурбетликни билиш керак.

Бизнинг замонда бундай нарсалар одат эмасди. Лекин, начора, шароитга муҳитга мослашиш керак. Агар одамларнинг ишончини қозонай десанг, катта амалдорлар билан алоқани маҳкамла, ким билан суҳбатлашсанг, унинг фикрига қўшил. Мен сени одам бўлгин дейман, бировларга муҳтож бўлмагин дейман. Қитоб, дарс — булар бир пулга қиммат нарсалар. Сен ўзингни тоғнинг доvonида яшайпман деб ҳис қил. Фафлатда қолсанг, уриб кетадилар. Сен бир неча чет эл сўзларини ва бир неча дабдабали ва чиройли ибораларни билиб олсанг, кифоя.

Лекин шунн эсдан чиқармаки, энг кераклиги пулдир. Агар пулнинг бўлса, ифтихорли, эътиборли, шарафли, ор-номусли бўласан: ҳамма ерда азизу муҳтарам ватанпарвар ва оқил одам бўласан, сенинг олдингда лаганбардорлик қиладилар, буюрган ишингни бажарадилар. «Пул саттор—ул—айюб»дир.¹ Пулни ўғирлаб топган бўлсанг, уни ҳалоллаб олиш қийин эмас, она сутидан ҳам ҳалолроқ қилиб олиш мумкин. Пулнинг бўлса, у дунё учун намоз, рўза ва ҳажни сотиб олиш мумкин. Пулнинг бўлса, у дунё ҳам, бу дунё ҳам сеники. Пулнинг кўпайиб кетадиган бўлса, худонинг уйини зиёрат қилиб келишга ҳам рухсат оласан, қаерга борсанг, ҳамма сени ҳурмат қилади, ҳаммадан юқорироқда ўтирасан, хоҳласанг шоҳнинг тумшуги тагида ногора ҳам чала оласан. Кимнинг пули бўлса, шу айтганларимнинг ҳаммасига эга бўлади, пули бўлмаса, биронтаси ҳам насиб қилмайди. Кулоқ сол, ўғлим, пул топиш осон эмас, лекин сақлаш ундан ҳам қийин. Сен пул жамғариш йўлларини ўрганиб олишинг керак. Менинг соқол-мўйловимни тегирмонда оқарган деб ўйлама. Ким қайси йўл билан пул топса, топаверсин. Пул топиш йўлини билган киши одамларнинг гули ҳисобланади. Буни у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол. Агар айтганларимни қилсанг, мутахассис инженерлар заводининг машиналарини юргизаётганларидан фахрлангдилар. Иморатларингни солиб бериш учун муҳандислар келиб, сенинг олдингда хушомадгўйлик қиладилар, шоирлар сени кўкларга кўтариб мадҳиялар ўқийдилар, умр бўйи оч, яланғоч юрган рассомлар сенинг суратингни чизадилар, мухбирлар, министрлар, депутатлар —

¹ Пул айбларни яширувчидир.

ҳамма сенинг хизматкоринг бўлади. Тарихчи сенинг таржимаи ҳолингни ёзади, файласуфлар сенинг ахлоқингдан мисол келтиради. Билиб қўй, буларнинг ҳаммаси пулнинг қулларидир. Илму фаннинг ҳаёт учун унчалик керак эмаслиги сабабини биласанми? Чунки илмни эгаллаб, олим бўлганингдан кейин, бориб пулдорлар эшигида хизматкор бўласан. Ана шунда турмушинг ит турмушига ўхшаб ўтаверади. Сен ҳали турмуш нималигини билмайсан. Сен, эртадан кечгача отам бе-корга жаврайди ва одамлар билан битимлар тузади деб ўйласанг керак. Бу ишларни мен пулларимни яхшироқ сақлаб қолиш учун қиламан. Пулни пул етаклаб келади. эшигу девордан ошиб келаверади. Масалан, эрталаб ўн той пахта сотиб оламан, унинг қаерда эканини кўрган ҳам эмасман, билмайман ҳам, лекин кечқурун сотсам, икки баробар фойда қилиб, пули қўлимга қуртдек келиб тушади!..»

Ҳожи бундай насиҳатларни ўғлига чин қалбдан қиларди. Аммо бошқа ёшлар билан учрашганда, бошқача гаплашарди: «Ўзим қариб қолган бўлсам ҳам, ақлим ёш. Болаларим, қўлларингиздан келганча ўйнаб-кулинг, хурсандчилик қилинг... Мана, мен ҳам ёш бўлганман, овга чиқардим, қимор ўйнардим, ичкилик ичардим. Лекин ҳозир энди бу нарсалардан кечиб, тавба-тазарру қиладиган бўлдим. Қарилик қурсин, куч-қувватдан қолар экансан. Одам ёшлигида бир бошқа-ю, ёши улғайиб қолгандан кейин бир бошқа бўларкан, ёшига қараб фикри ҳам, тутган иши ҳам турлича бўларкан. Лекин шундай бўлса ҳам мен ҳозирги маълумотли, тушунган кишиларга қараганда илгорроқ ва тараққийпарварроқман. Паҳлавий қалпоқни биринчи бўлиб кийган ким? Мен! Бунинг учун менга лаънатлар ўқишар эди. Ахир, шляпа кийиш одамнинг фикрини ўзгартирмайди-ку! Хўп, нима қиласан, киши, инсон ўйин-кулги учун яратилган. Ўйин-кулгисиз ҳаёт — ҳаёт эмас. Менинг сизларга насиҳатим шуки, қариганда пушаймон қилмайлик десапгиз, ёшликда ўйнаб-кулиб, айш-ишрат қилиб қолинглар...»

Агар Ҳожи боҳоний билан ўтириб қолса, бундай дерди: «Ўзим мусулмонман, лекин мутаассиб¹ эмасман. Ҳар бир даврнинг ўзига хос талаби бўлишини биламан. Ҳеч қандай дин зино қилинг, ўғрилиқ қилинг, одам ўлдиринг деган эмас. Бу эса бутун динларнинг асосидир. Фақат ҳар бир дин ўз замонига мувофиқлашиб, безаниб

¹ Мутаассиб — фанатик.

олади, шу билан динлар бир-бирларидан фарқ қилади-лар. Мен ҳамиша муллалар билан тортишганим-тортишган. «Агар мулланинг қўлига арра тушиб қолса, арра тишларини ҳалоллаб, ютиб юбора олади», деб бежиз айтмаганлар! Қанчадан-қанча жиноятлар, фоҳишабозликлар, одам ўлдиришлар, ўғирликлар дин номи билан қилинган. Шунга қарамай, ҳали ҳам сиёсатда таъсири бор... Мен бу одамларни биламан!.. Келинг, майли, мавзудан четга чиқиб кетмайлик. Масалан, ҳозир ўғриллик қилган кишининг қўлини кесишмайди, қул соғиш йўқотилган. Бу одатлар ўтган замонларга хос эди. Ҳозир эса замонга мослаб қонунлар чиқариш керак. Бир вақтлар янги туғилган қиз болани тириклайин кўмиб юборишарди. Ҳозир бундай ишлар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Бу кунги хотинлар ҳатто бошларига чодра ёпишни ҳам хоҳламайдилар. Лекин қариган чоғимда бундай ишларда пешқадам бўлишим яхши эмас. Мен хотинларни жуда яхши биламан. Худога минг қатла шукурки, ҳозир улар чодра ёпиниб юрадилар!..»

Конституция тарафдорлари билан суҳбатлашганда Ҳожи бундай дерди:

«Мен илгари озодлик курашчиси эдим. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Мажлисни тўпга тутишгани эсингиздами? Ушанда мен революция раҳбарларининг бири эдим. Уша кун кечқурун гўринг тўла нур бўл-гур Оғо Саид Жамол мени уйига яшириб қўйган эди. Қазаклар келиб уйини босганларидан сўнг, мен кечаси қора чодра ёпиниб, қўшни ҳовли орқали қочиб ўтиб, кўчада кетаётсам, бир ўткинчи эркак мени хотин киши деб ўйлаб, йўлимни тўсди. Билагимни жон-жаҳди билан чимчилади, агар додлаганимда қўлга тушардим, ҳозир етмиш кафаним чириб кетган бўларди.— Ҳожи қаҳ-қаҳ уриб кулади.— Сўнгра минг азоб билан чегарага етиб олиб, муҳожирларга қўшилиб кетдим. Газеталар чиқардим, хуллас жуда кўп ишлар қилдим. Бир иш қилишдан илгари одамда фидокорлик бўлиши керак. Биз энди қариб қолдик. Энди озодлик учун курашиш сизнинг навбатингиз».

Ҳожи сиёсий арбоблар билан гаплашганда кекирданини чўзиб, бемалол эзмаллик қилаверарди:

«Уша худо раҳмати Шоҳи шаҳид замони — замон эди! Конституция, конституция! Ҳе, ўша конституциянинг падарига лаънат! Конституция бўлган кундан бошлаб мана шу қора кунлар бошимизга туша бошлади... У вақтларда одамлар басалавот, тагли-тахтлиқ эдилар.

Энди эса ҳамма ўғриликлар, муттаҳамликлар ва разил ишлар конституция номи билан бажарилмоқда. Биз конституцияни ўз хошимиз билан қабул қилганимиз йўқ эди. Бу найрангбозликларни қабул қилишга бизни чет элликлар мажбур қилдилар. Уларнинг орзуси бизни дин ва имонимиздан маҳрум қилиш эди Ҳозир ҳамма нарсамизни бой бердик: энди бизда на дин, на урф-одат бор, на бир киши иккинчи кишини назарга илади ва на ёшлар кексаларни ҳурмат қилади. Шундай бўлгандан кейин бизга бир махфий полиция ҳам керак-да! Бўлмаса, одамлар бир-бировини еб қўяди. Биласизми, ҳар доим бир кучли темир мушт халқнинг бошига тушиб турмаса бўлмайди. Тўғри, мамлакат асосини дин ва мазҳаб ташкил этади. Лекин ҳамма ишларни дин бажариб уддалай олмайди-да! Агар ҳамма ишлар унинг қўлидан келадиган бўлса, полиция, жандармерия ва судларнинг нима кераги бор? Демак, халқ тепасида одамлар бир-бирларини еб қўймасликлари учун бир одам туриши керак. Озодлик бўлиб, ким нимани хоҳласа деяпти, билганини қияпти. Худо бекорга эшакни шохсиз қилиб яратмаган. Ҳар доим одамларни калтаклаб туриш керак. Бу озодлик-позодликлар билан мамлакатнинг иши юришмайди. Мен ўзим худди шу ҳовлида одамларни калтаклардим. Энди бўлса, бир иш бўлиб қолса, судга чоп, полицияга чоп, марка пули тўла. Бир неча йил итдай овора бўлиб қатнаганингдан кейин, барибир қорлар ёғиб, излар босилиб кетаверади...»

Археолог ўз осори атиқаларига қандай ҳурмат назари билан қараса, одамлар ҳам арзончилик ва дағаллик даврининг мужассами бўлган Ҳожининг жисмини ва унинг фикрларини шундай ҳурмат қилардилар. Ҳамма уни обрўли ва одамларга таъсири ўткир киши деб биледи ва уни ҳурматлаб, унинг жонига қасамёд этадилар. Кўпинча кишилар ўз васиятномаларини, сафарга кетаётган бўлсалар, ҳатто хотин, бола-чақаларини ҳам Ҳожининг қўлига топшириб кетардилар. Ҳожи, уларнинг назарида, софдил, инсофли, художўй, обрўли одам ҳисобланарди. Кўпинча Ҳожи оғо тўғрисида: «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Ҳожи оғо фариштанинг ўзгинаси», деган сўзлар эшитиларди. Фақат унинг оиласидагилар, айниқса хотинлари Ҳожи тўғрисида тамоман бошқача фикрда эдилар, чунки унинг берган азобларидан қон бўлиб кетардилар. Шунинг учун ҳам у йўғида: «Азроил тезроқ жонини ола қолса яхши бўларди!», «У сувнинг

ҳам ёғини олади», «Агар туплаган тупугига пашша қўнса, уни Петербурггача қувиб боради!» «Илоҳи тезроқ ўлигингни сартахтада кўрайлик-да!», «Шаҳватпараст ит!», «Умри калта бўлсин» деб пичирлаб қарғашарди. Ҳатто Мурод ҳам шундай сўкишларда қатнашарди. Ҳожини уй ичидагилар «кекса бўри» деб аташарди.

Шаҳривар ойининг учинчисида бўлиб ўтган воқиялар Ҳожига қаттиқ зарба берди. Уша куни кечаси ўта-каси ёрилиб, хотинлари ичида энг кўп шубҳаланадигани Мунира билан Исфаҳонга қочди. Чунки мени, албатта, отиб ташлашади, деб ишонган эди. Лекин ҳамма ёқ сув қуйгандек тинчигандан кейин, ҳамма ўғрилар, жосуслар, хоинлар, жинойтчилар ва Ҳожи билан қочиб қолган унинг ҳамкорлари ғолибона Техронга қайтиб келдилар.

Ҳожи ҳам у ернинг завод-фабрика хўжайинлари билан, ўз ибораси билан айтганда, «гапни бир жойга қўйиб», келишиб олганидан сўнг, куйиб кетган пуллари-ни текшириб чиққач, ўз сиёсатини ўзгартирди. Ҳожи «жуда катта зарар» кўрганига, яъни йўлда автомобилнинг ёнбошлари эзилганига ва қорнидаги ўн икки килограмм ёғ эриб кетганига қарамай, ўша ҳамкорлари танлаб олган йўлдан кетаверди.

Ҳожи Исфаҳондан қайтиб келгач, бир ойгача уйдан эшикка чиқмай ўтирди, ҳатто айвонда ҳам кам кўринадиган бўлиб қолди. Шу вақт ичида унинг уйида анча-мунча шубҳали учрашувлар бўлиб ўтди, яширин шартномалар тузилди. Шаҳривар воқеаларидан сўнг молниявий ҳийла-найранглар учун очилган йўллар Ҳожини жуда қувонтирган эди.

— Бизни демократия билан кўрқитганларнинг падарига лаънат. Агар демократия шунақа бўладиган бўлса, мен умр бўйи демократ эканман-да,—деб қўярди у. ўзига-ўзи. Лекин шунга қарамасдан, унинг юриш-туриши, кайфиятида баъзи бир ўзгаришлар рўй берди: юзи жиддийлашиб, кўзларида ишончсизлик, бетоқатлик аломатлари пайдо бўлади. Энди у ичаги узилиб кулмас, мушукни «пишт» деса ҳам унга тегиб кетарди. Айниқса, у ўз хотинларига илгаридан ҳам қўполроқ муомала қиладиган бўлиб қолди. Афтидан, сиёсий ҳаётда юз берган тасодифий ўзгаришлар, ҳамкасабаларининг чет элга қочиши, шунингдек, уруш ҳаракатларидаги рўй берган ўзгаришлар ва унинг оқибатини олдиндан кўра оямагани унга қаттиқ таъсир қилган бўлса керак. Балки, аҳволининг бунчалик паришон бўлишига,

унга қаттиқ азоб бераётган янги касали сабабчи бўлаётгандир. Мурод кўпинча келган кишиларга «хўжайини уйда йўқлар», деб юбораверарди, Фақат савдога ёки бирор муҳим воқеа юз берган тақдирдагина Ҳожи зўр-базўр, судралиб айвонга чиқиб, ҳар гал ўтирадиган жойига бориб ўтирарди-да, «ишларини тартибга солғай», яна ичкарига кириб кетарди. Энди Ҳожи муомалаларининг кўп қисмини телефон орқали ҳал қилар, фақат Ҳужжат-уш-Шарияга ўхшаш кишилар келгандагина уларни ичкари хоналарнинг бирига бошлаб кириб, анча вақтгача ғойиб бўлиб кетарди.

Ҳожи, хонаки даволар фойда бермагандан кейин, врачга қаратишга мажбур бўлди. Врач унинг касалини чурра тушиш деб аталишини ва бу бавосил ҳамда қорасон касалликларидан фарқ қилиб, уни даволаш жуда осон, фақат кичкинагина операция қилиш билангина тузалиб кетажagini айтди. Бу касал Ҳожининг мазасини қочириб қўйди. Оғриқнинг зўрлигидан ҳар бир жумладан кейин башараси буришиб, инграб қўярди. Лекин Ҳожи нимагадир операциядан — умуман чет эллик врач ва Европада ўқиб келган врачлардан қўрқар, шу сабабли врачнинг сўзларига қулоқ солмай, операция қилишга розилик бермади. Унинг касали шу даражага бориб етдики, оғриққа чидай олмай, додлаган овоз қўни-қўшниларига баралла эшитилиб турарди. У тирноқ орасидан кир-излаб, арзимаган нарсага хотинлари билан ади-бади айтишар ва уларга кун бермас эди. Ҳалима-хотун ўлгандан кейин қадри билиниб, икки гапнинг бирида, Ҳожи уни бошқа хотинларига ибрат қилиб кўрсатарди. Шаҳривар воқеаларидан сўнг Ҳожи ого ўзини демократия ва озодлик тарафдори, Ризо шоҳ диктатурасининг ашаддий душмани қилиб кўрсата бошлади. У иттифоқчиларнинг ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қўлга киритган ютуқларини ташвиқот қилувчи элчихона ва идораларга тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Қабул маросимлари ва кечаларга у кенг фрак кийиб бориб, иттифоқчиларнинг ғалабаси учун қадаҳ кўтарар, ўрни келмаса ҳам эски тартибларни жонининг борича лойга қориштирарди.

— Ўзингизга маълум, илгарни мамлакатимизда қанчалик тартибсизлик ва ўзбошимчаликлар ҳукм сурарди,— дерди Ҳожи ого.— Масалан, маориф министрлиги мендан ахлоқ ҳақида рисола ёзиб беришни илтимос қилди. Лекин, қани энди министрликдаги бирор киши кўнгил учун бўлса ҳам «китобинг нима бўлди?» деган

бўлса,—Ҳожи собиқ ҳукумат аъзоларини ёмонлаб, албатта, бундай тузум ҳалокатга маҳкум эди,— деб қўярди. У ҳеч нарсани билмаган ва ўзига ишонган кишилардек муғомбирона тиржайиб гапирарди.

— У вақтларда одамлар, ҳаётимиз тинч, молимиз омон, дея олмасдилар. Мана, мен ўзимдан қиёе қиламан. Кўзимни бақрайтириб туриб Мозандарондаги мулкларим учун бир тийинга қиммат васиқага қўл қўйишга мажбур қилишди. Васиқани кўтариб, Ризо шоҳ олдиғача борибман-а! У вақтда биров чурқ эта олармиди? Мен сиёсатга аралашиб юриб, кўпгина ифлос ишларнинг амалга оширилишига тиш-тирноғим билан тўсқинлик қилардим. Шунга имоним комилки, қачонлардир халқ менинг бу хизматларимни тақдирлаб, чорсуларда Ризохон ҳайкали ўрнига менинг ҳайкалимни ўрнатажак. Менинг айбим шуки, ҳамма вақт тўғри ва ҳалол одам бўлганман. Нима учун кўп вақт уйдан эшикка чиқмадим? Чунки ифлос ва ярамас фишқ-фасод ишлар билан шуғулланишни виждоним қабул қилмади. Сизлардан яширадиган гап йўқ. Менга министрликни ҳам, депутатликни ҳам тавсия қилишган. Лекин мен, ростини айтсам, қўғирчоқ бўлишни истамадим. Қарилгимни пеш қилдим, ёшим ўтиб қолди, сиёсат билан шуғуллана олмайман, деб баҳона қилдим. Мен буларнинг ҳаммасини бир бурда нондан маҳрум бўлиб қолмаслик учунгина қилдим. Бошқа иложим ҳам йўқ эди-да! Ахир, ўз эътиқодларингни яширишга шарият ҳам йўл беради-ку!

Ҳожи янги шароитда ўзининг савдо-сотиқ ишларини кучайтириб юборди. У ўлган одамларнинг паспортини сотиб олар, қалбаки қанд карточкалари ясар, ерларини юқори баҳо билан ижарага берар ва ғаллани юз баравар ортиқ баҳо билан пулларди. У полиция идораси билан ҳам ўз алоқасини сақлаб қолиб, ҳарбий ҳолат жорий қилинган пайтларда тунги пропусклар олиб-сотиб, катта фойда қилди. Бундан ташқари, у ҳар қачонгидек камбағалларга «ғамхўрлик» қилиш ёки ҳомиладор хотинлар учун садақа йиғиш ишлари билан шуғулланарди. Сиёсий тартибсизликлар кучайиб кетган вақтларда Америка Қўшма Штатларига қочиб кетиш хаёлига ҳам тушиб, ҳатто пулларининг бир қисмини Америка банкларига кўчириб юборди. Лекин, ўртоқларининг қочишдан воз кечиб, яна қайтадан ёғлиқ жойларни ўз қўлларига ола бошлаганларини кўриб, ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаганлигини, фақат «дик»

татура» сўзи ўрнига «демократия» сўзи ишлатилаётганини Ҳожи дарров пайқади. Шунинг учун у ўзининг илгариги режаларидан тезда воз кеча қолди. Ҳожининг ҳамкасабалари, олинган кўрсатмалар бўйича, руҳонийлар билан алоқани мустаҳкамладилар, ҳар хил миш-мишлар тарқатиб, қабилаларни қуроллантириб, улар ўртасида низо чиқара бошладилар. Парламентда кўпчилик овозга эга бўлиш, шу йўл билан ўз хўжайинларининг режаларини амалга оширишга бор куч-қувватларини сарфлай бошладилар.

Борди-ю, гап Совет Иттифоқи тўғрисида очилиб қолгудек бўлса, Ҳожининг тепа сочи тикка бўлиб, фиғони фалакка кўтарилиб кетар ва ўзининг эшакка хос ўжарлиги билан муҳитни заҳарлашга ҳаракат қиларди. «Буни мамлакатимизнинг олий манфаатлари талаб қиларди», дерди у. «Агар шаҳаншоҳ армияси Караж кўпригини бузиб ташлаганда, совет қўшинларини силжитмай қўйиши мумкин эди», деб қўшиб қўярди. Гарчанд Ҳожи ўзини кек сақламайдиган, ҳамма нарсани кечириб юборадиган киши қилиб кўрсатишга ҳаракат қилса ҳам, лекин енгилмас шаҳаншоҳ армиясининг бу қилган хатосини ҳеч ёддан чиқазолмасди.

Парламентнинг ўн тўртинчи чақирувига бўлган сайловлар олдида Ҳожининг сиёсий ва иқтисодий фаолияти қанот ёзиб кетди. Қизиғи шундаки, бош министр бўлиш орзусида юрган одам энди депутат мандатига эга бўлиш учун ҳам рози бўлиб қолди. У эртадан кечгача яширин музокаралар олиб борар, матбуот ходимлари билан учрашар, чайқовчилар билан муомалалар қилар, руҳонийлар билан маслаҳатлашар ва хилма-хил блоклар тузарди. Ҳатто, депутатликка сайланишга тўсқинлик қилмасин деб, ҳужжатларида ёшини кичрайтириб ҳам олди. «Нима ҳам қила оласан, мамлакатнинг ас манфаати хавф остида», деб такрорлаб қўярди у. Энди Ҳожи ўзининг заифлиги ва оғриқларига бардош бериб, унга кўникиб қолганди. У яҳудий руҳонийлари кийиб юрадиган қалпоқларга ўхшаш баланд чўққили қалпоғини кийиб, айвонда ўтирар ва «ўз ишларини тартибга соларди».

Ҳожининг касали кундан-кунга зўрая бошлади. У, Европа дориларидан чўчишига қарамай, оғриқни озгина бўлса ҳам камайтириш мақсадида анальгиндан укол олишга мажбур бўлди. Кейинчалик эса операцияга ҳам рози бўлиб, касалхонада ётишга жазм қилди. Ҳужжат-уш-Шария ёрдами билан васиятнома ёзиб, муҳри-

ни босди ва акция ҳамда бошқа қимматбаҳо қоғозлар турадиган пўлат сандиғига солиб қўйди. Лекин Ҳожи операциядан бир кун илгари эрталаб Муродга суюниб айвонга чиқди ва ўзининг одатдаги жойига келиб ўтирди. Унинг елкасида шимини кўтариб турадиган тасмаси осилиб ётарди. Керак бўлиб қолган вақтда тезликда кийиниш мақсадида у ҳамма вақт тасмаларини елкасига осиб, устидан жилетини кийиб оларди. Ҳожининг ранги ўчиб, кул ранг тусга кирган эди. У ҳассасига суюниб ўтирар ва вақти-вақти билан пешона терларини артиб қўярди. Баъзан тасбиҳ ўгиришга киришиб, калласини қимирлатиб: «вой-вой-вой, вой жонимей» деб инграрди. Мурод қўлларини кўксига қўйиб, унинг олдида тик турар ва:

— Қурбонингиз бўлай, ҳеч қиси йўқ, худо шифо берса, тузалиб кетиши ҳеч гап эмас,— деб юпатган бўларди.

— Бу падар лаънати касал тарашадай қотириб юборди-я. Бугун ойнага қарасам, ўзимни таний олмай қолибман.

— Ҳожи оғо, ғам еманг, бу касал фақат сизни эмас, ҳар қандай одамни ҳам жингиртоб қилиб ташлайди.

— Мурод, биласанми, бир неча кундан бери охира тўғрисида ўйлайдиган бўлиб қолдим... Қариб қоляпман, илгариги куч-қувватим йўқ, ким билади... Йўқ, йўқ, Мурод, сира ўлгим келмайди, Ахир, ўзинг ўйлаб кўр, болаларим егим ва қаровсиз қолади. Агар худо умр берса, ҳали мамлакатга керак бўлардим.

— Худога шукур, ҳали бақувватсиз.

Ҳожи башарасини буриштириб, сўзида давом этди:

— Жоним қанчалик қийналаётганини кўз олдинга келтиролмайсан!.. Агар қилган гуноҳларим дарахт баргидан кўп бўлганда ҳам худо кечирарди. Ахир, ароқхўр бўлмасам, қиморбоз бўлмасам. Қанча ўйласам ҳам умрида бирор одамга ёмонлик қилганимни эслай олмайман. Ўзингга маълум, пашшага ҳам озор бермаган одамман. Албатта, ёшлиқ қурсин, шайтоннинг сўзига кириб, баъзи бир номаъқул ишларни қилган бўлсам, қилгандирман. Лекин ўшанда ҳам ўртоқларим мени бадахлоқликда айбламасин деб қилганман. Худо раҳмон, у ҳамма нарсани кечиради, деб бекорга айтишмайди. Ахир, умр бўйи халққа хизмат қилибман-а, халққа! Қани, айт-чи, шу қилган хизматларим эвазига шунча азоб чекишим инсофданми? Вой... вой. Агар мен сени бекордан-бекорга хафа қилган бўлсам

ёки сенга ёмонлик қилган бўлсам, мени авф этгин...
Вой жоним, вой, вой-ей.

— Нималар деяпсиз, Ҳожи ого! Мен сизнинг қилган барча яхшиликларингиз учун фақат миннатдорчилик билдиришим керак.

— Эгнига оқ халат кийган ўша кофир докторлардан бири қўлига пичоқ олиб, мени жарроҳлик столига ётқи-заётганини кўз олдимга келтирсам, юрагим орқамга тортиб, тепа сочим тикка бўлиб кетади. Сен қаёқдан биласан, Мурод.. Раҳматлик отамни ҳам худди шу докторлар ўлдиришган. Оҳ, оҳ, вой...

— Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз...

— У ерда сен билан ади-бади айтишиб ўтиришмайди. Шартга ётқизиб, игна тиқиб, эсингни оғдириб қўйишадиди, кейин қўйдек сўя беришади... Вой, вой, ўшанда бир «оҳ» дейишга улгурасанми, йўқми... Ундан кейин нима бўлади? Мен ўз танам тўғрисида ҳеч ўйлаётганим йўқ. Танам-ку тўнкага ўхшаб думалаб ётаверар-а, лекин руҳим нима бўлади? У ҳамма нарсани кўриб, тушуниб туради-ку! Ахир, ўзинг ўйла, ҳамма хотиралар, бутун ҳаётим мана шу танамда-ку! Агар мен кесакка ўхшаб, ҳеч нарсани сезмай ётсам, унда мендан нима қолади? Менинг учун бирор нарсанинг қиммати қолармиди? Э, воҳ, бу қандай даҳшат, худоё худовандо, ўзинг юзини тескари қилгин! Йўқ, йўқ, ўлгандан кейин шунчалик гўзал хотинлар ва ноз-неъматлар билан тўла бу дунёга қандай қилиб томошабин бўлиб тура оламан. Умр бўйи эшакдек ишлаб, энди томошабин бўлиб қоламанми? Йўқ, йўқ, Мурод, сен тушуняпсанми, мен ўлишни истамайман...

— Ҳожи ого, сизга нима бўлди, худо сақласин. Нега бунақанги ваҳима гапларни гапирасиз?

Ҳожи катта дастрўмолига бурнини артиб олиб, сўз-да давом этди:

— Вой-вой бошим, кечаси билан ухлаганим йўқ. Баччагар доктор укол қилиб кетгандан кейин кечаси билан мижжа қоқмай чиқсам-а... Туш кўрибман дегин, тушимда, худо раҳмати Ҳалима-хотунни кўрдим. Бечора, уйимда жуда кўп азоб чеккан... Имомзода Довуд масжидига садақа атаган эдим, бориб шуни бериб келай деб уч марта рухсат сўраса, ҳар учаласида ҳам жавоб бермабман. Шўрликнинг масжидга борадиган батист кофтаси билан шол рўмолини йиртиб ташлаганим эсингда борми? Уҳ, қандай бебахтман-а! Э худо, гофил бандаларингнинг гуноҳини кечир!.. Шу билан учинчи марта тушимга кириши.

— Ҳожи оғо, худо хоҳласа, яхши туш кўргансиз.

— Лекин, бахтга қарши, кўп тушлар тўғри келади. Худо раҳматининг ўзи ҳам жуда ажойиб хотин эди-да! Устига қанча хотин ва чўрилар олдим. Ушанда ҳам қошини бир чимирмапти-я. Бутун умр бўйи бир оғиз терс гапириш у ёқда турсин, юзимга тик қарамапти. Қилдиқилди шу Ҳужжат-уш-Шария қилди. Ҳар доим ўша мени йўлдан уради. Одамнинг эсидан чиқиб кетар экан... Қани, энди сен уни бир кўрган бўлсанг. У катта гулзорда сайр қилиб юрган эмиш. Мисоли ўн тўрт кунлик ойдек гўзал бўлиб кетибди. Мени кўриши билан югуриб келдию, қўлимни ўпиб: «Қани, Ҳожа оғо, марҳамат; хуш келибсиз! Агар...»

Шу чоқ эшикдан шўх табассум билан кириб келган чиройли, олифта йигит унинг тушини айтиб тугаллашига халақит берди. Бўйни йўғон, чиройли кўзли, ялтироқ қора сочли бу йигит шляпасини қўлига олиб, айвонга чиқди-да, чолга таъзим қилди. Ҳожи оғо ҳол-аҳвол сўрашиб, ёнидан жой кўрсатди. Кейин диққат билан тикилиб, бу йигит Муҳтарамнинг амакиваччаси Гулу Булбул эканини пайқаб қолди. Унинг кийим-кечаги ва қиёфаси жуда ўзгариб кетган эди. Бундан бир йил илгари у ёқавайрон бўлиб, сочи елкасигача тушиб, соқол-мўйлови ўсиб, шимлари ғижим-ғижим бўлиб, кавушини судраб Ҳожи-нинг ичкари ҳовлисида санғиб юрарди. Энди бўлса, бутунлай ўзгариб, худди Оғо Кучекка ўхшаб кетибди, тўғрироғи, ундан сира ажратиб бўлмасди. У эҳтиром билан Ҳожининг ёнига келиб ўтирди. Мурод секингина йўлакка чиқиб кетди.

— Қадамларига ҳасанот, жаноб Гулу Булбул! Қандай шамол учирди? Ўзингизни жуда азиз қилиб кетдингиз. Шунчалик ўзгариб кетибсизки, қарилик қурсин, танимай қолаёзибман... Мен сизни осмондан қидириб юрсам, сиз ерда юрган экансиз. Вой, вой.

— Мен бир неча бор хизматингизга ҳозир бўлдим, лекин, бахтга қарши, сизни уйдан топа олмадим.

— Вой, вой. Мендан хафа бўлиб қолганмикинсиз, деб хавотирда эдим. Ахир, сизни кўрмаганимга ҳам ўзи бир йилча бўлди-да. Муҳтарам ҳам сиз тўғрингизда ҳеч нарса билмайди. Худо кўрсатмасин-у, тобингиз келишмай қолдимикан деган хаёлга келиб ўтирувдим... Менинг аҳволимдан сўрасангиз, мана, ўзингиз кўриб турибсиз...

— Худо ўзи шифо берсин!

— Мана, энди касалхонага ҳам ётадиган бўлдик... Қўлингдан нима ҳам келарди... Вой, вой... Ўзингиздан

қолар гап йўқ... Бу ярамас, эшакмия еган лурбачча Мурод бир сўзни ҳам эплаб гапиролмайди. Яна бирор қўполроқ гап гапириб, сизни ранжитиб қўйган бўлмасин, деб қўрқаман. Сабаби, ичкарида қочадиган хотинлар борлигидан беҳабар кириб қолганлигингизни эшитган эдим. Ўзингизга маълум, улар эски урф-одатга берилган одамлар-да, бунақанги ишлар эриш кўринади... Гарчанд сизни ўз ўғлимдай ҳисобласам ҳам, орқаворотдан турлитуман миш-миш гаплар тарқатиб юборишлари мумкин ёки Мурод бирор ўринсиз гап гапириб қўяди... Ана унда орамиз бузилиб қолиши мумкин.

— Йўғе, Ҳожи оғо, ундай эмас, ҳеч қачон ундай бўлган эмас. Мана, бир йилга яқинлашиб қолди, жанобларининг ўғиллари Оғо Кучек сояларида шаҳаншоҳ саройида механик бўлиб ишляпман. Шунчалик ишим кўпки, сизни бир кўриб кетишга ҳам ҳеч фурсат топа олмайман. Бугун эса фурсатни ғанимат билиб...

— Уҳ-ҳў, ишлар йирик-ку! Мен сизнинг механиклик ҳунарингиз борлигидан ҳеч хабарим йўқ экан.

— Шундай, автомобиль механиги бўлиб ишляпман.

— Сиз ҳам ўша ерда ишлайсизми? Жуда яхши, жуда соз. Мен билмаган эканман. Ундай бўлса, қутлайман! Албатта, сизнинг келажакингиз порлоқ... Вой, вой... Оғо Кучекнинг отини атагим келмайди. Ўзи саломат бўлса, шунинг ўзи менга кифоя. Худди кун кеча унга қарз берганлардан бири келиб, эшигимнинг тагида шовқин-сурон кўтарса бўладими, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, касалман, ажал гирибонимдан бўғиб турибди, бунинг устига эртага касалхонага кетай деб турибман. Ахир, у мени келиб кўрмай, шу аҳволда мен уни бориб кўришим керакми... вой, вой...

— Худо сақласин. Афсуски, биз бундан беҳабар эдик. Худо ҳаққи, Оғо Кучек жанобларининг бетобликларидан бутунлай беҳабарлар. Агар эшитганларида сўзсиз келиб, остонангизни ўпардилар... Шу кунларда Оғо Кучек жуда бандлар. Бир неча кун илгари дипломатик топшириқ билан Мисрга бориб келдилар. Биласизми, олий мансаб эгалари ўртасида ўғлингизнинг обрўйлари жуда баланд. Менинг ҳам вақтим зиқ. Шунинг учун ишларимни саранжом қилиш ниятида уч кунга отпускаи олдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сизни шунчалик кўргим келадими, асти қўя беринг. Шунинг учун ҳам ана шу қулай фурсатни ғанимат билиб, жанобларини зиёрат қилиб кетгани кирган эдим... Агар хафа бўлмасалар,

жанобларидан кичкина бир илтимосим ҳам бор эди. Агар ижозат этсалар...

— Марҳамат, марҳамат,— деди Ҳожи тўсатдан туси ўзгариб, жиддийлашиб.

Гулу Булбул одоб билан гап бошлади:

— Қулингиз беш юз туман пулга муҳтож бўлиб қолди. Агар мумкин бўлса, сизга икки ой бадалида қайтариб берсам. Сизга илтимосга келишдан илгари бир ошнамдан олмоқчи эдим. Лекин, бахтга қарши, у сафарга жўнаб кетибди. Сизни ўзимга яқин билиб, ҳузурингизга келган эдим. Агар жанобларига оғир келмаса... Қулингиз бу қилган марҳаматингизни бир умр ёдидан чиқармайди.

Ҳожи чуқур ўйга чўмиб, бир-икки инграгач, жавоб берди:

— Худо шоҳид, шу кунларда ўзим ҳам бир пулга зорман... Мана, эртага касалхонага ётсам, билмайман, доктор ҳақи ва дори пулини қаердан топаркинман, вой, вой, бу падарингга лаънат касал жигарларимни эзиб юборди-я. Ҳа, агар индингача сабр қилсангиз, балки бўлиб қолиши...

— Майли, Ҳожи оғо, майли.

— Гап орамизда қолсин-у, лекин шу кунларда ўзим ўлгудек пулга муҳтожман. Бунақа гапларни бировга айтиб бўладими?.. Ҳожи синибди деб гап тарқатиб юборишади. Ростини айтсам, ҳеч кимнинг ҳаётини гаровлаб бермаган. Шунинг учун мен ҳам қўрқаман, балки мана шу операция вақтида... Ким билади, ажал бекор қўл қовуштириб ўтирмагандир... Хулласи калом, каму кўстимга яратарман деб яқинда вилоятдан келган серпул бир савдогардан минг туман қарз олмоқчи эдим. Модомики сиз ҳам пулга муҳтож бўлиб қолган экансиз, агар худо умримизни узоқ қилса, энди бир ярим минг туман олишга тўғри келади. Лекин бир шарти бор...

— Марҳамат, қани айтинг-чи, қандай шарт экан?

— Биласизми, бу савдогари қурғур ўлгудай бадгумон, қатъиятсиз, мужмал ва аҳмоқ одам. Баччағар, тилхатсиз қарз бермайди. Хуллас, омадинг юришмаганидан кейин қийин экан. Агар мен кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олмаганимда-ку, бир-иккиталар бор эди, улар... Тагин худо билади, эртага ким бор, ким йўқ. Савдогар менга ишонмайди, чунки мени яхши танимайди-да. Бўлмаса, ўзингизга маълум, одамлар ўртасида ишончим зўр. Фақат пулларини эмас, бола-чақаларини ҳам менга ишониб топшириб кетишади. Энди, ўғлим, Гулу Булбул, бундай

қилсак! Эртага соат ўнларда савдогар менинг уйимда бўлади. У борида балки ҳеч ким ўз омонатини олиб келиб, менга топширмас. Шунинг учун эртага соат ўнларда эшигим олдига келиб турсангиз, Мурод қўлингизга омонатга ташлаб кетилган сағирларнинг пул ва қимматбаҳо буюмларидан олиб чиқиб берсин. Сиз ичкарига киришингиз биланоқ менинг ишончли киши эканимнинг исботи учун унинг ҳузурида бояги тугунчани менинг олдимга қўясиз-да: «Ҳожи оғо, бутун бойлигимни сизга омонатга ташлаб, ўзим сафарга жўнаяпман. Қачон сафардан қайтсам, омонатимни сиздан оламан, ҳозир мен болаларни жойлаштиришга шошиляпман», дейсиз. Шунда мен: «Пулингизни санаб ташлаб кетинг, ё бўлмаса шошмай туринг, лоақал тилхат олиб кетинг», деб зўрласам ҳам, «ҳеч кераги йўқ, Ҳожи оғо, худойим умру жонингизга барака берсин», деб чиқиб кетинг. Агар шу ишни маҳорат билан бажарсангиз, ишонаманки, савдогар билан қиладиган муомаламиз муваффақиятли чиқади ва сиз шу кун кечқуруноқ 500 туманни мендан қуртдек қилиб санаб олиб кетаверасиз. Вой-вой жоним...

Гулу Булбул Ҳожини яхши биларди. Шунинг учун Ҳожининг шунчаликка келиб қолганидан жуда ажабланди. Лекин пул жуда зарур бўлганидан бўлса керак, Ҳожининг таклифини бажаришга рози бўлди.

Шу вақт эшик очилиб, баланд бўйли, бошига дўппи, эгнига узун тўн кийган, бойқуш башара бир киши мўйловли букри йигитни етаклаб кирди-да, таъзим қилди. Ҳожи келганлар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, Гулу Булбулга қараб:

— Шундай қилиб, сизни эртага соат ўнларда кутаман,— деди ва у билан хайрлашди. Кейин баланд бўйли кўсага қараб:

— Оғойи Михчиён, қани марҳамат, мана бу ёққа ўтиринг,— деб Гулу Булбул ўтирган жойни кўрсатди.— Қани, қани, сиз ҳам ўтиринг, оғойи Замасқоний, марҳамат! Вой, вой... вой, жоним-ей!

Гулу Булбул таъзим қилиб, чиқиб кетди. Михчиён Ҳожининг ёнига келиб ўтиргач, ташвишланиб деди:

— Ҳожи оғо, сизга нима бўлди, рангингизда ранг қолмапти-ю? Бундай дарддан худонинг ўзи асрасин.

— Эй, ким билади дейсиз, бу қандай лаънати касал экан!.. Қасалим нима эканини ўзим ҳам тушунолмайман. Бунинг устига докторларнинг қасалимни аниқлай олмаслиги ўлганнинг устига тепгандай бўлади. Шунча ёшга кириб, бунчалик дард тортмаган эдим. Нақ онамни кўр-

сатди-я! Мурод! Бор, анави токчадаги дори билан бир ҳўплам сув олиб кел! Чилимни ҳам эсингдан чиқарма!

Мурод айвон олдида пайдо бўлди-ю, яна орқасига қайтди.

— Дориси қурғур ҳеч фойда бермаяпти,— деди Ҳожи Михчиёнга ўгирилиб.— Фақат укол қилишгандан кейингина оғриқни сезмай қоламан. Назаримда, аъзои бадамин карахт бўлиб қолади. Орадан бир оз вақт ўтгач, яна ўша эски ҳаммом, эски тос.

— Касалингиз ҳали ҳам тузалмаган экан-да! Айтганча, бозорбошидаги чуқурлик ёнидан мумийи асл ва малҳамга ўхшаш дорилар тайёрлайдиган бир аттор бор, агар иложи бўлса шундан...

— Ҳа, биламан уни, Қамбар Алини айтяпсиз-да? Мен кўрсатмаган табиб, ишлатмаган дори қолмаган, бирортасидан шифо топмадим. Мазмуни, менинг касалим янги касалга ўхшайди-да. Эртага касалхонага бориб, операция қилдираман. Жуда жоним ҳиқилдоғимга келиб кетди. Нима бўлса бўлар! Қўлимиздан нима ҳам келар эди, иссиқ жон, билиб бўлмайди. Агар биздан бирор хатолик ё номаъқулчилик ўтган бўлса, кечиринг...

— Ҳожи оғо, сизга нима бўлди, бу нима деганингиз? Ундай кунларнинг худо юзини тесқари қилсин!

Шу пайт яғири чиққан шляпа ва жулдур кийимли, елкалари чиққан бир киши кириб келди. Унинг ақлли кўзлари порлаб, ҳамма нарсага қизиқиб боқарди. Меҳмон шляпасини қўлига олиб, саломлашди. Унинг пешонаси кенг, оқ оралаган сочлари бетартиб бўлиб, аҳволи паришон кўринарди.

— И-е, салом алайкум, оғойи Мўноди-ул-Ҳақ, қани, қани, марҳамат, бу ёққа,— Ҳожи оғо унга бошқа бир стулни кўрсатди.— Оғойи Михчиён, сиз замонамизнинг ёш ва истейдодли шоирларидан бўлмиш оғойи Мўноди-ул-Ҳақ билан таниш эмасмисиз?

Михчиён бу келгиндидан тезроқ қутулмоқчи бўлган кишидек, бир нарсалар деб мингиллади. Мўноди-ул-Ҳақ бир оз иккиланиб тургач, стулга келиб ўтирди.

Михчиён даҳлиз эшигига бир қараб қўйиб, кетишга отланди.

— Кечирасиз, сизни анча безовта қилиб қўйдим, чамамда. Ижозат берсангиз, кетсам!

— Йўқ, сиз нима деяпсиз, аксинча, бирор нарса билан машғул бўлсам, оғриқни анча унутаман. Касалдан бошқа ҳеч нарса менга халақит бермайди. Дам олиш нималигини билмайман. Нима билан шуғулланмай, бари-

бир оғриқ сезилиб туради. Аммо жамоат ишларини бажаришни ўз муқаддас бурчим деб ҳисоблайман. Умр бўйи ана шу муқаддас бурчни виждон билан адо этиб келдим, сўнгги нафасимгача шу вазифани адо эта оларман. Ҳа, айтмоқчи, бозорда аҳволлар қалай?

— Ёмон эмас, молларнинг нархи кўтарилиб борапти.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, энди бундан бу ёққа ҳеч қандай молнинг нархи тушмайди. Эшитишимга қараганда, Америкадан келиб, биздан қоп-қоп пайпоқ ипи сотиб олишармиш. Шундан кейин пайпоқнинг нархи тушади деб ўлайсизми? Йўқ, хомтама бўлманглар! Бордию, арзон фаластин ёки америка пайпоқлари келтирилган тақдирда ҳам, бу ердаги нарху навонинг баландлигини кўриб, сўзсиз улар ҳам қимматга сотишади.

Ҳожи чўнтагидан рўмолчасини олиб, бурнини қаттиқ қоққач, сўзида давом этди:

— Бу ҳаммаси рақобат-да. Бозор молларини ерга уриб, нарху навони тушириб юбормоқчилар. Совет Иттифоқидан ҳам пайпоқ келтиришибди. Лекин бир-икки машина бутун мамлакат эҳтиёжини қоплай олармиди? Ишончли маълумотларга қараганда, мана шу бир-икки кун ичида 50 минг поляк келар эмиш. Ахир, уларнинг ҳаммасига ҳам сув керак, ҳам нон керак.

— Ҳозир пайпоқдан ҳеч қандай фойда йўқ. Автомобиль покришкаси пул бўлиб қолди. Фойда мана бу ёқда,— деди Михчиён.

Ҳожи оғриқни ҳам эсдан чиқариб, ҳовлиқиб:

— И-е, ундай бўлса, биз ҳам шерик бўлайлик,— деб кўзини қисиб қўйди.

— Қизиқ бир воқияни сизга ҳикоя қилиб берай: кеча қўққисдан адлия министрлигида оғойи Қарчаклуни учратиб қолдим. Қўлида ўзининг ўлганлиги ҳақида, ўлганларни ҳисобга олувчи идора томонидан қўл қўйиб, муҳр босиб берилган гувоҳномаси бор.

— Ундай бўлса, оғойи Қарчаклунинг шу билан ўзини-ўзи ўлди деб саккизинчи марта справка олиши,— деб Ҳожи ого кулмоқчи бўлди-ю, лекин кула олмади.

— И-е, сиз ҳам у кишини танир экансиз-да?!

— Бўлмасам-чи, мен танимайдиган одам бор эканми. Умримда у кишига ўхшаш ишбилармон, чаққон ва илоннинг ёғини ялаган одамни жуда кам учратганман. Қачонки покришка ўғирлаб сотишнинг сири очилиб, иш чаппасидан кетадиган бўлса ва бу хавфнинг олдини олиш зарур бўлса, оғойи Қарчаклу секингина бориб, ўлганларни ҳисобга олувчи идора хизматчиларининг оғзи-

ни юз туман билан мойлайди-ю, ўз номига ўлганлиги тўғрисида справка олади-қўяди. Кейин адлия министрлигидагиларга ҳам бирор юз туман қистириб, ўз жинойи ишини бости-бости қилиб юборди. Ҳозиргача адлия министрлигида унинг ўлганлиги тўғрисида саккизта справка бор. Қарабсизки, эртасига яна тирилиб қолиб, туя кўрдингми йўқ, дегандек билган ишини қила беради!..

Михчиённинг бойқушга ўхшаш башараси тиришиб, қиқир-қиқир кулиб қўйди. Зомасқоий эса пинагини бузмай, бу гапларга қулоқ солиб ўтирарди.

Михчиён Ҳожининг оғзидан сачраган тупукларини бетидан артиб гап бошлади:

— Сизни безовта қилишимизнинг сабаби, ҳалиги, эсингизда бўлса, ўн саккиз қути мих тўғрисида гаплашмоқчи эдик. Нархини телефонда айтганман. Агар ўша нархга рози бўлсангиз, «бор барака» қилиб юборсак, қандай бўларкин?

— Оғойи Михчиён, илгариги одамгарчиликларингиз қани? Аҳволимни ўзингиз кўриб турибсиз-ку!.. Ҳа, майли, йигит сўзидан, йўлбарс изидан қайтмайди, боринг, сизнингча бўлсин.

— Мана шу кимлар ўтмаган жойда қасам ичиб айтаманки, ўнга яқин харидорни қайтариб юбордим. Мен ваъдамнинг устидан чиқиб келган одамман... Ҳа, айтгандек, бизда яна етти қути сода ҳам бор.

— Ҳалиги, телефон орқали айтган ўн икки қутингизми? Вой, вой...

— Ўтган кун, телефон орқали хўп деганингиздан кейин, ўша ўн икки қути молни ўз ҳисобимга ўтказиб қўйгандим,— деди боятдан бери рўпарада миқ этмай ўтирган Зомасқоий тилга кириб.— Биласизми, агар уни бугунги нарх билан сотсам, албатта, саккизтаси фойдага қолади. Бугун Ҳожи Қозим саройида «Бояр» деган немис фабрикаси чиқарган олти қути дифтерияга қарши вакцина ким ошди қилиб сотилмоқда. Бир қутиси нам тортиб қолган, бошқалари яхши. Агар хоҳласангиз, ўша молни сизнинг фойдангизга ҳал қилиб берсак.

Ҳожи оғо ўзини хасталикка олиб, маънос товуш билан жавоб берди:

— Оғойи Зомасқоий! Марҳамат ва илтифотингиз учун чин қалбимдан миннатдорман! Лекин, ўзингизга маълумки, мендаги пул ва моллар сағирларнинг ҳақи. Шунинг учун уларга хиёнат қилишни асло истамайман. Агар сиз айтган нарх билан сотиб оладиган бўлсам, ўша

мен тавоф қилган каъбатиллонинг ҳажар-ул-асводи¹ билан қасамёд этиб айтаманки, уйимни топа олмай қоламан.

— Қасамёд этиб айтаманки, сизга муҳаббатим билан бўлганидан ишни сизнинг фойдангизга ҳал қилиш учун жони-дилим билан ҳаракат қиламан. Куни кеча шу тўғрисида оғойи Байт-ут-Тужжор билан суҳбатлашдик. У киши ҳам рози бўлдилар.

— Ҳожи Зомасқойга миннатдорчилик билдиргач, Михчиёнга ўғирилди:

— Бундан икки ҳафта бурун Шотир Ҳусайннинг зўри билан... вой, вой, жоним-ей... Шотир Ҳусайннинг зўри билан икки қути депиятор² сотиб олган эдим. Унга тўланган пул марҳума Ҳалима-хотуннинг пули бўлганлигидан, унинг арвоҳини чирқиллатмаслик учун ўша молнинг ҳозирги нархини билиб олмоқчи эдим. Эшитишимга қараганда, ҳозир ичтерлама касали тарқалганмиш. Бинобарин, одамлар баданларидаги тукларини йўқотиш тараддудига тушиб қолишган бўлса керак. Ҳукумат ҳам қўл қовуштириб томошабин бўлиб турмас, бирор чора кўрса керак.

— Жоним билан, Ҳожи оғо, билиб хабарини қиламан.

Бир қўлида чилим, бир қўлида стаканда сув кўтариб, Мурод кирди. Ҳожи шишадан битта хапдори олиб, осмонга қараб оғзига ташлади-да, лиқ этиб ютди. Дори ичиб ўрганмаганиданми, ё дори аччиқлигиданми, унинг башараси бужмайиб кетди. У Муродга қаради, Мурод Михчиёнга чилим тутди. Михчиён чилимни пишитиб чека бошлади.

— Оғойи Михчиён,— деди Ҳожи унга юзланиб,— ҳалиги етти қути сода тўғрисида олдин Мирза Тақий билан бир учрашишим керак. Кейин натижасини телефон орқали сизга етказаман. Ҳа, айтгандек, ҳозир долларнинг курси қай даражада? Вой, вой...

— Кечадан буён долларнинг курси беш шоҳию икки пул пасайди. Лекин бу вақтинча бир нарса. Шунинг учун сизга доллар сотиб олишни тавсия қиламан. Сабаби, шу вақтгача чет эл солдатлари анча-мунча доллар сарф қилиб юбордилар. Ҳозир эса уларга доллар сарфлашни тақиқлаб қўйилди. Эшитишимга қараганда, энди уларга эрон пули берилар экан. Лекин лиранинг иши чатоқроқ... Агар менинг гапимга кирсангиз, лира олманг,

¹ Ҳ а ж а р - у л - а с в о д — қ о р а т о ш .

² Д е п и я т о р — о д а м б а д а н и д а г и т у к л а р н и тушириш учун махсус ўчирилган оҳак ва маргимушдан ясалган дори,

чунки бу уруш ҳали нима билан тугайди-ю, сувдан ким ҳўл, ким қуруқ чиқади, билиб бўлмайд.

— Уҳ, вой, вой-ей,— деб Ҳожи ўрнидан қимирлаб, бош чайқаб қўйди.— Оғойи Михчиён, ишончли манбаълардан олинган хабарларга қараганда, бизнинг пулларимиз тобора қимматини йўқотяпти. Банкда турли ҳийлаю найранг, лўттибозликлар қилишиб, бир амаллаб обрў сақлаб юришибди. Давлат хазинасини бир текшириб кўрадиган инсофли одам топилмайди... Банкларда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Самолётларда қути-қути валюталар келтирилиб, ҳисоб-китобсиз тарқатилмоқда. Мана, кўриб турарсиз, ҳадемай иттифоқчилар Эроннинг қоғоз пулларини самоварга тутантириқ қилишади!..

— Бизга нима, болалар варрак қилиб учирмайдими! Биз Эрон пулини сақламаймиз, бундан ташқари, Ризо шоҳ даврида ҳам банк баланси тўрт марта ўзгарган эди.

— Бу «улуғ саркарда» мамлакатнинг бор-йўғини эгаллаб олиб, подшоҳлик хазинасини ўғирлаб, осори атиқаларни кўтариб қочди-да, бизга эса эсдалик учун бир пулга қиммат ўзининг сурати туширилган бир уюм қоғоз ташлаб кетди. «Ҳой, муттаҳам, халқ мулкани қаёққа олиб кетяпсан» дейдиган кимса топилмапти-я! Шунинг учун қолганларнинг ҳаммаси ҳам қароқчининг шериги ва карвонбошининг ўртоғидир.

— Тўғри айтасиз, Ҳожи оғо, «ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл», ҳеч кимга ҳисоб ҳам бермапти-я!

— Ахир, шу ҳолга тушиб қолишимизга Ҳасаннинг ачаси сабаб бўлгани йўқ-ку! Бошимизга бу қора кунларни солган ўша тўймагур Ризо шоҳнинг ўзи-да! Агар давлат тепасида ҳали ҳам Ризо шоҳ бўлганда, ҳеч шубҳасиз, ҳозирги ҳукуматдан бешбадтар ишлар қилган бўларди. Ахир, ҳозирги ҳукумат тепасидаги корчалонлар Ризо шоҳнинг малайлари эмасми? Аммо Ризо шоҳнинг асл хўжайинлари ҳали ҳам шу ерда, ҳеч қаёққа кетганлари йўқ. Ризо шоҳ уларнинг қўлида бир қурол эди, уларнинг қўғирчоғи, масхарабози эди. Ўзини сотган бир ҳаммол эди. Умрининг охиригача фақат ўзи ҳақида ўйлади ва етти пуштига етадиган мол-дунё тўплади. Кейин, халқни масхаралагандек, бунини қийшайтириб қочди, охири расво бўлиб, итдек ўлиб кетди. Энди унинг барча насл-насаби, уруғ-аймоғи гадо бўлиб қолган халқдан юлиб-юлқиб олинган пуллар ҳисобига етти иқлим ўртасида сайр қилиб юришлари мумкин. У вақтда аҳвол бошқача эди. Агар Ризо шоҳ ҳозир бўлганда, ҳеч шубҳасиз, аллақачон демократ бўлиб олиб, қўлга рўмол уш-

лаб, миллатимизнинг ҳолига йиғлаган бўларди. Аслида халққа ўғрилиқ йўлини кўрсатган ўша эди-да!.. Уҳ, вой, вой-ей...

— Ҳар қалай у унча-мунча ободончилик ишлари билан шуғулланган қўшин тузган, буни назарга олмай бўлмайди, лекин бу ҳам бизнинг ўша оз бўлса ҳам бошлаб қилаётган ишларимизни барбод қилмоқчи бўлган чет эл сиёсатчиларининг иши бўлса керак, деб ўйлайман.

— Бо худо, бу қилинган ҳамма ишларни халқ фаровонлигини ошириш ёки мамлакатни обод қилиш мақсадида қилинган деб ўйлайсизми? Йўқ, янглишасиз! Бу ўғрилиқнинг янги, киши билмас тури. Қилинган бу ишлар эса кўзбўямачилиқдан бошқа гап эмас. Ризо шоҳ нима иш қилса, хўжайинларининг кўрсатмаси билан қиларди. Нима қилаётганини ўзи билмасди; агар бирор нарса қилмоқчи бўлганда ҳам удалай олмасди. Ҳали ҳам кеч эмас. Қўяверинг, иттифоқчиларимиз қўшинлари Техрон дарвозаларидан чиқиб кетсинлар-чи, ишимизни билиб қиламиз. Ушанда ҳар бир учинчи шаҳривар қаҳрамони ўзини янги Ризо шоҳ деб эълон қилаверсин. Лекин бригада генерали Оллоҳвердихонга ўхшаш кишилар тилларини бир оз тийиб юришлари керак бўлади. Ундай паст, бир дона пиёз учун одам ўлдиришга тайёр кишилар қандай қилиб ёшларимизни тарбиялай оладилар? Ишонмасангиз, бориб кўринг, ордирган бойлиги еру кўкка сиғмайди, итининг туваги олтиндан бўлиб кетган. Кечагина нон деса, кесак ғириллаб, бир чақага зор бўлиб юрарди. Бир тўда ялангоёқ ўғри бизни тўнаб, мана шу аҳволга тушириб кетди. Ҳали ҳам бўлса иттифоқчиларнинг отасига раҳмат! Биз билан муомалалари жуда яхши. Одамларга нима ҳам керак дейсиз? Уларга нон билан сув бўлса бўлгани.— Ҳожи оғо дастрўмолига бурнини қоқди.

— Қулингиз ватан манфаатини кўзлаб...

Қизишиб кетган Ҳожи Михчиённинг сўзини бўлиб, гапини давом этдирди:

— Узингизга маълум, мен ростгўй одамман. Шу сабабли ҳаётдан орқада қолиб кетдим. Сизлар ватанни юмалаб ётган бир гувалак деб биласиз. Лекин ҳаммадан илгари одамларга ғамхўрлик қилиш керак. Мен ўша вақтларда ҳам гапнинг пўсткаласини айтардим, ҳеч кимдан қўрқмасдим. Шаҳар оқсоқоли қақилдоқ товук бўлгандан кейин, шаҳарнинг ҳоли нима кечарди?! Расволик ва шармандалиқдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Худди шунга ўхшаб, бир муттаҳам ўғрини топиб келиб,

бор-йўқларини ишониб, унга топшириб қўйишди. Кейин бир тўда ҳукумат аъзолари унинг атрофида тўпланиб, енгидан кириб, ёқасидан чиқа бошладилар, товоққа солиб, ўзини кўкка кўтаришди. Натижада, мана шундай қора кунлар бошимизга тушди. Шу Каюмарсимнинг жони ҳақи. Ризо шоҳ мени неча марта ҳузурига чақириб, министрлик лавозимини тавсия қилган, унамаганман. Сабаби, унинг орқасидан келадиган оқибатини билардим. Ахир, мен ҳам бефаҳм одам эмасдим-да, каллам ишларди. У одамларнинг кўзларига тупроқ пуркаб, бору йўқларини талади, хонавайрон қилди. Менинг Мозандарондаги мулкларимни эса тортиб олди. Темир йўлни сиз билан мен учун қурди, деб ўйлайсизми? Йўқ, уни халқнинг кучи ва пули билан қурдирган, буйруқни эса хўжайинларидан олган. Ахир, натижасини ўзингиз кўриб турибсиз-ку... Мен сиёсатга яхши тушунадиган одамман, ернинг тагида илон қимирласа биларман. Уҳ, вой, вой... Одамлар дин, номус ва бор-йўқларидан ажралдилар. Наҳотки, бола-чақаларимиз ўз ер-сувларидан маҳрум бўлиб қолса? Ахир, улар шу ер-сув орқасида кун кўрадилар-ку? Худо раҳмати Шоҳи шаҳид замонида нефть концессияларидан келадиган катта даромадлар йўқ эди. Аммо халқ тўқ яшарди, егани олдида, емагани кетида эди. Бу «улуғ инсон» бўлса, нуқул халқ молини талаш билан овора бўлди. Қабилаларни қуролсизлантириб, бошларини кестирди. Қани, ўзингиз айтинг-чи, нима учун Араратни қўш қўллаб тутгандай осонгина қўлдан бой берди? Нима учун Афғонистон чегарасида бўлган жанжалда афғонлар уни калака қилишди? Нега Фиротда кема қатновини ташкил қилишда унинг тишини уриб синдиришди? Нима сабабдан Баҳрайн ороллари қайтариб ололмади? Бу масалада ҳам яхшигина мушт еди. Чунки, қилар ишини билмай, калласи шишиб қолди. Ана шулар эвазига ҳалигача бирор моддаси ҳам бажарилмаган нефть шартномасининг муддатини чўздириш муносабати билан байрам қилиб, халқни ўйинга туширди. Илгари армиямиз йўқ эди. У келиб, бир масхара армия тузди. Кўрикларни тантана ва дабдабалар билан ўтказарди-ю, лекин офицерлари уч кунлаб туз тотмасди. Бунинг устига урушнинг авжи қизган вақтида Ризо шоҳ халқни озىқ-овқат билан таъминламоқчи бўлди. Учинчи шаҳривар куни Шоҳ Абдул — Азим дарвозаси олдида бир танкчимиз танкнинг бензин бакидан қочоқлар автомобилга бензин қуйиб сотиб турганини ўз кўзим билан кўрганман. Яна булар ўша вақтда бизнинг молу жонин-

миз ва ору номусимизни қўриқламоқчи эдилар. Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз солдатлик чоғларида роса калтак ейишади-да, погонларида битта юлдуз пайдо бўлиши билан бошқаларни калтаклашади, ўғрилиқ қилишади. Шундан кейин уларга Шемр ҳам бас келолмай қолади. Шу ҳам армия бўпти-ю! Ёки бўлмаса, анови таги паст, хоин, жосус депутатларни олинг, мана шулар бизнинг вакилларимиз эдилар-да!

— Ҳа, айтгандай, Ҳожи оғо, парламент депутатлигига номзод қилиб кўрсатишибди деб эшитдим, муборак бўлсин!

— Нима қилай, халқ зўрлаб қўймади.

— Мақтанмиш бўлмасин-у, эллик минг бўлмаса ҳам, беш минг овозни сиз учун олиб беришга қурбим етади. Агар сиз депутатликни қабул қилсангиз, бу билан биз фахрланамиз. Бу — халқнинг фойдасига, албатта. Ахир, мажлисда бизнинг ҳам бир депутатимиз бўлиши керак-да!

Ҳожи оғриқни ҳам сезмай қолди.

— Илоҳим сизга тавфиқ берсин... Беҳад миннатдорман. Дўстларнинг менга қилаётган меҳрибончиликлари мени хижолатга қўймоқда. Қандай қилиб ўз миннатдорчилигимни билдиришни билмайман. Уҳ, вой, вой... Энди ўзимни енгилроқ ҳис қиляпман. Ҳа, айтгандек, бозорда уруш тўғрисида қандай шов-шувлар бор?

— Эшитишимга қараганда, руслар немисларни силжитмай қўйишибди,— деди Михчиён ғамгинлик билан.

Ҳожи кулиб юбормоқчи бўлди-ю, лекин кула олмади.

— Мен эса фильмда кўрдим: немис қўшинлари худди тобланган пўлатга ўхшаш чиниққан экан. Уларнинг олдини биров тўса олармиди! Эл назар қилган кишилар билан ўйнашиб бўларканми? Оллоҳнинг иродаси билан! Аксинча, немислар русларни қириб ташлаб, яна ўзларининг раҳмлари келибди. Ҳамма айб Сталинда. Бутун мамлакат аҳолисини пулемёт билан таҳдид қилиб, худди сурувдек ҳайдаб бориб, балонинг оғзига рўпара қилди. Россияда ҳозир ҳеч ким қолмабди, ҳаммаси қирилиб битибди. Ўзингизга ҳам маълумки, немислар мусулмони комил, раҳмдил одамлар. «Шу бечораларни ўлдиришнинг нима кераги бор, бу ишимиз худога ҳам хуш келмаса керак», деб ўйлаган бўлсалар керак...

Ҳожи тупугини ютиб, сўзида давом этди:

— Кеча Салмосдан бир мусофир келган экан. У шундай ҳикоя қилиб берди. Бундан икки ҳафта илгари шаҳар тепасида немис самолётлари пайдо бўлибди.

Кейин одамлар қараса, самолётлардан қанотли қутилар тушиб келаётган эмиш. Олдинига улар, бунинг ичида бомба бўлмасин, деб қўрқиб кетишибди. Кейин секин қопқоқларини очишса... Қани, айтинг-чи, сизнингча, қутиларнинг ичида нима бўлиши мумкин? Есангиз оғзингизда эриб кетадиган энг олий навли ливер¹! Бизнинг бу ердаги ливерлар билан солиштириб бўлармиди? Ҳаммаси тоза ва покиза. Қутиларнинг устига шундай деб ёзилиб қўйилган эмиш: «Яшасин Эрон! Эронсиз ҳаёт менга ҳаёт эмас. Бу арзимас ҳадяни азиз ва муҳтарам дўстларим эронликларга тақдим қиламан. Имзо: Гитлер». Мен ҳам бундай қутиларни ўз кўзим билан кўрганман. Албатта, Гитлернинг Эронга муҳаббати зўрки, душманларимизни бу ердан ҳайдаб юбормоқчи-да! Руслар эса немисларнинг ҳадя тарқатишларига қандай бўлмасин халақит беришга ҳаракат қилишмоқда. Лекин онт ичиб айтаманки, орадан бир-икки ҳафта ўтгач, лоақал дори учун ҳам бирорта русни бу ердан топа олмайсиз. Мана сизга большевистик режимнинг оқибати!... Уҳ-уҳ... Ғам еманг, ишончли манбаларнинг менга берган хабарларига кўра, тез кунда немисларимиз Техронга кириб келишармиш. Гитлернинг оёғи остида сўйиб қурбонлиқ қилиш учун битта мол боқиб қўйибман. Лекин ҳозирча бир амаллаб йўл топиб, усталик қилиб турмасангиз бўлмайди... Уҳ, чарчадим... Мурод, Мурод-ей!..

— Лаббай, хўжайин.

— Тушга нима овқат тайёрладиларинг?

— Атала, хўжайин.

— Ичкарига кириб айт, мени кутмасдан овқатларини ичаверишсин. Ўзинг эса кушхонага бориб, Қарбалои Зулф Алига учра, уч... йўқ, беш сих кабоблик тузукроқ жигардан Ҳожи оғога олиб қўяркансиз, де.

— Хўп, хўжайин.

— Кейин пешинга яқин ўзим айтаман, бориб озгина ялпиз билан тархун олиб, қайтишда кабобни ҳам олиб келасан. Тушундингми?..

— Тушундим, хўжайин, тушундим.

Мурод чиқиб кетди. Ҳожи бир йўталиб олди. Михчиён Ҳожига чилим тутди. Ҳожи чилимини олиб, чека бошлади. Шу пайт кимнингдир ясанган-тусанган хизматкори кириб келиб, Ҳожига таъзим қилди.

— Э, салом, келинг, Муҳсинхон! Кўпдан бери Мақом-

¹ Ливер — жигар, ўпка ва юракдан махсус йўл билан пиширилдиган таом.

ул-Вузаро жаноблари... афв этасиз, қарилик қурсин, Давом-ул Вузаро жаноблари билан дийдор кўришишга муяссар бўлолмадим. Саломатликлари жойидами?

— Агар ижозат этсангиз, хизматингизга тайёр бўладилар.

— Марҳамат, бажону дил қабул қиламан. Қани, шу ерда бўлсалар, илтимос қилинг, кирсинлар.

Муҳсинхон чиқиб, Давом-ул-Вузарони бошлаб кирди.

Ҳожи ўрнидан ярим туриб, у билан қуюқ саломлашди.

— Э, э, қадамларига ҳасанот!

Михчиён билан Зомасқой ўринларидан турдилар. Лекин Мўноди-ул-Ҳақ ўрнидан кўзгалмади. Ҳожи Давом-ул-Вузарога Михчиённинг ўрнига ўтиришни тақлиф қилди. У Михчиён билан хайрлашар экан, бояги олди-сотди ишларни телефон орқали битиражагини айтди. Улар чиқиб кетгач, Давом-ул-Вузарога юзланди:

— Сиз келганингиз учун бошим кўкка етди... Қанча йил, қанча замонлардан бери дийдор кўришганимиз йўқ. Аҳволларингиз қалай? Ҳалиги ишни тўғрилаб қўйганимдан хабарингиз борми? Касаллигим туфайли ҳузурингизга бориш шарафига муяссар бўлолмадим... Эртага касалхонага ётмоқчиман.

Давом-ул-Вузаро ҳамдардлик билдирди:

— Мен Хитой элчихонасида бўлган қабул маросимида бетоб эканлигингизни эшитган эдим. Лекин, аллақачон тузалиб кетгандирсиз, деб ўйлагандим. Аттанг, касалхонага ётадиган бўлиб қолибсиз-да?

— Ҳа, бу ҳам бўлса менинг бахти қаролигим. Дарди бедавога учраганман. Гап шу ерда қолсин-у, бу Европада таҳсил топиб келган докторларга оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатади. Ростини айтсам, уларга сира ишончим йўқ... Ўтган йили аввал баҳорда бепарволик қилиб катто хатога йўл қўйдим. Ҳар йилги одатим бўйича зулук солдириш ва шоҳтарани эзиб, сувини ичиш ёдимдан кўтарилибди. Бу касал иссиғим ошиб кетгандан келиб чиқдимикин, деб ўйлайман... Айниқса Исфаҳондан қайтиб келгандан кейин жуда мазам қочиб қолди. Шундан сўнг қанча ҳаракат қилмай, барибир ўзимни ўнглолмадим. «Йўл азоби — гўр азоби» деб бекорга айтмайдилар-да!.. Эрталаб ўрнидан туриб, кечирасизлар, жуда эзмалик қилиб юбордим, бавосил ё чипқонми деб ўйладим. Ўзингизга маълум, кўп одам шу касалга мубтало бўлган, лекин енгилмаганлар. Шундай азоб берадики бу касал, тасаввур қилолмайсиз. Бу касални худо кофирга

ҳам раво кўрмасин. Шунча дорӣ-дармон қилдим, кофар совуқликларни еб боқдим, қани энди, бир фойда берса!.. Охири, дўстларнинг зўри билан оғойи Жаббор Султон бошлиқ, худо унга тавфиқ берсин, Жолину-ул-Ҳукамонинг олдига бордик. У мени касалхонага ётқизди ва текшириб кўриб, ҳеч гап эмас, ярим соатлик иш экан, деб бир оз юпатди. Сўнгра уйга қайтиб фол очдим, фолим ёмон чиқди. Мана шунинг учун, неча ойдан бери уйдан эшикка чиқмай, қўлим ишга бормаё ётибман. Энди аниқ бир қарорга келдим... Бўлганча бўлар!..

— Қулингиз оғойи Жолину-ул-Ҳукамо билан қадрдон дўст. Сиз тўғрингизда у билан гаплашиб қўяман. Бош министр жанобларидан ҳам бир энлик илтимоснома ёздириб оламан... Сизни анча безовта қилиб қўйдим чоғи, рухсат берсангиз, кетсам.

Ҳожи дастрўмолини олиб, бурнини қоқди-да, шошиб жавоб берди:

— Йўқ, йўқ, оғо! Сиз билан суҳбатлашиб ўтирсам, бутун дунёнинг ғами менинг бошимда бўлса ҳам эсимдан чиқиб кетди.

— Марҳаматингиз учун чин қалбимдан миннатдорман,— Давом-ул-Вузаро Мўноди-ул-Ҳаққа бир қараб қўйди,— жанобларини безовта қилишимдан мақсад, биринчидан, ҳолингиздан хабар олиш бўлса, иккинчидан, полковник Бўланд Парвоз ҳақида қилган марҳаматингиз учун миннатдорчилигимни билдириш эди. Шу нарсани сизга айтиб ўтишим керакки, полковник Бўланд Парвоз ўзига хос совуққонлик ва матонат билан Луристондаги солдатларни қуролсизлантириб, уларни иттифоқчи қўшинлар ихтиёрига топширди. Шу тариқа беҳуда қон тўкилишнинг олдини олди. Албатта, бундай вақтларда ишлар шу қадар чалкашиб кетадики, қурол-аслаҳаларни марказга ташкилий равишда топширишнинг иложи бўлмай қолади. Айтишларига қараганда, қурол-аслаҳа, ўқ-дорининг бир қисми курдлар ва лурлар қўлига тушиб қолибди. Албатта, Бўйир-Аҳмад ва Қашқон қабилалари олсин деб кечалари саҳроларга ташлаб кетилаётган қурол-аслаҳалар олдида курд ва лурлар қўлига тушган қурол-аслаҳалар келажакда ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Бир ой ўтмай, полковник Бўланд Парвознинг кўтарилиб, генерал даражаси олгани фикрим тўғрилигининг далилидир. Бундан ташқари, уни биринчи даражали ҳарбий медаль ва шунингдек, мақтов қоғозлар билан мукофотлашди... У киши Эроннинг юқори мансабдаги кишилари ва иттифоқчиларга шунчалик ёқиб қолдилар-

ки, ҳатто инглиз майори Жувола Сингх у кишининг пойтахтга ишга ўтишларига қаршилик кўрсатибди. Бўланд Парвозга қилнган тухматлар, яъни ўзингизга маълум қабилаларнинг мол-мулкни тортиб олиш ва хонавайрон қилишда айблашлар бутунлай йўқ қилиб юборилди. Ҳожи оғо! Демократия — бу жуда яхши нарса. Лекин, афсуски, биз унинг қадрига етмаймиз. Илгари вақтларда, бу халқ хизматкори, бу ватан хоини, деб яхшини ёмондан ажрата олмас эдик.

Ҳожи калласини қимирлатиб, унинг гапларини тасдиқлади.

— Мен ҳамиша шу тўғрида гапириб келганман.

— Ҳожи оғо, полковник мени вакил қилиб юбориб, сизнинг у кишига қилган меҳрибончилигингиз ва чексиз марҳаматингиз учун арзимаган бир совғани сиз жанобларига топшириб қўйишимни илтимос қилган эдилар. Шу нарсани эртага гумашта орқали жанобларига юбормоқчиман.

— Мени жуда хижолат қилиб қўйдингиз-ку,— деди Ҳожи оғо ҳовлиқиб, Мўноди-ул-Ҳаққа бир қараб қўяр экан.— Шу пайтгача мана шундай қийин вазифани бажаришни ҳеч қачон ўз зиммамга олмаган, эвазига ҳеч қандай совға олишга ўрганмаган эдим. Лекин совғани қабул қилмасам, сўзсиз у киши мендан ранжиб қоладилар ва ўйлашлари мумкин... уҳ, уҳ... Аммо эртага, мен касалхонада бўламан...

— Сўзларингизга қараганда, операциянгиз жуда енгил, кўз очиб юмгунча бўлиб кетадиган гап экан. Шундай бўлгач, қулингиз эртага ўша ерда хизматингизга тайёр бўлиб туради, сўнгра уйга бирга қайтамиз.

Эшикдан Мурад кириб, йўлак томон ўтиб кетди...

— Илоҳим бу сўзларингиз тангри қулоғига бориб етсин! Операция эсимга тушди дегунча юрагим орқамга тортиб кетади. Ахир, ўзингиз ўйланг, менинг ёшимдаги кишининг операция қилдириши жуда хавфли-да! Билмадим, бугун ухлай оламанми, йўқми. Лекин ўзимни у ёққа ташлаб, бу ёққа ташлаб эсдан чиқазишга ҳаракат қил-япман. Балки, бу безовталигим касалнинг асоратидир. Наҳотки, ҳамма касаллар ҳам шунақанги фикрларга бораверса? Кимни кўрсам, ҳавасим келадиган бўлиб қолибди, пашша нима деган махлуқ, ахир шунга ҳам ҳавасим келади-да! Эртаги кунни ўйласам, ваҳимага тушаман, қани энди мана шу пашшанинг ўрнида мен бўлиб қолсам, деб орзу қиламан. Ҳаёт жуда қизиқ нарса, канага ўхшаб ёпишиб олади-да, ҳеч қўйиб юбормайди. Нима

учун шундай, билиб бўлмайди. Бу жониворлар-чи, кундан-кунга яйраб-яшнаб, эртаги кун парвойига келмайди, чайқовчилик билан шуғулланмайди, орзу-ҳавас ҳам қилмайди. Лекин, сизга шуни айтайки, ҳаёт буларни ҳам тинч қўймай, ёпишиб олган. Эсимда бор, ҳали ёш бола эдим, уйимизнинг олдида бир мушук болани арава бошиб ўтиб, белини синдириб юборди. Қора қонига бела-ниб, миёвлаб ётибди. Лой-балчиқ ичида панжалари билан тирмашиб, жон ҳолатда судралишга ҳаракат қилади. Кимга ёлбориб, кимга оҳу нола қиларди, худо биллади-ку, лекин жуда азоб чекарди. Ўзига ёпишиб олган жисмдан қочиб қутулиш ва тақдирини ўзгартишга ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди. Аммо, шунга қарамасдан, яшагиси ҳам келарди. Бечора, ҳаёт нималигини билмасди-да! Эзилиб кетган вужуди уни қўйиб юбормасди. Дард ва азоб уни қамраб олганди. Лекин, шунга қарамай, ўлгиси келмасди... Вой, вой...

— Гапларингиз тўғри-ку, Ҳожи оғо, лекин одам ўлимдан, йўқликдан қўрққандек қўрқмайди. Фақат яшаш мақсадида ахлоқ ва обрў қозонишга тиришади. Баъзилар эса абадий ҳаёт кечириш умидида ажални жон-диллари билан кутиб оладилар.

Ҳожи бурнини қўли билан артиб, қўлини абоснинг этагига сурди:

— Бундай фикрлар менинг калламга ҳеч келмаган. Қасаллик одамнинг миясини айнитиб, қўяр экан. Худди шароб кайфига ўхшаш ўзига хос бир кайф билан одамни маст қилиши ёмон-да! Ҳар куни кўриб юрган нарсаларнинг одамнинг назарида энди бошқачароқ, ғалатиरोқ бўлиб туюлади. Бугун жаноб Михчиён ёнимда ўтирганларида у кишининг қарашларидан кўп нарса англаб олдим. Инсоннинг ҳайвондан фарқи шуки, одам арава гилдираклари тагида миясининг қатиғи чиқмасдан илгари ҳаёт олдида тиз чўкиб, унга сажда қилади, илтижо қилади. Қовурғалари синмасдан илгари шу воқиянинг рўй беришини сезиб, мушукка ўхшаб нолалар қилади... Келинг, энди бу тўғрида гапирмайлик...

— Сизнинг операциянгиз мен қилдирган операциялар олдида ҳеч гап эмас. Мана, мен уч марта операция қилдирганман, учинчисида жигаримнинг бир бўлагини олиб ташлади. Лекин биламан, операция тўғрисида ўйласанг, киши ҳар хил фикрга боради, ваҳима қилади. У ҳам бўлса биринчи галда шунақа бўлади. Сизнинг операциянгиз эса, болани хатна қилишдан ҳам осон. Тағин операцияни ким қилади? Жолинус-ул-Ҳукамодек тажриб

бали киши қилади. Унинг учун бу иш бир қултум сув ичишдай гап.

— Келинг, шу тўғрида гапирмайлик. Қани, дунёда нима гаплар бор?

— Гапиришга арзийдиган ҳеч нарса йўқ. Уша, жаноблари кўриб турган аҳвол; ит эгасини танимайди, келишмовчилик. Бутун моддий ва маънавий мавжудот охир замонда инқирозга учраши ва емирилиб кетиши ўзингизга маълум. Мана, ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз. Ахлоқий бузғунлик ва ижтимоий тушқунлик бизнинг ҳаётимизни қамраб олган. Тақсир, ўша Европада таҳсил кўриб келган ёшлардан ҳам кўнглим қолди. Утган кун Европадан яқинда қайтиб келган аммаваччам оғойи Симни Давотни кўргани боргандим. У шундай нарсаларни гапирди, шундай фикрларни изҳор қилдики, ростини айтсам, жуда хафа бўлиб кетдим.

Ҳожи шошилиб сўради:

— Уруш тўғрисида ҳам бирор нарса дедими?

— Гапнинг очиғи, азбаройи жаҳлим чиқиб кетганидан уруш тўғрисида бирор нарса сўрамабман ҳам. Биласизми, бизнинг ёшлар чет элга борганда у ерларнинг ташқи кўринишига учадилар-да, киндик қонлари тўкилган она ватанларига қайтгандан кейин худди бегона одамларга ўхшаб юрадилар. Буларнинг иши худди бедананинг йўрғалашини қиламан деб, ўз юришини ҳам эрдан чиқариб қўйган қарға ҳикоясига ўхшайди.

Ҳожи хафа бўлиб бош чайқаб қўйди.

— Бизнинг Оғо Кучекка ўхшаган-да. Жанобларининг нима демоқчи эканларини тушуняпман. Европага кетмасдан илгари у соддадил ва одобли, қобил бола эди. Энди дайди ва қиморбоз бўлиб кетди. Шу қадар адабсиз бўлиб кетдики, ҳатто меннинг олдимда ҳуштак чалади, папирос чекади. Эртадан кечгача ойна олдида пардоз-андоз қилади. Бу ҳам етмагандек, бир кучук болани етлаклар, таңца залларига қатнайди. Мен оталик бурчимни адо этиб, бошқаларга ибрат бўлсин учун уни меросдан маҳрум қилдим. Лекин фарзанд экан; ота меҳрини кўнгилдан йўқотиб бўлмайди. Ҳозир касалхонага ётишдан илгари уни кўргим келяпти. Умуман, Европа ёмон нарса...

Давом-ул-Вузаро унинг сўзларини тасдиқлади:

— Тўғри айтасиз, у ердан бизга нима фойда? Оқибати шуки, одамлар у ердан инқилобий фикрлар, сохта ватанпарварлик ва ифлос одатларни совға қилиб олиб келадилар. Худо ўзи раҳм қилсин! Ҳалиги йигит, Европа

га жўнамасдан илгари, жуда оддий ва ахлоқли йигит эди, ҳамиша беозор, миллий шууримиз ва муқаддас одатларимизга нисбатан ҳақорат билан қарайдиган одам бўлиб қолган. Масалан, у мамлакатимизни жуғрофий харитасида бир қора доғ, ҳавоси жазирама чанг-тўзон, ери расво, суви сассиқ, аҳолиси ярамас ва туғма майиб, халқи банги, чечак, ўзидан рози, тақдирга тан берадиган, мурдаларга сажда қиладиган, лавашанг, ёлгончи, лаганбардор, жосус, «Ё Ҳасайно, ё Ҳусайно!» деб кўксини порра-пора қиладиган ва ҳаммаси бавосил касалига мубтало дейди!

Ҳожининг жаҳли чиқиб кетди:

— У йигит кофир бўлибди-ку! Бошқатдан унинг қулоғига азон айтиш керак, тавба қилсин! Симин Давот жанобларининг яна қандай ақидаси бор?

— Ого, унинг қандай ақидаси бўлиши мумкин. У бир ярамас одам. Юқоридаги айтганларим ҳали ҳолва, у гапирган гапларни одам эшитса, тепа сочи тикка бўлиб кетади. «Ирқимизнинг ярамаслиги, ифлослиги ёшу қариларимиздан маълум,— дейди у.— Биз ҳаётнинг ғашини келтирдик. Шу билан қаноатлансак кошки эди. Ўзимизнинг эшакчалик ақлимиз йўқ, ҳар қадамда бизни аҳмоқ қилиб кетмоқдалар-ку, яна ҳаётга қараб бурнимизни жийирганимиз ортиқча. Шунга қарамай, биз ўзимизни махлуқларнинг энг ақллиси деб ҳисоблаймиз. Бизни тартибга солиб қўйсин деб доим бирор ўғрибошининг пайдо бўлишини кутамиз. Йигирма йил Ризо шоҳнинг сарой масхарабозлари бизни саваладилар, эздилар. Ҳалигача чурқ этолмаймиз, ҳали ҳам бизнинг олдимизда ўлик мушукларни ўйинга туширмоқдалар. Европага ақлимиз, маданият, илму фан ва ижтимоий муносабатларнинг бирор соҳасида ҳам ўзини кўрсатгани йўқ. Санъатимиз кулолчиликдан нарига ўтмайди, музикамиз юракларни қон қилиб юборадиган оҳанглардан иборат, фалсафамиз ўз хатолари тўғрисида баҳс қилиш билан овора, емишимиз нчак-чавоқдан иборат. Бизда на завқ бор, на санъат ва на шодлик. Ҳамма ерда муттаҳамлик, ўғрилиқ, алдамчилик, «Равза»¹ ўқиш билан машғулмиз. Биз ҳозир чиримоқдамиз ва ҳалокат ёқасида турибмиз. Сўфи, дарвиш, ёшу қари, ҳунарманд ва гадо — ҳамма ўлиб-тирилиб пул топиш ва мансабга эга бўлиш билан овора. Бал-

¹ «Равза» — шиа имомлари Ҳасайн билан Ҳусайннинг азоб-уқубатда ҳалок бўлгани ҳақида ёзилган китоб.

ки дунёнинг бошқа жойларидаги халқлар бирор мақсад ва ё ҳақиқат учун курашаётгандирлар. Лекин бизда пастлик ва разолат йўлида мусобақалашмоқдалар. Бизнинг замон таққир, ҳақорат замонидир». — Бундан ташқари, у яна кўп нарсаларни гапирди: — «Бу мамлакат ўғрилар, хуфия тарзда мол сотадиганлар ва ўз халқи учун зиндонлар ватанидир. Уни қанчалик безатмасинлар, лабини қизил қилиб, юзига упу сурмасинлар ёки уни қандайдир Ал Капоненинг¹ қучоғига ташламасинлар, барибир ҳеч қандай фойда чиқмайди. Чунки чиршиш ва ўлиш аломатлари юзу кўзларидан сезилиб турибди. Бизнинг ҳозирги ҳукумат бошлиқларимиз қилмишлари олдида ҳатто энг зулмат давр ҳисобланган шоҳ Султон-Хусайн даври ҳам шарманда бўлди. Давримизнинг бу шармандалигини ҳатто обизамзам ёки кавсар сувлари билан ҳам юшиб ташлаб бўлмайди. Биз дунёнинг энг қоронғи чуқурларидан бирида жирканч қурт сингари фақирлик ва касалликдан ўрмалаб, энг шарманда, энг ифлос равишда яшаймиз. Лекин қизиғи шундаки, дунёда энг яхши шароитда, ҳаммадан кўра афзалроқ яшайпмиз, деб ўйлаймиз». Кўряпсизми, Ҳожи оғо, ахлоқий асослар қанчалик тушкунликка учрамаган? Бир ҳисобда Ризо шоҳ Европада таҳсил кўриб келаётган ёшларни чегаранинг ўзидаёқ ушлаб, турмага ташлаб, тўғри иш қилган. Унинг бу сўзларидан қон ва инқилоб ҳиди келади. Бундай гапларнинг оқибати яхши бўлиб чиқмайди, албатта.

Ҳожи оғо акса урди. Давом-ул-Вузуро «саломат бўлинг» деб яна сўзида давом этди.

— Ҳамма гап шундаки, уларнинг тарбиясини ўзимиз бўшаштириб юборганмиз. Ҳамма ёшларимиз ноумид бўлиб кетганлар. Лекин алҳамдулилло, Европа маданияти таъсир қилмаган, ҳали ҳам ўз ота-боболарининг урф-одатларини эсларидан чиқармаган эслик кишилар ҳам йўқ эмас, бор. Қолганлари эса эътиқодсиз, қариларни ҳурмат қилмайди, ўзларининг насл-насаби, оила бошлиқларига эътиқодлари йўқ. Менинг фикримча, жамиятимиз орқага қараб кетмоқда, агар тезликда, айниқса, маънавий ва ахлоқий соҳада бирор тadbир кўрилмаса, у сўзсиз йўқлик чуқурига ағдарилажак.

— Фикрларингизни муқаддас деб билман. Мен ҳам анча вақтдан бери сезиб келяпман. Биз тезда ахлоқий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланиб олишимиз лозим. Худди шунинг учун ҳам кўпчилик мени депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Лекин... вой, вой... лекин ҳали

¹А л К а п о н е — америкалик гангстер.

Ўзим бир қарорга келганим йўқ. Депутатлик менга тўғри келмаслигини ўзингиз яхши тушунасиз. Аммо, мамлакатнинг энг юқори манфаатлари хавф остида турган бир вақтда бутун кучни сафарбар қилиш шарафли иш деб ўйлайман. Ватан учун хизмат қилиш, ҳар бир ватанпарварнинг виждоний ва ахлоқий бурчидир. Бундан ташқари, халқ бизга ўхшаган кишиларга умид кўзи билан қараб турибди.

— Фикрингизни чин қалбимдан табриклайман,— деди Давом-ул-Вузаро Ҳожининг оғзидан чиқиб, бетига сачраган тупукни артар экан.— Мана, дўстларим гувоҳ, ҳамма вақт сизни довурак, жасур ва жиддий одам деб мақтайман. Сизнинг ҳукумат ишларида қатнашмаганлигингиз жуда ачинарли ҳол. Тўс-тўполон бўлиб турган бир вақтда шундай масъулиятли вазифани сиздек олижаноб киши ўз зиммасига олиши Эрон миллатининг фахри ҳисобланади. Силсила-Жунбон жаноблари билан бирга ишлашга унайсизми?— Давом-ул-Вузаро охириги сўзларини шивирлаб, Ҳожининг қулоғига айтди.

— Жону дилим билан. Мен у кишини ғойибона ҳурматлаб юраман. Лекин қулингиз 135 минг овозга эга. Эшитяпсизми, 135 минг ҳақиқий овоз-а! У киши қанча овозга ёрдам бераркинлар? Вой, вой қовуғим!..

— Камина шу бугуноқ у киши билан гаплашиб, натижасини айтаман. Айтмоқчи, жанобларидан бир кичкина илтимосим бор эди: оғойи Зул-Фазойил жаноблари эътиборли ва обрўли одамлардан бўлиб, сизга нисбатан ҳурматлари катта. У киши имом Ризонинг пой остоналарида ноиблик қилишни истайдилар. Албатта, ўзлари ҳам анча-мунча ишни пишириб қўйганлар. Лекин ишни тезлаштиришда бирор воқиа рўй бериб қоладиган бўлса, сиздан бир илтимос...

Ҳожи диққат билан қулоқ солиб турди-да, кейин ишонч билан деди:

— Иш пишган деб билаверинг. У кишига менинг саломимни етказиб, сафарга отланавераркансиз, деб айтинг! Хотирингиз жам бўлсин, керакли жойлар билан гаплашиб қўяман.

— У киши жанобларига ўн иккита беришга рози.

— Йўғе, бу инсофсизлик бўлади. Бу маблағ у ернинг бир ойлик холис ва қонуний даромадининг ярми. Бу ишни амалга ошириш жуда қийин масала. Яхши тушунасизки, мен ўзимга тегадиган ҳиссадан кечиб турибман. Энди сиз ўртага тушганингиз учун, майли, ўттиз саккизта билан ишини битириб берай.

— Ҳожи оғо, у киши рози бўлмас деб қўрқаман. Келинг, йигирматага кўна қолинг!

— Яхши, лекин оғойи Тож-ал-Мутакаллимнинг ҳам худди шу ишни олиш учун ҳаракат қилиб юрганларини яхши биласиз. У киши сиз айтгандан кўра анча кўпроқ беришга розилар. Майли, сиз учун йигирма бешта билан ишини тўғрилаб берай. Лекин шарти бор, бу гал ҳамма маблағни фақат юз туманлик қоғоз пул билан берсинлар, санашга осон бўлади.

— Ҳожи оғо, қулингиз жанобларига ўз миннатдорчилигини қандай қилиб...

Эшик очилиб, «Дубби Акбар» газетасининг мухбирлик лавозимидан масъул котиб мансабига кўтарилган Мазлағоний кириб келди. Унинг ёнида тўладан келган, паст бўйли бир йигит ҳам бор эди. Мазлағоний Ҳожига ва Давом-ул-Вузарога икки букилиб таъзим қилди.

— Бах, бах! Қайси шамол учирди сизни? Ярим соат илгари номингизни яхшилик билан тилга олгандик. Жанобларини кўрмаганимизга ҳам анча вақт бўлди. Оғойи Давом-ул-Вузаро билан танишмисиз?

— Таниш бўлганим учун фахрланаман. Бу киши билан ҳазрати олийлари ҳузурда танишиш шарафига муяссар бўлган бўлсам керак. Рухсат этсангиз, ўзимнинг қадрдон дўстим оғойи Хайзарон Нажодни жаноблари билан таништираман.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Ҳожи чилимни олиб, тортиб кўрди. Унинг олови ўчиб қолганини пайқаб, Муродни чақирди-да, чилимни янгилаб келишни буюрди.

Мазлағоний биринчи бўлиб гапга киришди:

— Қулингиз Хайзарон Нажод жаноблари билан уйингиз ёнидан ўтиб кетаётган эдик. Агар рухсат берсалар, дўстимни яқиндан таништираман: бу киши марҳум Шавкат-ул-Воизиннинг ўғиллари бўладилар. Номларига доғ тушмаган ва озодлик учун курашувчи ёшларимиздан ҳисобланадилар. Ризо шоҳ даврида ёлғон хабарларни тарқатишда айбланиб, қамоқда ётганлар. Бугун уйингиз ёнидан ўтиб кетаётиб, бу киши жанобларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлмасалар, ачинарлик иш бўлур деган фикрда юрак бетлаб кирганимиз эди.

— Жуда яхши қилибсиз,—деди Ҳожи унинг сўзини бўлиб,— қадамларига ҳасанот! Вой, вой...

Мазлағоний ташвишланиб сўради:

— Ҳали ҳам дардлари шифо топгани йўқми?

— Қандай дарди бедавога йўқликдим-а!

— Кулингиз қўлидан келганча сизга ёрдам беришга тайёр.

— Ғоят миннатдорман. Эртага касалхонага ётишим керак.

Давом-ул-Вузаро ўрнидан турди:

— Одам сиз билан суҳбатлашиб тўймайди. Шундай қилиб, мен Силсила-Жунбон билан ҳалиги масала тўғрисида гаплашиб кўраман-да, эртагаёқ ҳузурингизга кираман. Толеимизга ҳамиша омон бўлинг!

Ҳожи Мазлағонийга ўз ёнидан жой кўрсатди. Хайзарон-Нажодга ҳам ўрин бўшади.

— Дунёда нима гаплар бор, оғойи Мазлағоний?

— Ишончлик манбаълардан келган маълумотларга қараганда, руслар немисларнинг ҳаракатини тўхта-тишибди.

— Йўғе, бу ҳаммаси сиёсий тарғибот. Текшириб кўрмай, бундай хабарларга ишониб бўлмайди. Кеча кечаси радиодан эшитдим, ярим расмий манбаъларнинг берган хабарига қараганда, қарийб ҳамма фронтларда жимжитлик эмиш. Балки, бу немисларнинг навбатдаги найрангидир. Кинода мен кўрган қўшинларни ҳатто Салим ва Тур лашкарлари ҳам енга олмайди. Бундай армияни тўхта-тиш руслар ва инглизларга йўл бўлсин!— Ҳожи кулишга уринди-ю, кула олмади.— Дўзахда шундай илонлар бор эмишки, одамлар улардан қочиб қутуламиз деб аждарҳолардан бошпана сўрармишлар. Майли, инглизларни қўяверинг, лекин бу шимолликлар нима демоқчилар? Савдогарларсиз ва сармоясиз ҳам оламнинг чархи айланадими?! Қадимдан буён «Дунё савдогарлар билан обод» дейдилар. Агар савдогарчилик бўлмаса, олди-сотди ётиб қолса, мамлакатнинг иқтисодий базаси вайрон бўлади деган гап эмасми? Оғо, ахир эртадан-кечгача бекордан-бекорга одам ўлдириш ҳам ҳукумат бўлдими? Узингиз ўйланг, тақдир билан ҳам урушиб бўладими?

Насибанга текканидан бермайди кам
Гар олмасанг сўзсиз сенга берар ситам.

Дунё яратилган кундан бошлаб биров очликдан ўлган, биров тўқликдан ёрилган. Келиб кетган ҳамма пайғамбарлар ва донишмандлар ҳам худди шу фикрни тасдиқлаганлар. Жамиятни ўзгартириш мумкин бўлса, демак ўлимнинг олдини олиш ҳам мумкин. Вой, вой... Германия тайин бир мақсад ва олий ҳақиқат учун курашмоқда. Лекин руслар нима мақсад билан

урушяпти, деб сўрайдиган киши топилмайди. «Ишчиларни, болаларни ўлдиришяпти», деб бақирганлари-бақирган. Ана, бориб, менинг деҳқонларимнинг аҳволини кўринг! Мен улар билан жуда яхши муомала қиламан. Мен қилган ҳурматни ҳатто Сталин ўз ишчиларига ҳам қилмайди.— Ҳожи қўлини чўзиб, айвоннинг шифтига ишора қилди.— Қирқ йилдан бери мана шу ўргумчак ини бошим тепасида туради. Лекин бирор марта ҳам Муродга: «Ҳой қўшмачи, ана уни тепамдан олиб ташла», демабман-а! Шундан кейин, ўзингиз айтинг-чи, мен большевикми ёки меҳнаткашлар манфатлари тўғрисида фақат қуруқ дод соладиганларми?

Ҳожи бурнини дастрўмолига қаттиқ қоқиб олгач, вой-войлади-да, яна сўзида давом этди:

— Биласизми, нима учун нарху наво кўтарилиб кетди? Айб бечора савдогарларда эмас, албатта! Ун миллион рус хотинлари ва болалари немисларнинг даҳшатидан қўрқиб, Эрон Озарбайжонига қочиб келибдилар-да, Эрон табааси бўламиз деб илтимос қилибдилар. Лекин, менимча, ҳукуватимиз уларнинг илтимосини бажариши керак эмас. Чунки эртасам, индин немислар келса, биз уларга нима деб жавоб берамиз? Уҳ, вой-вой... бироқ, ташвишланманг, ҳар ҳолда бир неча кундан кейин немислар Техронда бўладилар. Ахир, оламнинг ҳаммасини ёлғон қоплаб олмаган-ку! Утган куни «Эрон арвоҳ ахтарувчилар жамиятида» бўлдим, у ерда арвоҳ чақираётган эканлар. Бир маҳалда Ҳожи Мирзо Оғосининг руҳи келди. У, албатта, ёлғон гапирмайди-ку. «Урушда ким ютиб чиқади?» деб сўрадим. «Шамол Гитлер байроғи томонига эсмоқда», деб жавоб берди. Кўринг, қандай чиройли жумла! Ахир, у йирик сиёсий арбобгина бўлиб қолмай, балки катта адиб ҳам эди-да... Мен фақат бир нарсадан, у ҳам бўлса операцияга ётсам, немисларнинг Техронга кириб келишларини кўролмай қоламан, деб қўрқаман...

— Худо хоҳласа, Гитлернинг оёқлари тагига биргалашиб гулчамбарлар қўямиз!..— деди Мазлағоний уни юпатиб.

Ҳожи Мазлағонийга таҳсин назари билан қараб қўйди.

— Сиз, балки немис қўшинлари чумоли миниб уруш қиляпти, деб ўйларсиз ва уларнинг Қараж кўпригини бузолмаган, большевикларнинг олдини тўсолмаган «туялаштирилган» шаҳаншоҳ қўшинларига ўхшатарсиз?

Вой, вой, вой-ей! Қани, айтинг-чи, мамлакатда аҳвол қандай, бозорларда нима гаплар?

— Баъзи ўзингизга маълум газеталар кеча дори-дармон билан савдо қиладиган кишиларга ҳужум қилибди.

— Оғо, бу газеталар чет эллардан пул олиб ишлайдилар, чет элликлар эса, мамлакатимиз иқтисодига раҳна солмоқчи, бизни хонавайрон қилмоқчи бўладилар. Оғойи Мазлағоний, сизга бир насиҳатим бор: сиз шимолликлардан ўзингизни сал четроқ тутинг! Газетачиларнинг ҳаммасини ҳам виждонли деб бўлмайди. Қани, ўзингиз айтинг-чи, савдогарларда нима айб? Бир чақага майдаси йўқ давлатимизнинг ўзи дори-дармонни «ким ошдига» қўйиб сотади, бу ҳаммага аён. Шундай бўлгач, нима учун ҳамма айбни савдогарнинг бўйнига қўяди? Аслида, сув бошидан лойқа. Ҳукуматимизнинг ўзи ўғрилиқ қилади, халқни талайди, бироқ айбни бошқаларга ағдариб тураверади. Бир тўда қашшоқ гадоваччаларни халқ деб аташади! Унга юраги ачийдиган одам борми? Нима учун фақат савдогарлардан талаб қиладилар? Шу бизнинг қўшнимиз ҳам қўшин бўлдимми? Шу молиямиз ҳам молия бўлдимми? Шу маориф ҳам маорифми? Шу адлия министрлиги ва шунга ўхшаш ташкилотлари бошқа мамлакатларникига ўхшайдими? Туядан: «Нима учун орқага қараб пешоб қиласан?» деб сўрашганда, «Менинг нима бошқаларникига ўхшапти?» деб жавоб берган экан. Улганнынг устига кўмган дегандек, бунинг устига даъво қилишгани кишининг эңсасини қотиради.

Одамлар эса ўтакетган соддалик билан неча йиллардан бери алданиб келмоқдалар. Қизиғи шундаки, бу алдамчи фирибгарлар ўзларини дунёда энг ақлли деб ҳисоблайдилар. Бу ҳам бўлса, шу аҳволда тутиш учун қўлланадиган сиёсатнинг бир туридир. Биздан ҳеч заковатли доҳий чиққанми ўзи? Чиққан доҳиймиз шу аъло ҳазрат Паҳлавийми? Тугма, игна деган нарса нима деган нарса, ҳалигача ишлаб чиқара олмаймиз, лекин Европадан спиртлик ичимликларнинг ҳамма турларини тайёрлашни уч кундаёқ ўрганиб олдик. Ширинроқ сиркага ранг киргизиб, уни шишаларга қуйиб, завқланиб «бах-бах» деймиз. Биз қаллоблик, ўғрилиқ, муттаҳамликни ҳалоллик деб ҳисоблаймиз. Яхшини ёмондан ажратолмаймиз. Мамлакатимизда қандай ҳунар, қандай илм-фан ривожланыпти? Тўғри, докторларимиз оз эмас, лекин қитдек бўлса ҳам ҳаётдан умиди

бор, яшашни истаган одам, сал боши оғриси ҳам, албатта, Европага югуриши керак. Мана, менинг касалимни олинг! Агар бирорта тузукроқ докторимиз бўлганда, дори бериб, мени тузатиб юборарди. Шунча докторларга қаратдим, шунча укол қилдирдим, бўлмади. Мана, энди эртага касалхонага бориб, қандайдир қасобнинг пичоғи остига ётишим керак. Нефть устида жанжал чиққан вақтда, ўзимизда шунча ҳуқуқ фахлари доктори бўла туриб, чет эл маслаҳатчиларига мурожаат қилибмиз. Ҳамиша халқимиз ўзини савалатиб туриш учун бир зўравоннинг пайдо бўлишини кутиб ўтиради. Неча марта кўчаларга дарахт экиб, қурутдик. Неча марта европаликларга тақлид қилдик, лекин ҳеч нарса чиқмади. Худо раҳмати Шоҳи шаҳид давридан бери Европага студент юборамиз, натижасини, мана, ўзингиз кўриб турибсиз. Мана, Японияни кўринг! Биз ўйлаган нарсаларни амалга оширишга анча кейин киришган эди. Ҳозир шундай илғор ва қудратли бўлиб кетдики, унга бирор кимса чурқ этиб оғиз оча олмайди! Вой, вой...

Ҳожи дастрўмолини олиб бурнини қаттиқ қоқди-да, сўзида давом этди:

— Бу мамлакатга мозор тупроғини олиб келиб сочганларми, билмайман! Кишилар демократия жорий қилингандан кейин, барча газеталар ахлоқнинг бузилиб кетаётгани, диктатуранинг зарарлари тўғрисида ёзади, тинчликка, дин ва урф-одатларни қўллашга ташвиқ қилади деб кутган эди. Ҳозир эса газеталарнинг саҳифаларида тартибсизлик, чет элликлар фойдасига фитналар уюштириш чақириқлари билан тўлиб чиқади. Албатта, ҳақ сўз аччиқ бўлади, лекин эътироф этиш керакки, ирқимиз тагидан чирий бошлади. Ҳозир бизда на илм ва на ҳунар бор! Ахир, энг ширин овқати калла-почадан иборат бўлган халқдан нимани кутиш мумкин? Ҳаво, ер-сувларимиз касофат ва хилтлар билан тўлиб кетган. Сўзларимга ишонинг! Биз дунёнинг энг чуқур ўраларидан бирида яшамоқдамиз ва қурт каби бир-биримизнинг устимизда ўрмалаб юрибмиз. Ҳукумат бошлиқларининг ҳаммаси ўғри, муттаҳам ва порахўр... Энди яна нималарни кутиб ўтирибсиз? Уҳ вой, вой... Илгариги аъёнлар тагли-тахтлик одамлар эди. Улар ўз ер-сувларига қизиқардилар, ватанларига содиқ эдилар. Ҳозир бўлса-чи, ҳар қандай енгилтак маҳмадона одам халқни тузукроқ талаш, бойиб олгач, чет эл-

га бориб айш-ишрат, кайф-сафо қилиш учун депутатлик лавозимини эгаллашга ҳаракат қилади!..

Хайзарон Наждо гапга аралашди:

— Ҳожи оғо, буларнинг ҳаммасига ўзимиз сабабчимиз. Ўзимиз кўра-била туриб ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаймиз. Худди мана шу бизнинг совуққонлик билан қарашимиз ҳар қандай фойдали ишнинг амалга оширилишига ғов бўлиб турибди. Ҳар ким «менга нима» дейди. Ҳар кимса шу тўполонда «оч қолмайлик» баҳонаси билан талашга, бойишга уринади. Ҳамма ўз жигилдонини тўлдириш билан овора бўлиб, ҳеч ким асосий ислохотлар ўтказишга қизиқмайди. Ақлли одамларнинг айтишича, дунёнинг ҳеч қайси бурчагида биздагидек қуроқ каби ола-булалик ва тартибсизлик йўқ экан. Бир томонда, бармоқ билан санаш мумкин бўлган бир гуруҳ кишилар ўзларига техниканинг сўнгги ютуқларига асосланиб, томи кўкка етадиган ҳашаматли қасрлар қуриб олаётган, ҳатто ўз таҳоратхоналари учун қоғозни Нью-Йоркдан олиб келтираётган бўлсалар, иккинчи томонда, кўпчилик халқ камбағал, очяланғоч, тарихдан илгариги даврдаги шароитда яшамокда. Европа давлатлари ўзининг вужудга келган кунидеяқ обод бўлган эмас-ку? Ёки Европа халқи ўшанинг йил илгари яшагандек яшайдими? Наҳотки, Эроннинг бутун тарихида бирорта ҳам тузукроқ истеъдодли одам бўлмаган бўлса? Йўқ, европаликларнинг ҳукумат арбоблари ҳамма нарсага қизиқадиغان, мамлакат фаровонлиги учун жон куйдирадиган одамлар бўлганлар. Биз бўлсак, асрлар давомида ўғрилик, жосуслик ва муттаҳамгарчилик билан шуғулландик, уч пулга қиммат гаплар сотдик, халқимиз эса фақирликда ва ваҳимада яшаб келди, ҳали ҳам шу аҳволда яшамокда. Бу бахтсизликларда халқимиз айбдорми? Ҳар бир халққа мураббий керак, йўлбошчи керак. Бир вақтлар Ашраф Афғон келиб, эсини йўқотиб, довдираб қолган халқни юзта-юзта қилиб, дами тигдан ўтказган, халқ «чурқ» этолмаган. Лекин Нодирга ўхшаган одам пайдо бўлиб, худди ўша халқ билан Ҳиндистонни фатҳ қилган эмасми? Мен зўравонларга ёки мустабидларга сажда қилиш керак, демоқчи эмасман! Ҳар давр ўзига хос нар сани талаб қилади. Бизга ажнабий давлатларнинг сиёсий қуроли бўлиб хизмат қилган Ризо шоҳга ўхшаган шахслар керак эмас, албатта. Ишимизнинг пачавалигига сабаб — раҳбаримиз ярамас ва сотқин. Бизнинг ташқи сиёсатимиз ўз қўлимиз билан ўзимизнинг

бошимизга муштлайди! Давлат бошлиғи ўғрилик қилгандан кейин, депутат, министр, идора раиси ва полиция жим ўтирадимиз, у ҳам ўғрилик қилади-да! Шундай бўлгач, қандайдир Машади Ҳасан боққол сасиб қолган меваларини арзон баҳога сотишни истамай, уни ташлаб юборса, ҳеч ажабланмасак ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси занжирнинг халқалари каби бир-бирига боғлиқ. Ё тузумни тубдан ўзгартириб, ислохотлар қилиш керак, ёки ҳомиладор хотинлар, етим-есирлар, камбағаллар учун садақа йиғишнинг ғамини ейиш керак,— бу эса ўтакетган шармандалиқдир! Ҳолва деган билан оғиз чучимайди! Ё оламдаги барча давлатлар сингари туб ўзгартиришларни амалга ошириб, бирор-та натижага эришайлик, ёки бўлмаса шармандалиқ билан ҳалок бўлайлик. Мен мавжуд шароитда инқилоб қилишдан бошқа чорани кўз олдимга келтира олмайман.

Ҳожи йўталиб олиб, пешонасида пайдо бўлган терларини артди:

— Кечирасиз, мен озгина муболаға қилиб юборибман. Шахсан мен революцияга қаршиман. Бу нотўғри йўл — қон тўкиш йўли. Биз аста-секин, яъни эволюция йўли билан олға юришни хоҳлаймиз.

— Биз ҳозир транзитив даврни кечиряпмиз, сўнгра эволюция даврига ўтамиз, деган сафсаталар сотилмоқда,— деди Хайзарон Нажод Ҳожи оғонинг гапига жазобан.— Бу охири кўринмайдиган давр қандай давр ўзи? Минг йилдан бери айлашиб, шу даврдан чиқиб кета олмаймиз. Кўп жиҳатдан биздан орқада қолган мамлакатларни ҳозир бориб, мамлакатимиз билан солиштириб боқинг! Улар ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан орқада эдилар. Энди улар бизга дарс берсалар бўлади. Бизни ҳар хил ширин сўзлар, иборалар билан аллалаб келдилар. Бутун умримиз бўйи ҳамма имтиҳонларни ўтдик — зулмни ҳам, конституцияни ҳам, озодликни ҳам, диктатурани ҳам кўрдик. Натижасини, мана, ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳеч иккиланмай, давлатимизни идора қилишга лойиқ одам йўқ дейиш мумкин. Ҳаммаси ҳам имтиҳондан ўтди. Шунинг учун ҳам аминманки, қон тўкиш ва қирғин бўлмай иложи йўқ. Майли, ҳўлу қуруқ баравар ёнсин! Неча юз йиллар давомида бизда битта ҳам ҳақиқий уруш ёки миллий инқилоб бўлгани йўқ. Халқ зулм ва диктатура товоқлари остида эзилиб, янчилиб келди, ўз мустақиллигини йўқотди. Одамлар ўз жонларини жуда эҳтиётлаб

сақлайдилар, қон рангини кўришлари биланоқ юрак-лари қинидан чиқиб кетади. Ваҳолонки, минг-минглаб одам ҳар куни қон чиқармай жон беради. Ҳозир халқ секин-аста ўлишга маҳкум этилган экан, лоақал унга бир қўзғалиб олиш учун рухсат бериш керак. Балки, шу билан у шўрлик ўз хўжайинларининг зулмини йўқотиб, тақдирини ўзи ҳал қилар. Одам бебахт бўлмагунча бахтнинг қадрига етмайди!

Ҳожининг қовоқлари солинди:

— Чет элликлар ёрдами ва уларнинг қўллаб-қўлтиқлашлари билан бўлган инқилоб қандай натижалар бериши мумкин?

— Дунёда бўлиб ўтган ҳамма инқилоблар фақат ўз кучига таяниб бўлмаган. Оч-яланғоч халқда қандай мудофаа қилиш воситалари бўлиши мумкин? Бутун куч ва бойликлар ҳоким синф қўлидадир, у еган овқатини бемалол ҳазм қилиш учун халқни қул қилишга ва уни итоатда тутишга ҳаракат қилади. Халқ ҳам ўз навбатида, аҳволини текшириб кўриб, ўз фойда-зиёнини ҳисобга олиб, бирор-бир ёрдам топишнинг ҳаракатига тушади. Масалан, Америка озодлик учун курашида Франциядан, Франция эса Англиядан ёрдам олди... Бу бизнинг ҳукумат доираларимиз ўзларининг ҳамма томондан шу вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини биламиз. Агар халқимиз ўғри, ҳаммол ва каллакесар бўлса — демак, у ўз ҳукумат арбобларининг таълим-тарбияси орқасида шу аҳволга тушган. Халқ устидан ҳукмронлик қилиб турган бу давлат арбобларининг эса улардан ҳеч ортиқча жойлари йўқ. Уларни ё ҳозироқ улоқтириб ташлаш керак, ёки ҳеч қачон.

Ҳожининг қош-қовоғи бадтар солиниб кетди:

— Оғойи Хайзарон Нажод! Жуда олдинга чопиб кетиб қолдингиз-ку! Сизга нисбатан ҳурматим ва муҳаббатим баланд. Сиз ҳали ёшсиз, қонингиз қизғин, Мен ҳам бир вақтлар шу гапларни гапирганман. Ўзим ҳам инқилоб фарзандиман. Конституция учун кураш вақтида инқилобчиларнинг раҳбарларидан бири эдим. Сатторхон ва Боқирхонларни Техронга бошлаб келган ким? Менман. Мен озодлик ва демократия учун кураш фарзандиман. Лекин энди фикрларим ўзгариб, ҳар ишда эҳтиёт бўлиш керак экан, деб ўйлаб қолдим. Мана, Россия инқилоб қилиб нима бўлди — халқи қирилиб битди. Гитлер келиб, унинг ҳамма ерларини босиб олди, энди эса ўз мустақиллигини йўқотади. Ризо шоҳ даврида ҳам ўзига яраша инқилоб бўлиб ўтди. Инқи-

лобнинг шохи билан думи йўқки, бир-бировидан фарқ қилса. Уша бўлган инқилоб Эрон халқига нима берди? Вой, вой.— Ҳожи гапни бошқа ёққа бурди:— Ҳа, айтгандай, мени кечирасиз, бу ярамас касал жуда ҳофизамнинг мазасини қочириб қўйди. Ҳозирги замоннинг ёш ва истеъдодли шоирларидан бўлмиш оғойи Мўноди-ул-Ҳақ билан танишинг. Бу киши кўп нухали «Дубби Акбар» газетасининг масъул котиби оғойи Мазлағоний бўладилар. Бу киши эса, ҳозиргина танишиш шарафига муяссар бўлганимиз оғойи Хайзарон Нажд бўладилар.

Мудраб ўтирган Мўноди-ул-Ҳақ сесканиб ўзига келди. Мазлағоний ўрнидан туриб, Мўноди-ул-Ҳаққа таъзим қилди.

— Бу кишининг тўғриларида жуда кўп яхши гаплар эшитганман. Лекин шунчалик оддий ва ўзларини панага олиб юрадиган киши эканларки, худди Семурғ ва Ҳумо қушларига ўхшаб, номларини кўп эшитардик-ку, лекин ўзларини ҳеч кўришга муяссар бўлмаган эдик. Билмайман, Ҳожи оғо қандай афсунлар билан бу кишини ўзларига асир қилиб олдилар. Сиз билан учрашганимиз учун ўзимизни бахтлиқ ҳисоблаймиз. Оғойи Мўноди-ул-Ҳақ, сизнинг қандай янги асарларингиз бор? Агар бемалол бўлса, ўз асарларингиз билан газетамиз саҳифаларини безатсангиз!

— Бирорта ҳам арзигулик нарсам йўқ,— жавоб берди Мўноди-ул-Ҳақ.

— Бугун мен бу кишини муҳим бир иш билан ҳузуримга чақиртирган эдим. Лекин гаплашиш учун ҳозирча фурсат топа олмай турибман,— деди Ҳожи Мазлағонийга қараб.

— Жанобларининг суҳбатларини жуда мириқиб эшитдим.

— Оғойи Мазлағоний, сизга бир маслаҳатим бор. Вой, вой... Гафлатда қолмай, бу кишининг шеърларини газетангизда тез-тез босиб туринг! Менинг бир ўткир расом танишим ҳам бор. У кишининг исмлари оғойи Заррин Чангол бўлиб, феъли-атворлари оғойи Мўноди-ул-Ҳаққа жуда ўхшайди. У киши ҳам одамлар орасида жуда кам кўринадилар. Уша киши менинг портретимни чизибдилар, ўзимга жуда ўхшайди. Сиз ўша кишининг хизматидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Мазлағоний голиблар сингари қўлини юқорига кўтарди.

— Қулингизда бир таклиф бор: ҳазратларининг ўша суратларини «Дубби Акбар» газетасида босиб чиқарсак ва сайлов муносабати билан «Демократия отаси» деган сарлавҳа остида сизнинг таржимаи ҳолингизни газетанинг биринчи саҳифасига жойлаштирсак.

— Оғойи Мазлағоний, мени жуда хижолатда қолдиряпсиз.

— Йўғ-е, қулингиз чин қалбдан гапиряпти. Ахир, халқ ўз даҳоларини билиши керак-да! Мен фақат сизнинг фикрингизни билгани келиб эдим. Бундан ташқари, жаноблари айтган эълонни ёзиб, тайёрлаб қўйдим. Ҳозир ўқиб бераман. Агар жанобларига ёқса, шундайлигича босиб чиқараман.— У ёнидан бир парча қоғозни олиб, ўқий бошлади:— «Оғойи Ҳожи Абу Тароб Эроннинг энг олийнасаб хонадонларидан чиққанлар, жуда мўмин-қобил ва тақводор бўлиб тарбияланганлар, у кишининг жамият учун ва озодлик йўлида қилган фидокорона хизматлари ҳаммага маълум ва машҳурдир. У киши сон-саноқсиз ватанпарварлар ва озодлик тарафдорларининг илтимосига кўра, ўз номзодларини кўрсатишга розилик берганлар. Ҳожи оғо ободончилик ишларини ривожлантириш мақсадида, биринчи қулай фурсатда Чаҳордаҳ Маъсум йўлини ўз ватандошлари учун асфальт қилиб бериш мажбуриятини олдилар. Бутун виёлилар ва озодлик тарафдорларини у киши учун овоз беришга даъват этамиз. Шу муносабат билан Чаҳордаҳ Маъсум кўчасини асфальт қилиш учун тўпланган пулларни Миллий банкнинг... номерли ҳисобига юборилсин, деб сўралади».

Ҳожи эриб кетди.

— Жанобларига миннатдорчилик билдиришга тилим ожизлик қилади. Қалам ўз кучини худди шундай пайтларда кўрсатади-да. Сизнинг ёзиш услубингиз отам раҳматликнинг дўсти Қойим Гарусийнинг услубига жуда ўхшаб кетади.

— Қулингизнинг вужуди муборагингиздан бир илтимоси бор эди.

— Марҳамат, бош устига, қани, айтинг,—деди Ҳожи шубҳага тушиб.

— Сиз ўз қулингизнинг ниятлари холислигига ва унинг садоқатига ишонч ҳосил қилгансиз. Агар мумкин бўлса, шундай бир кичкина илтимосим бор эди: жаноблари муҳтарам ташқи ишлар министри билан Вашингтондаги,— Ҳожи «Вашингтон» сўзининг нима-лигини билмай қолмасин деб қўрқиб изоҳ берди,—

яғни янги оламдағи Эрон элчихонасининг махсус элчиси қилиб мени тайинлаш тўғрисида гаплашиб кўрсалар. Албатта, ҳукумат бошлиқларининг менга билдирган ишончларини оқлашга тиришаман.

Ҳожи мендан пул-мул сўрармикин деб қўрқиб турган эди. Лекин унинг бу илтимосини эшитиб, кўнгли бир оз жойига тушди.

— Марҳамат, марҳамат. Сиз мендан ҳар қандай илтимос қилсангиз ҳаққингиз бор. «Махсус элчи». Бу Фарҳангистоннинг¹ янги сўзларидан бўлмасин? Гарчи ўзим Фарҳангистоннинг аъзоси бўлсам ҳам, шундай сўзларни айтишга тилим келишмайди ва маъносини ҳам тушунмайман. Биттаю битта бузилмаган тилимиз қолган эди, сиёсат уни ҳам бузди. Ҳар ҳолда, мен унга яхши тушунмайман. Янги имомнинг элчиси деяписизми? Уҳ, уҳ...

— Йўғ-е, тақсир! Американинг Вашингтон шаҳридаги Эрон элчихонасида ҳеч қандай масъулияти бўлмаган кичик бир вазифа.

Ҳожи бурнини қаттиқ қоқди.

— Мен бу ишни сизга тавсия қилмайман. Сиз ўз мухбирлик тажрибангиз ва илмингиз билан жуда бўлмаганда, маориф министри ё элчи бўлишингиз мумкин. Шунда ҳар қандай масъулиятдан холи бўласиз. Масъулият ўзи нима? Сиз шу жамиятнинг аъзосимисиз ўзи? Сиз Эрон элчисининг оғзига келган сўзларини гапириш, ёлғондақаси кулиш, таъзим қилиш, ширин сўзлар айтиш, кечалар ва меҳмондорчиликларга қатнашиш, иш кўплигидан, об-ҳавонинг ёмонлигидан нолиш, чет элларнинг ҳукумат арбоблари билан ҳар хил ишларни битириш, чет элларда яшайдиган эронликларнинг ишини мушуқлаштириш, паспорт ва гражданлик ҳужжатлари билан чайқовчилик қилиш ва молларни яшириқча сотиш йўли билан олиб-сотишдан бошқа масъулият ҳам бор деб ўйлайсиз, шекилли?

— Ростини айтсам, қулингиз шуҳратпараст эмас. Америкада мухбирлик йўли билан топган беш-ўн танга пулим бўлгани учун жанобларининг паноҳларида эрон гиламлари билан савдо қилсам деган фикрда эдим. Бу иш ўзимизнинг миллий саноатимизни Америкада ҳам тарғиб қилиш учун анча ёрдам берган бўларди. Ҳозир мен катталар мактабида инглиз тилини ўрганяпман. Мақсадим, сафар харажатларидан қутулиш ва

¹ Фарҳангистон — Эрон тил ва адабиёт академияси.

ҳалиги беш-ўн танга йиққан пулимни ҳам унча-мунча порага бериб йўқ қилиб юбормаслик. Шунинг учун ишга тайинлаш тўғрисида расмий рухсат ва дипломатик паспорт олишим керак.

— Фикрингиз жуда тўғри. Сизнинг ҳақиқатан ҳам ишнинг кўзини биладиган одам эканлигингизга энди тўла ишондим. Хотиржам бўлинг, қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Уҳ, вой.. Лекин Америкага бормоқчи бўлсангиз, сизга инглиз тилини ўрганишнинг нима кераги бор?

— Йўлда керак бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Америка тилини эса жуда яхши биламан.

— Баракалла, баракалла! Қутлайман, ҳаётнинг маъносига яхши тушунган экансиз. Энди ёш авлодга умидвор бўлсам, янглишмайман. Агар менда бошқа ишингиз бўлмаса, эсимдан чиқиб қолмаслиги учун ҳалиги шаҳарнинг номини бир қоғозга ёзиб, менга бериб кетинг. Эртага, агар докторнинг қўлидан соғ чиқсам, ҳамма ишларингизни бажаришга ҳаракат қиламан. Балки, мен шу касалимни деб Америкага сафар қилишга мажбур бўлиб қоларман. Умримиз бекорга ўтиб кетди. Келинг, бу тўғрида бошқа гапирмайлик! Мамлакатимиз шу ҳолда узоққа бора олмайди. Унинг ёғини биздан илгари еб кетишган. Унинг жанозасини ўқишга биздан бошқалар топилади. Шеърга ишқибозлик, қорадори ейиш, хаёлпарастлик, мақола ёзиш, инқилобий фикрлар, шовқин-суронлар бизни шу ҳолга тушиб қолишимизга сабаб бўлган. Бизга ҳозир ишнинг кўзини биладиган одамлар керак. Қайси бир эронликни ушлаб, ёнини кавлама, ёнидан Буг Алишоҳнинг фикрларини изоҳлаган шеър чиқади. Оғо, бизнинг ишимизни тамом бўлди деб ҳисоблай беринг. Агар менинг ҳам ёшим сизнинг ёшингизда бўлганда, аллақачон бошқа мамлакатларга кетиб қолган бўлардим. Турмуш хархашалари мени шу ерда қолиб кетишимга мажбур қилди. Бу ер ақл ва истеъдод қабристонидир. Лоақал дунёни кўриб қолинг. Бу ҳам ғанимат!

Ҳожи охирги сўзларини чуқур қайғу билан айтди, кейин у жилеткасининг чўнтагидан катта олтин соатини чиқариб, унга қаради:

— Мурод!

Мурод йўлакдан югуриб чиқди:

— Лаббай, тақсир?!

— Ҳозир Ҳужжат-уш-Шарияни чақириб кел. Заурур ишим бор. Қаерда бўлмасин, топиб кел!

— Хўп, тақсир!

Мурод шошганича чиқиб кетди. Мазлағоний Ҳожига бир варақ қоғоз берди-да, Хайзарон Наход билан ўрниларидан туришди:

— Ижозат берсангиз!

— Тақсир, менинг сизга муҳаббатим зўр. Ҳалиги масала ҳал бўлади. Хотирингиз жам бўлсин. Банкнинг ҳисоб номерини сизга телефон орқали айтарман.

— Сизнинг сояи олийингизни худб бизнинг бошимиздан кам қилмасин. Сизни яна кўриш шарафига мурассар бўлурмиз деб умид қиламан.

Улар чиқиб кетдилар. Ҳожи ўрнидан ярим туриб, яна жойига ўтирди. У чарчоқ ва безовта кўринарди.

— Ого, кечирасиз,— деди у Мўноди-ул-Ҳаққа қараб.— Узингиз кўриб турибсиз, бир ўзимга қанча ташвиш. Вой, вой-ей... Агар рухсат берсангиз, сиздан бир маслаҳат олмоқчи эдим. Эшитишимга қараганда, сиз жуда чиройли қасидалар ёзар эмишсиз.

— Қулингиз умрида ҳеч қасида ёзган эмас.

— Йўқ, мен умуман шеър демоқчи эдим. Қасида билан шеърнинг нима фарқи бор? Сизга маълумки, мен барча адабий тўғаракларнинг аъзосиман. Мен умримни илм ва адабиётни ўрганишга сарф этганман. Мен охунд Мулла Козим қўлида Жоме Аббосийни мутолаа қилганман, Мулла Жаъфарда ҳам ўқиганман. Менимча, дунёда Қоонийдан бўлак йирикроқ шоир ўтмаган бўлса керак. Агар вақт топганимда эди, ўн девон шеър ёзиб ташлаган бўлардим. Лекин ҳозирги кунда бундай кўнгил очишлар юракка сифмайди. Ҳар хил ташвишлар, бунинг устига мана бу касаллик орқасида, вой, вой... шеър ёза олмасман деб ўйлайман. Иккинчидан, яқинда бўладиган адабий мажлислардан бирида ўзимнинг «демократия»га атаб ёзган қасидамни ўқиб беришга ваъда берган эдим. Шунинг учун сиздан бир илтимосим бор: иложи бўлса, жаноблари «демократия» ҳақида бир шеърга ўхшаган нарса ёзиб берсалар. Албатта, бу хизматингизни эсдан чиқармайман ва сизни адабий жамиятларга яхшилаб таништириб қўяман. Биласизми, ҳозирги кунларда демократия мода бўлган. Бир вақтлар шоирлар шоҳлар, аслзодалар ва машҳур кишиларни мадҳ қилардилар. Бир вақтларда менга бағишлаб ҳам кўп шоирлар шеърлар ёзишган. Балки қаламингизни шу жиҳатдан ҳам синаб кўрган бўлсангиз керак. Энди бўлса, мода ўзгарган. Албатта, шеър ҳам ҳаётни тасвир этишнинг бир тури. Мен демоқчи-

манки, ҳозир биз шоирларга эмас, сувга олиб бориб, суғормаи келадиган уддабурон ишчан одамларга муҳтожмиз. Аммо расмият учун қасидагўйлик ҳам ёмон нарса эмас. Айниқса, сайлов олдида бундай қасидалар ёғдек ёқади. Шунинг учун мен сиз билан холис гаплашмоқчи эдим. Албатта, меҳпатингиз ажирсиз қолмайди.

— Менимча, аллақандай англашилмовчилик бўляпти. Сиз айтган шеърларни ёзиш менинг қўлимдан келмайди.

— Йўғ-е, сиз камтарлик қиляпсиз! Сиз учун бу иш эмас. Ҳозирги замон шоирларининг кўплари менга таниш. Улар оғзимдан чиқмасданоқ, ёзиб беришади. Лекин сизнинг истеъдодингизни топиш ва ёрдамга муҳтож эканлигингизни билганимдан сизга мурожаат қилган эдим.

— Сиз янглишяпсиз. Ошна-оғайни топиш ва ўзимни кўрсатишга эҳтиёжим йўқ. Шу вақтгача мен бирор одамдан садақа сўраган эмасман. Сизнингча, шеър бемаъни, ҳатто зарарли нарса, шоир эса бир гадо. Сиз учун ўғрилар, ўғриларнинг ҳимоячилари, йўлтўсар қароқчилар, босқинчилар ақлли бўлиб, уларнинг ишлари жамият учун фойдалидир.

Бундай жавобни кутмаган Ҳожи ўрнидан сакраб туриб кетди-да, тили тутилиб қолди:

— Сиз ҳам... шу жамиятнинг аъзоси ёки бетоле ўғрилардан...

Мўноди-ул-Ҳақ унинг сўзини бўлди:

— Тўғри айтасиз. Бу муҳит — паст, разил, аҳмоқларнигина тарбиялайдиган, бузуқиларнинг боши силанадиган лаганбардорлар муҳитидир. Сиз эсангиз унинг энг кўзга кўринган намояндасисиз ва сиз ҳаётни хасислигингиз, тамаъгирлигингиз, разиллигингиз ва аҳмоқлигингиз билан ўзингизга бўйсундириб олгансиз ва шу ҳаётни яна ҳимоя ҳам қиласиз. Мен сиз ва сизга ўхшаганларнинг ҳаётига мослаштирилган жамиятда фойдали киши бўла олмайман. Мен бундай жамиятда тамоман ортиқча одамман. Чунки сизнинг шоирларингиз ҳам ўзингизга ўхшаган бўлишлари керак. Лекин бу, сизнинг иборангиз билан айтганда, бўшлиқда, яъни ҳамма нарса ўғрилар, фирибгарлар, жосуслар қаричи билан ўлчанадиган чуқурликда менга ўхшаган кишиларнинг ҳеч кераги йўқлиги билан фахрланаман. Бу қоронғи чуқурликда майшат қилишга ва семириб юришга сизларнинг ҳаққингиз бор. Бу чуқурлик сизлар учун

қимматлидир. Аммо мен сизга ўхшаганлардан чиқаётган сассиқ ҳиддан бўғилиб ўлишга маҳкумман. Қани, айтинг-чи, шоирлар гадолик ва тамаъгирлик қиладиларми ёки жамият орқасидан юриб, уларни алдаб, фирибгарлик билан улардан садақа йиғиб оладиган сизларми?

Ҳожи ҳафсаласизлик билан уни тўхтатмоқчи бўлди.

— Келинг, қўйинг энди, бас қилинг! Осмон узилиб ерга тушдимиз, ёки биз худога шак келтиряпмизми? Шеър одамларга нон ҳам, сув ҳам бўлмайди. Эртадан кечгача ўғриларни мақтаб, уларни чиқариб шеър ўқиб, бир танга, икки танга хайр қилармикин деб эшиклари тагида бўйнингизни эгиб, кутиб ўтирасиз.— Ҳожи шундай деганига пушаймон бўлди.— Рухсат беринг, мен демоқчиманки...

— Сиз ўзингизга ўхшаган пасткаш, разил шоирларни айтмоқчисиз,— деди у Ҳожини гапиришга қўймай.— Шеър ва шоирларга баҳо бериш сизнинг ишингиз эмас. Овқат еб кекириб, ўғрилик қилиб ухлаб, сўнгра тухум қўйиб кетадиган, ўлгач, кишиларнинг эсларидан чиқиб кетадиган, аҳмоқ мавжудотлар сиз ва сизга ўхшаганлар эмасми? Ҳозир ҳам номингиз ўчиб кетишидан қўрққанингиздан жамиятда бир мансабни эгаллаб олишга ҳаракат қиляпсиз. Еб, ухлаб, ўғрилик қилиб, тухум қўйиб, кейин номи ўчиб кетган карвонларни оқлаш, улар қолдириб кетган ҳаромзодаларга яшаш ҳуқуқи берадиган бир-иккита одам пайдо бўлиши учун мингларча авлодлар келиб кетиши керак. Башарият ўғри, қароқчи ва золимларни ахтармайди. Чунки инсоният ўз ҳаётининг маъноли бўлиши учун яшайди. Сизга ўхшаган миллионларча кишининг яшадини оқлаш учун битта Фирдавсийнинг ўзи кифоя қилади. Сиз истасангиз, истамасангиз, сизнинг ҳаётингизга Фирдавсий каби кишилар маъно беради. Сиз шундай кишилар билан фахрланасиз. Лекин ҳозир бу мамлакатдан илм, ҳунар ва маданият кўчини кўтариб кетган бир пайтда фақат ўғрилар, жосуслар ва паст кишилар бу ҳаётга маъно бериб турибди.

Эй Ҳумо, мушарраф соялгин ҳаргиз
Зогдан тўти арзон днёрга солма!

Сиз халқни сўкишда бир қадар ҳақлисиз, лекин ўзингиз унинг кийимини ечиб оласиз. Халқ оёққа тургудек бўлса, сизга ўхшаганларни янчиб ташларди.

Ўз тақдирини разил кишилар қўлига топшириб қўйган халқ...

Ваҳимага тушган Ҳожи, ниҳоят, эсини йиғиб олди.

— Оғзингга қараб гапир. Менга бундай бемаъни гапларни гапиришга қандай журъат қилдинг? Ит тумшугини денгизга тикқани билан суви ҳаром бўлиб қолмайди. Етмиш йилдан бери шу маҳалла мени танийди. Одамлар менга ишониб, омонатларини топширадилар. Ҳатто ўз хотинларини менга ишониб ташлаб кетадилар-а! Шу вақтгача бир киши...

— Тўғри, етмиш йилдан бери уларни алдайсиз, талдайсиз ва масхаралаб куласиз. Сўнгра ўғирланган пулларни ҳалоллаб олиш учун Қаъбанинг қори тоши атрофида ҳакачоқлаб айланасиз, еттига тош ташлаб, қурбонлиққа қўй сўясиз. Ана, сизнинг фидокорлигингиз! Ҳа, айтгандек, биласизми, одамлар пулларини нима учун сизга бериб қўядилар? Пул пулни етаклаб келиши учунми? Йўқ, албатта!— Бирдан сансирашга ўтиб.— Сен эрталаб азонда туриб, ўргимчакка ўхшаб уя қурасан, ўғри, қароқчи ва ўғрича мол сотувчиларни ўз томонингга тортасан. Сенинг ҳунаринг алдамчилик, муттаҳамликдир. Сен шу ишингни ҳар доим давом этдиравераман деб ўйларсан?— Мўноди-ул-Ҳақ заҳарханда қилди.— Йўқ, янглишасан. Агар, лоақал яна бир авлоднинг тақдири сенларга ўхшаган кишиларнинг қўлига топшириб қўйилса, халқ ҳалок бўлди, деявер. Агар ўз атрофингни хитой девори билан ўраб олсанг ҳам, барибир дунё жуда тезлик билан ўзгараверади, Сенлар каклик сингари бошларингни қор тагига яширасанлар. Борди-ю, биз ҳақимизни таниб, яшаш ҳуқуқимиз борлигини кўрсатмасак, бизнинг ўрнимизни бошқалар осонлик билан эгаллайдилар. У вақтда, Ҳожи оғо, жону молинг билан хайрлашавер, ўйлама, у вақтда фақат сен эмас, балки бутун уруғ-аймоғинг, наслнасабинг билан бирга бошқалар учун қазиган гўрингга кўмиласан. Ҳатто пулларингни йиғиб, чет элларга қочиб кетсанг ҳам қутулмайсан. Ҳозирча одамлар сенинг башарангга кулиб қарайдилар. Лекин эртага-чи, эртага сенинг қисматинг башарангга туфланган тупукларни артиш ва елкангга тушадиган муштларга чидаш бўлади. Шунда сен бели синган мушук боладек судралиб юрасан. Расвогарчилигинг ҳам ўзинг ва авлодларинг орқасидан судралади.

— Шундай дейишга уялмайсанми, беҳаё? Жим бўл!

— Одам Ҳожи оғога ўхшаш кишилар яшайдиган

ҳожатхона тепасида ўтирса, у ерда учиб юрган пашша-лардан уялмайди. Сенинг аҳволингга тушмаган одам-лар ҳурматга сазовордир.

Ҳожи ўпкадек қизариб кетди:

— Марҳум отамнинг тупроғи билан қасамёд эта-ман, агар Шоҳи шаҳид замони бўлганда... уҳ, уҳ-ҳ...

— Отанг ҳам сенга ўхшаш ўғри эди. Одамзод дунё-га яланғоч келиб, шундайлигича кетади. Ким пул тўп-лаган бўлса, ё ўғри бўлади, ёки ўғрининг меросхўри бўлади. Лекин сен икки марта ўғрисан!

Ҳожининг кўзларига қон тўлди:

— Демократиянинг зарарини, мана, энди тушуна бошладим. Ризо шоҳ даври хўп давр экан, молимиз ҳам, жонимиз ҳам омонда эди. Йўқол, кўзимга кўринма, беҳаё бола!.. Вой, вой...

Мўноди-ул-Ҳақнинг товуши титради:

— Учир овозингни, касофат халтаси! Бутун фикру зикринг ҳожатхонада, ошхонада ва кўрпа-ёстикда-ю, яна сен халқнинг намояндаси бўлиб, уни бадтарроқ қора тупроққа қормоқчисан. Келажакдаги одамларга ҳам ўз ифлос турмушингни қолдирмоқ учун ўзингга ўхшаган кишиларни тайёрлаш ҳаракатида юрибсан. Худди ўзингга ўхшаб, муттаҳамлик, беҳаёлик билан одамларни алдаб пулини олиб ўтирсан, деб бирор одамни яна шу айвонда ўзингдан кейин қолдириб кет-моқчисан. Сенинг тирик юришинг башарият учун ҳа-қоратдир. Шеъринг маънисини билишингнинг кераги йўқ. Унинг маънисига тушунганигда жуда ғалати иш бўларди. Сен умрингда гўзаллик нималигини билма-гансан ва уни ҳеч нимада кўрмагансан, агар кўрган бўлсанг ҳам, унга ақлинг етмаган. Сени бирорта ҳам манзара ўзига жалб қилмаган, бирорта ҳам чиройли чеҳра ёки мафтун қиладиган музыка ўзига тортмаган, ҳеч қандай чиройли сўз ва олий фикр ҳеч қачон юра-гингга таъсир қилмаган. Сен фақат қорнингнинг кўли бўлиб, уни кўтариб юрасан. Сен ҳозир шу ифлос тур-мушингни чўзмоқчисан. Сен қуртдан ва чўчқадан ҳам ифлоссан, ифлосликни она сутинг билан қўшиб эмган-сан. Қайси бир чўчқа молу жонини ва ўзини ўйинчоқ қилиб, бошқаларнинг пулини ўғрилаб, уларнинг овқа-ти ва дори-дармони билан чайқовиллик қилади? Сен эртадан кечгача минглаб бегуноҳларнинг қонини зулук каби сўриб, кайф қилиб ўтирасан, яна ўзингни снисий арбоб ва оқсуяк деб лоф уришинг ортиқча. Бу паст, ифлос муҳит ҳам сенга ўхшаганларни ёқтиради, кўл-

лаб-қувватлайди. Бу лаънати жамиятнинг даҳшатли қонунилари сенга ўхшаган дўзахи чўчқаларнинг манфатларини ҳимоя қилиш учун чиқарилган ва сенларга кенг ҳуқуқлар бериб қўйган... Сени тарбиялаган муҳитнинг башарасига — туф!.. Агар шунга арзиса! Сенинг ҳаётинг чўчқа ва вабо микроблари ҳаётига ўхшаш беъманидир... Уч-тўрт минг туман кўпроқ ўғирлаган кунинг байрам қиласан. Бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда бўлишига ва оғриқ азобидан буралиб-буралиб кетаётганингга қарамай, тинч ўтирмайсан. Сен одамларга бериладиган озиқ-овқат ва дори-дармонларни олиб сотиш учун демократия тарафдори ҳам бўласан. Бўрининг тавба қилгани — ўлгани. Хотиринг жам бўлсин! Мен энди шoirлик ҳунарини ташладим. Юз минглаб одамни ўлимга ва бахтсизликка маҳкум қилган сен ва сенга ўхшаганларни ер юзидан йўқ қилиб ташлайдиган шеърни ўзимнинг энг катта ва энг олий шеърларимдан бири деб ҳисоблайман. Эҳ, разил қузғунлар!

Ғазабдан кўкариб кетган Ҳожи лом-мим деёлмай қолди, ҳатто азоб бераётган касали ҳам эсидан чиқиб кетди, Мўноди-ул-Ҳақ ўрнидан туриб, хонани тарк этди. Ҳожи бўғиқ товуш билан қичқира бошлади:

— Ҳой, Мурод! Мурод ҳой! Вой-дод!..

Қулоғига фақат акс садогина эшитилди. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит эди. Ҳожини ваҳима босди, яна қичқирди:

— Ҳой, ким бор? Бу разил мени ўлдирмоқчи!

Шундан кейин Ҳожи тинчланиб, чўнтагидан дастрў-молини чиқариб, бурнини қоқди. Бир неча минутдан сўнг эшик очилиб, Мурод билан Ҳужжат-уш-Шария кириб келди. Ҳужжат-уш-Шариянинг соқоллари хина билан бўялган, кўзлари олазарак, бошида сурма ранг салла, эгнида эски тивит абоси бор эди.

— Салом алайкум!— деди Ҳужжат-уш-Шария баланд товуш билан.

Ҳожи ҳассага суяниб ўрнидан турди, чуқур нафас олди.

— Алайкум ассалом!.. Вой, вой. Оғойи Ҳужжат, сал кечикдингиз... Бир катта хатардан жоним омон қолди... Бу паст, ифлос шoir, бу большевик... Агар Шоҳи шаҳид даври бўлганда, бошқаларга ибрат бўлсин учун қулоқ-бурнини кестириб, бозорда айлантирардим... Озодлик, ҳуррият бўлди, демократия бўлди... Ҳалиги падарлаънати гадойга ўхшаш кишиларга отам раҳматликни ҳақорат қилишга йўл очилди. Умрим бино

бўлиб менга ҳеч ким юрак бетлаб бундай гапларни гапирмаган эди. Бу бетавфиқ менга нималар демади-я! «Бу мамлакат бир ҳожатхонага, унинг одамлари ўша ернинг пашшаларига ўхшайди!» дейди. Мурод, қулоғингда бўлсин. Мабодо яна Мўноди-ул-Ҳақ, ҳалиги ана у ерда ўтирган, ўз ёнимга ўтқазган паст одам-чи, ўша яна келиб қолгудек бўлса, «Хўжайин мажлисдалар» дегин, хўпми? Бундай одамларни ўлдириб юбориш керак! Янчиб ташлаш керак! Чунки улар жамият зараркунандалари! Эй, ифлос одам, сенинг шеъринг Қоонийнинг шеъри бўла олармиди! Уч-тўртта қофия ўғирлаб, уларни олдинма-кейин териб, гадойликка восита қилиб юрибсан-ку!..— Ҳожи тўсатдан овозини пасайтириб пичирлади:— Тсс! Мурод, бор, чиқиб қара, худо кўрсатмасин, эшик тирқишидан қулоқ солиб турган бўлмасин тагин.

Мурод чиқиб, йўлакни айланиб, қайтиб келди:

— Ҳеч ким йўқ, тақсир!

— Астафурилло!— деди Ҳужжат-уш-Шария.

— Бу замоннинг одамлари жуда кўрнамак бўлиб кетган. На ҳурмат, на иззат ва на ор-номус қолди уларда...

— Оғо, бу разил одам жуда хатарли жосус. Албатта, большевик бўлиши керак. Унинг ўлгиси келганга ўхшайди. Оғо, агар одам чўнтагида бир чақаси бўлмаса ва жонидан тўйган бўлса, ундан қочиш керак, бундай кишилар хавфли бўлади. Уларни сувга фарқ қилиб ўлдириш керак. Қўяверинг, эсон-омон касалхонадан чиқай, билиб ишимни қиламан; уни қаматаман — озодлик нималигини ана ўша ерда билиб олсин. Бундайларнинг бошини силаб, ўзим айбдорман. Яна уни «Дубби Акбар» газетасининг масъул котиби билан таништириб қўйибман-а! Бу падарлаънат беномус эса, мени шундай ҳақоратлаб, қора тупроққа қориштирдик, худди отасидан қолган меросни мендан талаб қилаётгандек. Энди яна уйимнинг олдидан ўтиб кўрсин-чи, оёқларини синдириб, қўлига бераман!..

— Ҳожи оғо, мўътабар ҳадисларда айтилишича, ҳазрати охир замон келишлари яқинлашиб қолган вақтда ашулачи, шоир ва масхарабозлар кўпайиб кетар эмиш. Шеър, сурат, музика, ҳайкалтарошлик ҳаммаси шайтоннинг иши, тақсир.

— Мурод! Ҳалиги ифлос қаерда туришини биласанми? Унда касал тарқатувчи микроблар бўлиши мумкин. Бор, ўтирган жойларига оҳак сепиб ташла, бўлмаса болаларга ҳам юқиши мумкин.

— Хўп, тақсир!

Ҳожи соатини олиб қаради:

— Кечирасиз, сизни ҳам овора қилдим,— деди у Хужжат-уш-Шарияга қараб.— Сизда бир зарур ишим бор эди. Ҳозир бош қашишга ҳам вақтим йўқ. Ҳеч мени тинч қўймайдилар. Жуда кўп одамлар билан жавобмуомала қилишга тўғри келади. Улар билан ўралишиб қолиб кетаман. Уҳ, ўҳ.. Яна битта-яримта одам келиб қолмасин, қани, ичкарига кира қолайлик.

— Марҳамат, марҳамат! Ҳазратларининг фармонларини эшитишга тайёрман.

Улар узун ва қоронғи йўлакдан ўтдилар. Ҳожининг елкадан тортадиган тасмасининг бир учи ерда судралиб борарди. Ичкари ҳовлининг эшиги олдида баланд товуш билан «ё оллоҳ» деб қўйди. Улар ямоқ-ямоқ инфлос митқолдан тикилган пардани кўтариб ўтдилар. Қаюмарс сочлари устара билан қирилиб, бошига қора мой суртилган бир қиз бола билан ёниб кетаётган сичқон орқасидан қувиб юрар эди.

— Овозларингни ўчиришлар, йўқолинглар,— деди Ҳожи бақриб.— Агар мени айвонда бўғиб ўлдириб кетишса, бу уйда битта ҳам ёрдамга келадиган одам топилмайди. Учиришлар овозларингни, деяпман, бадбахтлар, жувонмарглар! Керосин қиммат бўлганида уни ёқиб ўйнапсанларми? Агар сичқон кавакка кириб кетса, уйга ўт тушиб кетмайдими! Қани, шошманглар, бир адабларингни бериб қўймасам!

Ёнаётган сичқон чийиллаб омборга кириб кетди. Болалар тарқалишди. Бола тўсиб ўтирган хотин билан кир ювиб ўтирган хотин келганларни кўришлари биланоқ чодра билан юзларини яширдилар. Бир зумда ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Хужжат-уш-Шария бир йўталиб қўйди. Ҳожи эса чапга бурилиб, икки зинапоядан кўтарилиб, шифтигача гилам қоқилган ва нафталин ҳиди анқиб турган бир хонанинг эшигини очиб, ичкари кирди. Эшик ёнидаги деворга телефон осиб қўйилган. Печка тепасида яланғоч хотинларнинг тасвири туширилган откриткалар ва Исо билан Марямнинг суратлари осиб қўйилган. Нариги деворда Муҳаммад, Али, Фотима, Ҳасайн ва Ҳусайнларнинг номи билан ёзилган дуолар ёпиштириб қўйилган. Эшик тепасида рамкага солиб қўйилган Қаюмарснинг бошланғич мактабни тамомлагани ҳақидаги шаҳодатномаси кўзга ташланади. Ҳожи икки темир сандиқ орасидаги тор бир жойга бориб тўхтади. Хужжат-уш-Шария қўл

қовуштириб, унинг рўпарасида буйруқ кутиб турди. Ҳожи жуда чарчаган одамларга ўхшарди. Ҳзига-ўзи гапира бошлади:

— Бу ифлос Мўноди-ул-Ҳақ фикримни чувайтириб юборди... Вой, вой... Ёшим шунчага келиб ҳеч ким мени бунчалик ҳақорат қилмаган эди. Ана энди, одамларга тишингнинг оқини кўрсатиб, уларни мақтаб кўр. Бунинг устига, улар гинахонлик ҳам қилиб кетадилар!..

Ҳожи яқиндаги бир курсига келиб ўтирди. Ҳужжат-уш-Шария ҳам темир сандиқларнинг бирига ўтириб, қўлларига иягини тиради.

— Мурод!— деб қичқирди Ҳожи. Мурод югуриб кирди:

— Лаббай, хўжайин!

— Ким сўраб келса, хўжайин уйда йўқлар, дегин. Ҳозир самовар қайнаб турган бўлса, бизга икки стакан чой келтир!

— Стакан қўядигани кумуш бўлмасин,— деб Ҳужжат-уш-Шария қўшиб қўйди.

Мурод қиқиб кетгач, Ҳожи сўз бошлади:

— Сиз ҳам худди менга ўхшаш олтин-кумушларни ёқтирмас экансиз! Менинг бугун сизга жиддийроқ гапим бор. Сиз билан бир муҳим масала устида гаплашмоқчи эдим. Гапни чўзиб ўтирмайман. Чунки ҳозир замон хавфли бўлиб қолди, шунинг учун тезроқ ишга киришиш керак. Шу вақтгача сизнинг шимолга қилган икки сафарингиз ва биз учун қилган ишларингиз жуда катта фойда келтирди. Албатта, сизнинг қилган хизматларингиз назарга олинади. Ҳзингизга маълумки, Эрондан нефть ҳиди келмоқда, кичкина бир учқун унинг аланга олиб кетиши учун кифоя қилади. Бунинг олдини олиш учун биз аҳмоқ, бўйсунадиган ва гапга қулоқ соладиган халққа муҳтожмиз. Бундан ташқари, жуда тезлик билан тузилаётган ҳамда озодлик ва ишчилар манфаати учун курашаётган партия ва гуруҳлар жуда хавфли бўлиб, ҳалокатдан дарак бермоқда. Халқнинг бош кўтариб, асорат кишанларини парчалаб ташлаб, қўзғолон кўтаришига йўл қўймаслик керак. Эски давлат аппаратини маҳкамлаш керак, ҳатто собиқ шохнинг ҳайкалларини ҳурмат қилиш зарур. Уҳ ўҳ...

— Бу фикрингиз жуда тўғри. Лекин охириги сафаримда бир-иккита ҳаром ишларни қилганман, гапнинг очиги, ҳали ҳам ўз виждоним олдида қийналаман. Воқеа бундай бўлган эди: Ардабил яқинида заминдорнинг илтимосига мувофиқ учта деҳқонни кофир деб

фатво бердим. Бирини шу қадар қаттиқ калтаклашдики, бечоранинг тишлари синиб кетди. Иккинчисини, нима гуноҳ қилганини билмасам ҳам, сургунга жўнатдим. Биласизми, хотин, бола-чақалари келиб, ҳар куни этагимни ўпиб, йиғлаб, уларни афв этишимни...

— Ҳа, қўйинг энди, қолгани менга маълум,— деди Ҳожининг сўзини бўлиб.— Бекорга ташвишланманг. Битта, ўнта, мингтаси ўлса ўлибди-да. Мен умуман гапиряпман. Эртасининг ҳукумат ҳалиги сиз ачинаётган бечора деҳқон қўлига ўтиб қолгудек бўлса, менинг ва сизнинг хотин, бола-чақаларимиз худди ўша деҳқоннинг оёқларини ўпиб, ёрдам сўрайдилар... Яъни, агар Мўноди-ул-Ҳақ ва ё ҳалиги оғойи Мазлағонийнинг бетинг қурғур ўртоғи-чи... ҳа, эсимга тушди —Хайзаронийга ўхшаб, халқ ҳам арқонини узиб озодликка чиқса, мен билан сизга бу дунёда жой қолмайди. Халқ агар у дунё тўғрисида ўйлаб қўрқмаса ва диннинг камчилик ва хатоларини сезиб қолса, бу дунёда улар бизга бошларини эгмайдилар ва бўйсинмайдилар. У вақтда биз ўз ҳаётимиз билан видолашишимизга тўғри келади. Наҳотки, бу дунё ва охиратнинг азоб-уқубати қўрқувси бўлмаганда, мен билан сиз учун меҳнат қилишарди деб ўйлайсиз? Бундай фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг. Гапнинг пўсткалласини айтсам, агар биз халқни охиратнинг азоб-уқубатлари билан қўрқитмасак ва ҳаётдаги қийинчиликларга бардош беришни тарғиб қилмасак, бу дунёдаги найзалар, мушт ва калтаклар билан қўрқитмасак, эртага ишимизнинг пачава-си чиқди деяверинг. Агар ҳалиги раста бўлиб қолган ўғлим, гарчанд ҳали хотини бўлмаса ҳам, мен икки талаб-учталаб унинг олдида сийға хотин олаверсам, у ҳам ўзгариб, ёниб турган сичқоннинг орқасидан югурмайдиган бўлиб қолади, қонун ва тартиб-қоидаларни бузадиган бўлади. Агар ишчи кунига ўн соат ишлаб жон олиб, жон берса-ю, шунда ҳам қора нонга қорни тўймаса, мен эсам, омборимнинг шифтигача гилам билан тўлдириб қўйсам, албатта, у ишчи, тақдир шу экан-да, деб ўйлаши керак. Лекин эртага бориб, уларга «буларнинг ҳаммаси номаъқул гап, сен ишладинг, у эса еди», деб айтиб кўргин-чи, ана ундан кейин кўчингни кўтариб қочаверасан. У вақтда сиз билан бизга бу ҳаётда жой қолмайди. «Диёнат» трикотаж фабрикаси ҳам ҳар ойнинг бошида қилган фойдасини менга юбормайди. Бутун дунё большевикларники бўлиб кетади.

Ҳожининг дастурмолини олиб, бурнини қоқди.

— Сизнинг кўз ва қулоғингиз очилсин ва билиб иш кўринг, деб масаланинг пўсткалласини айтмоқчиман. Ота-боболаримиз бу ишларни яхши билишарди. Демак, одамлар бизга итоат қилишлари учун оч, муҳтож, бесавод ва хурфот ботқоғига ботган бўлишлари керак. Агар аллақандай бир атторнинг боласи ўқиб, саводи чиқиб қолса, эртага келиб менинг гапларимни масхара қилиб кулади, сиз билан бизнинг ақлимиз етмайдиган гапларни гапира бошлайди. У вақтда ётгани жой, егани нон топа олмай қоламиз, гугурт сотиб юришга мажбур бўламиз. Агар Машади Тақий аллофнинг ўғли ақли ва истеъдодли одам бўлиб етишса-ю, менинг ўғлим дангаса, иш ёқмас ва аҳмоқ бўлиб ўсса, худо кўрсатмасин, бошимизга қандай кулфатлар тушмайди. Демак, биз ўз фойдамизга ва ўзимиз учун чора кўришимиз керак. Дунё ўзгариб бормоқда. Бу Европадаги уруш ва ўлдиришлар бекорга бошланган эмас. Чунки халқнинг кўзи очилиб, ўз ҳақини талаб қилмоқда. Шундай пайтда олам хоҳишимизга бўйсунсин десак, бу ердаги халқнинг илгари силжишига халақит беришимиз керак. Акс ҳолда кўча қоровули бўлиб қоламиз. Лекин бахтимизга, мамлакатимиз шаронти биз учун қулай бўлиб турибди. Халқ ҳамма вақт ўз қайғулари ва бир-бирлари билан урушиб овора бўлсинлар десангиз, уларни нодонликда, жоҳилликда сақлаш бизнинг вазифамиздир. Энди тушунгандирсиз? Эртага касалхонага бориб ётмоқчиман. Ким билади, операция вақтида дунёдан ўтаманми. Худо ҳеч кимга сен ўлмайсан деб тилхат бермаган-ку! Сиз билиб иш қилинг, деб бугун бутун масалани очиқ-ойдин айтдим. Менинг тақдирим, сизнинг тақдирингиз ва болаларимизнинг тақдири шу кўриладиган тadbирларга боғлиқ. Ҳозир жамият ўзини тузатмоқчи. Мен билан сизга бунинг нима дахли бор. Лекин ҳозирча жамият бизнинг соғин сигиримиз, дунё бизнинг хоҳишимизга қараши керак. Шундай бўлгач, қўяверинг, шу ҳолича қолаверсин. Бу мамлакатда ҳаммиша ўғрилар, қароқчилар ҳукм суриб келганлар. Чунки чет эллик ҳукмронлар шуни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Сиз мамлакатимизнинг давлат арбобларини ва аслзодаларини танимайсиз. Мен эса, уларни биламан. Чумчуқ пирр этса, юраклари ширр этади. Уларнинг калласидан Машади Ҳасан — эшак ҳайдовчининг калласи тузукроқ ишлайди. Лекин шундай бўлса ҳам, худди ўша кишилар давлат тепасида туришлари керак... Уҳ, уҳ...

— Ундай бўлса биз диний урф-одатларни қўллаб-қувватлашимиз керак экан-да?

— Йўқ, ундай эмас. Биз сизнинг у ерга бориб, одамларга намоз ўқиш ва рўза тутишни тарғиб қилишини хоҳламаймиз. Аксинча, сиз бориб, дин номи билан одат ва расм-русумларни ривожлантиришингиз керак. Биз «Е Ҳасайно, ё Ҳусайно» деб ўзини уриб, бошини ёрадиган мутаассибларга муҳтожмиз. Бизга ҳақиқий диндор мусулмоннинг кераги йўқ. Шундай иш қилиш керакки, қарол ва деҳқонлар ўзининг мен ва сизга қарам эканлигини билиб, шукур қилсин. Мақсадга эришишимиз учун улар касалванд, оч-яланғоч, саводсиз, кар ва кўр бўлишиб, ўз ҳақларини эшигимизга келиб, тилаб олиб кетишлари керак. Жамиятнинг эзувчи ва эзилувчиларга бўлиниши сақланиши лозим, бўлмаса Мўноди-ул-Ҳаққа ўхшаб, диндан чиқиб кетадилар. Гарчи генерал Оллоҳверди мени лақиллатиб кетган бўлса ҳам уни Мўноди-ул-Ҳақдан афзал кўраман. Чунки генерал ўзимизнинг одам, мақсадимиз ва манфаатимиз бир. Лекин одамларга юзаки меҳрибонлик қилиш, ғамларига шерик бўлиб, уларни юпатишни эсингиздан чиқарманг! Ҳозирги шароитда бу жуда муҳимдир. Аммо ўзингиз билиб ишингизни қилаверинг. Баъзи урф бўлиб қолган сўзлар бор. Бундай сўзлар ҳам сизга иш беради. Масалан, ҳозир «илм-маърифат сустлашиб, йўқ бўлиб кетяпти» деган иборалар урф бўлган. Ризо шоҳ ҳам шундай дерди. Лекин амалда халқ манфаати учун у нима иш қилди? Биз ҳам амалда халақит беришимиз ва бузғунчилик қилишимиз керак.... Гадолар бизга эмас, биз уларга муҳтож эканимизни биласизми? Чунки биз садақа беришимиз керак, уларнинг ўзидан иона йиғишимиз лозим, ўзимизни кўрсатиш, уларнинг устидан ғамхўрлик қилишимиз керак ва шу билан виждонимизни тинчлантиришимиз ҳам керак. Бўлмаса менинг учун кўчадаги дайди ит билан гадонинг ҳеч фарқи йўқ. Ҳар ҳолда бизнинг масъулиятимиз катта. Шундай вақтларда уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди. Ана шу сабабдан депутат бўлиш хаёлига тушиб қолдим. Бўлмаса, бу менга тўғри келадиган ишми? Йўқ... Бу менга халқни тузукроқ живлаб олишим учун керак. Уҳ, ўҳ...

— Фикрингиз жуда тўғри, лекин бу сиз айтаётган иш жуда катта ва жиддий иш. Чунки, Ризо шоҳ даврида халқнинг ишончи ва имони бўшашиб кетди, нотўғри йўлга кириб кетди. Ҳозир ҳам халқ ўзини озод сезади

ва диний урф-одатларга нафрат кўзи билан қарайди. Мурод икки стаканда чой келтирди. Ҳожи ого ўрнидан туриб, шкафдан уч чақмоқ қанд олиб қўйди. Мурод чиқиб кетди.

Ҳожи чойга қанд ташлаб, уни ичишга киришар экан, фикрини баён қилишда давом этди:

— Ҳмм... Сиз янглишяпсиз. Ризо шоҳ нима қилаётганини ўзи билмасди. У ҳар доим дастуриламал билан иш қиларди. Агар қўшни ислом давлатларини ранжитмоқчи бўлса, бош кийимини ўзгартирар эди. Лекин ўзи ислом давлатлари иттифоқига ёрдам қиларди. Хотиржам бўлинг, араб мамлакатлари иттифоқи тузилиши тўғрисидаги шов-шув гаплар бориб-бориб ислом мамлакатлари иттифоқига айланиб кетади, ана шундан кейин бизни ҳам қопқонга илинтирадилар. Ризо шоҳнинг бутун ҳукумати ва унинг сиёсий тадбирлари Эронни қўшни давлатлардан ажратишга ва суннийлар билан шиалар ўртасидаги низони йўқотишга қаратилган эди. Худо раҳмати Шоҳи шаҳид даврида бирор киши «Ҳазрати Умар бинни Хаттобнинг таржимаи ҳолини» Эронда босдириб чиқаришга журъат эта олармиди? Лекин ҳозир мақсадга тезроқ эришиш учун Ризо шоҳнинг қилган тадбирларини «Усмон кўйлагига» айлантириб, уни ҳақоратлашимиз ва сўкишимиз керак... Вой, вой...

— Хўп, мен нима иш қилишим керак? Агарда муборак хотираларида бўлса, ҳазратларининг топшириқлари билан шимолга бориб келдим, ишни кўнгилдагидек бажариб қайтдим.

— «Анжуман»¹, албатта, сизга ўз миннатдорчилигини билдиради. Лекин бу сафар сизга оғирроқ вазифа юклатилади. Очигини айтсам, биз шимолдаги қўшнимиз томонидан мамлакатимизга ўтиб келаётган янги ҳаракатларнинг фақат дин номи билан, хурофотни кенг қулоч ёйдириш йўли билан олдини олишимиз мумкин. Сўнгра бу гал тузукроқ қилиб уларнинг адабини бериб қўйиш учун бир қаттиққўл ҳукмдор топамиз. Бу бизнинг охириги ўткир қуролимиз бўлади. Вазиятни ўзгартиришга йўл бермаслик учун, агар керак бўлиб қолса, ҳатто жин ва шайтонлар билан ҳам бирлашамиз. Жамиятнинг ўзгариши, бу бизнинг ва бизга ўхшаганларнинг ҳалок бўлишидир. Демак, сизнинг вазифангиз юзини, сочини юлиб, бошларини ёрадиган мутаассиблар ва бангиларнинг сонини кўпайтириш, кинначиларни

¹ Махфий жамият,

рағбатлантириш, равзахонларни кўпайтириш, Ҳасайн ва Ҳусайнларнинг мусибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ваъзхонлар учун таъяхоналарни кўпайтириш, муллалар ва каллақесарларни рағбатлантириш, чодра ташлашга қарши курашдан иборатдир. Бу халқни ҳамма вақт орқага тортиб туриш ва икки-уч минг йил илгариги расм ва одатларни улар орасида тарғиб қилиб туриш керак. Бизнинг сиёсатимиз шундай қилишни талаб қилади. Хотирингиз жам бўлсин, бу ақлли халқимиздан биттаси ҳам чиқиб, «нима учун худди шу ишни дунёнинг бошқа жойларида қилмайдилар?», деб сўрамайди. Агар касал бўлиб қолсалар, уларга кинначилар ва домлалар бор. Европа дориларини ичиб нима қилдилар? У дорилар жигарларига ёмон таъсир қилади. Шайтон кашф этган электр чироғи ёқишнинг нима кераги бор? Ота-бободан қолган ўша қора чироғларини ёқсалар ҳам бўлаверади. Шунда ҳам пуллари ёнларига қолади, ҳам имонлари саломат бўлади. Айниқса, одам кўп йиғилган жойларга, кафе ва ресторанларга кўп боринг, у ерларда русларга қарши ташвиқот қилишни эсдан чиқарманг. Сўнгра кино, театр, қошиқ, вилка, самолёт, автомобиль, патефонлардан фойдаланган одамлар кофир бўлади, деб гап тарқатинг. Албатта, бу жиҳатнинг сизга ўргатгулиги йўқ, ўзингиз яхши биласиз. Ўтган галги сафарингизда гапирганингиздек, бу гал ҳам радиони Дажжолнинг эшаги деб кўрсатинг, унинг пешонасида битта кўзи бўлиб, симининг ҳар биридан мингларча товуш чиқади, деб айтинг. Ризо шоҳ даврида дин бўшашиб кетганини қораланг. Хотинларга чодра ёпинишни, эркакларга салла ўрашни ташвиқ қилинг, агар керак бўлса, ўша нарсаларни одамлар ўртасида тарқатинг. Сувхоналарда мўъжизалар кўрсатишни унутманг. Бу гал борганингизда кўпроқ қишлоқларга аҳамият беринг. Шаҳарларда бизнинг кишиларимиз кўпайиб кетди. Қулоғингизга бир гап айтаман: биз ёлғиз эмасмиз, бизни катта ва қудратли бир ташкилот ҳимоя қилмоқда. Бундан ташқари, ҳукумат, армия ва қонун биз томонда, қаерда пулдор одамлар бўлса, бизни кўр-кўрона қўллаб-қувватлайди. Чунки, бойларнинг сезги аъзолари яхши тараққий этган — хатарни тез билиб оладилар. Фақат шу йўл билан озодлик тарафдорларининг ва инқилобчиларнинг ҳиқилдоғидан бўғиб олишимиз керак.

Шундан кейин Ҳожини чўнтагидан саккиз минг юз туманлик чекни олиб, Ҳужжат-уш-Шарияга узатди. У

Ҳожининг қўлидан чекни олди, чекдаги рақамларни кўриб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, титроқ қўллари билан чўнтагига солиб қўяркан:

— Худои таоло ҳазратларининг сояларини қулингизнинг бошидан кам қилмасин!— деди.

— Янглишманг, бу пулни «Анжуман» тасдиқ қилган, шунинг учун уни фақат ташвиқот учун сарф қилишингиз керак. Шундай қилиб, сиз эрта биланоқ Урмияга жўнайсиз. Тушундингизми? Албатта, пулни қараб ҳаражат қилинг. Агар яна пул керак бўлиб қолса... Уҳ, ўҳ... яна пулга муҳтож бўлиб қолсангиз, шифрланган телеграмма юборинг, биз тезда пул юборамиз. Лекин бу гал пул тўғрисидаги ҳисоботни тезроқ юборинг. Қолганларини ўзингиз яхши биласиз. Ўтган галги сафарингиз тўғрисида ҳисоботингиз яхши ёзилган. Мен ҳам ўз навбатида сизни мақтадим, энди сизга ишонч зўр. Баъзилар сизнинг ўрнингизга Бақо-ал-Зокирийни юборишмоқчи бўлишди, лекин мен оёғимни маҳкам тираб, сиз учун бошим билан жавоб бераман, деганимдан кейин рози бўлишди. Сиз у ерда Ироқ ва Байнаннаҳрайндан келган муллалар билан учрашиб қолишингиз мумкин. Уларнинг вазифалари бошқа, улар билан рақобатлашиб ўтирманг. Улар билан самимий ҳамкорлик қилинг. Чунки, эътиборли доиралар шундай қилишингизни истайдилар. Албатта, хизматларингиз зое кетмайди. Одамларнинг ва савдогарларнинг аҳволи тўғрисида ёзиб туринг. Пулдорлар ҳамма ерда бизнинг ёнимизни олади. Энг олдин улар билан танишиб олишга ҳаракат қилинг. Ғафлатда қолманг,— Ҳожи кўрсаткич бармоғини ўнгга қараб қимирлатиб қўйди.— Етиб борганингизда сизни шаҳарнинг ҳамма оқсуякларни кутиб олишади, шундай кўрсатма берилган.

— Ҳожи оғо! Мен сизнинг тузингизни ичганман. Агар рухсат берсангиз, қўлингиздан ўпсам.— Ҳужжат-уш-Шария эгилиб, Ҳожининг жун босган қўлини ўпиб, соқол мўйловини унга ишқади.— Рухсат берсалар, кечга яқин сизга бир банка ёввойи савзидан қилинган мураббо тақдим қилсам. Бу мураббо касалдан туриб келаётган кишиларнинг айниқса иштаҳасини очиб, эркаклик ҳисларини қўзғатади.

— Марҳамат, марҳамат! Жуда миннатдорман. Қофирларга қарши ғазотда қатнашгандек савоб иш қиласиз. Биласизми, ҳозир қўл қовуштириб ўтирадиган вақт эмас... Уҳ, ўҳ... Шундай қилиб, мен эртага касалхонага кетаман. Биздан саҳв-хато ёки бирор ёмонлик

Ўтган бўлса, авф этинг... Хом сут эмган бандамиз-да!
— Илоҳим соянгизни бошимиздан кам қилмасин!
Худо бетини тескари қилсин ундай кунларнинг. Иншо-
оллоҳ дард кўрмагандек бўлиб кетасиз. Қулингизда
бир тажрибадан ўтказилган дуо бор. Уни ҳам шу бугун
келтириб бераман. Шу дуони чап билагингизга боғлаб
қўясиз. Сўнгра бир сиқим турбати асл¹ олиб келиб бе-
раман. У ҳам одамнинг соғайиб кетишига жуда катта
ёрдам беради.

— Сиздан чексиз миннатдорман!— деди Ҳожи кал-
ласини қимирлатиб. Сўнгра соатини олиб қаради.

— Мурод!

Мурод кириб биттасига «Али Қули Хайбарободий»,
иккинчисига «Сафдар Радиатор» деб ёзилган иккита
ташрифномани Ҳожига берди.

— Тақсир, мен бу кишиларнинг жавобини бериб
юбордим.

— Жуда яхши қилибсан, энди Қарбалойи Зулф
Алидан ўзинг билган омонатни олиб кел. Лекин уйда
болаларга билдирма!— деди Ҳожи бир нафас ўйлаб
тургач. Мурод чиқиб кетди.

— Тақсир, рухсат берсангиз, мен энди кетсам.

— Худо ёр бўлсин! Мен сизнинг дуойингизда бўла-
ман. Эртага йўлга тушасиз, шундай эмасми?

— Албатта, албатта... муборак соялари кам бўлмасин.

— Кўришгунча хайр!

Ҳужжат-уш-Шария чиқиб кетди. Ҳожи зўрға ўрни-
дан туриб, у ёқ бу ёққа бир неча қадам ташлади, сўн-
гра чўнтагидан дастрўмолини олиб, уни диққат билан
кўздан кечириб чиқди. Унда бурун артадиган жой топа
олмагач, бурнини чопонининг этагига артди. «Эртага
касалхонага бораман-а!» деб қўйди ўзига-ўзи. Сўнгра
темир сандиқлардан бирининг олдига бориб, қопқоғини
очди-да, унга бир қоғозни солиб қўйди. Шу вақт шими-
нинг камари ерга тушиб кетди. Ҳожи олдин бир сескан-
ди, кейин уни ердан олиб, темир сандиқ устига қўйди.
Ўзича нимадир деб мингиллади-да, гиламлардан бири-
ни ушлаб қўйди. Шу вақт эшик очилиб, бир патнусда
нон ва жигар кабоб кўтариб, Мурод кириб келди. Ҳожи
овқат ейишга ўтирди. Жағлари ҳаракатга келди. Кабоб-
нинг сели унинг бармоқлари орасидан ва лабларидан
оқиб туша бошлади.

— Мурод, бор, Машҳади Рамазондан беш сер яхши
узумдан олиб кел— деди кабоб кавшаб турган Ҳожи.

¹ Турбати асл — муқаддас тупроқ.

Ҳожи ого, худди онадан янги туғилган чақалоқдай, яланғоч, паришон, тиззаларини қорнига тираб, қўлларини билан юзини яширганча операция столида узала тушиб ётарди. Фақат унинг чап билагида дуо ёзилган тумор кўзга ташланарди. Ҳожи ётган жойида «оят-ал-курсини» пичирлаб ўқир, бурнидан оқаётган сув чакиллаб операция столига томар эди. Тепасида кучли прожектор касал жойини ёритиб турарди. Касалхона йўлаклариди ва кутиш хоналариди анча-мунча давлат арбоблари, аъёнлар, савдогарлар сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юриб туришар, телефонлар кетма-кет Ҳожининг аҳволини сўраб, жиришларди.

Спирт ва юкумли яраларга қўйиладиган дориларнинг қўланса ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетган эди. Қиёфаси зиёлиларга ўхшаш, соч-соқолига оқ оралаган, бугдойранг доктор Жолинус-ал-Ҳукамо дори-дармон турадиган шкаф олдига борди. Ҳожи ўгринча унинг ҳаракатларини кузатиб турарди. Назарида, доктор Шемр Зул Жавшанга¹ ўхшарди ва Ҳожи ҳаёт-мамотим шунинг қўлида деб биларди. Шунинг учун Ҳожи ҳар гал доктор яқинига келганда ўзининг башараси докторга кўринмаса ҳам хушомад қилиб, тиржайиб қўярди. Ҳожи докторнинг дори-дармон турадиган шкаф олдида нималар қилганини билолмади. Лекин оғзи-бурнига оқ латта тутиб олган ва шу лаҳзагача жарроҳлик столи олдида турган чиройли бир хотиннинг ёниб турган спирт лампаси олдида борганини кўриб қолди. Ҳожи шу аҳволда ётгачи учун ҳалиги хотиндан уялганиданми, хижолатини яширин мақсадида вой-войлай бошлади. Доктор жарроҳлик столига яқинлашиб, Ҳожининг думбасига укол қилди, у олдин қаттиқ оғриқ сезиб, дод-фарёд қила бошлади.

Доктор хотиржамлик билан:

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир битади,— деб қўйди. Доктор яна шкаф ёнига бориб қайтди. Ҳожи унинг резинка қўлқоп кийган қўллариди шприц кўрди. Ҳалиги хотин столга яқин келиб, Ҳожининг томирини ушлади. Доктор яна укол қилди. Лекин бу гал оғриқ сезиш ўрнига бутун баданида ёқимли бир ҳис сизди ва бир неча ойлаб азоб-уқубатли ва уйқусиз тунлардан сўнг биринчи марта кайф ва хаёлот оламига шўнғиди. Энди кўп нар-

¹ Алининг ўғли имом Ҳусайнни ўлдирган лашкарбошилардан бири, У Эронда ёвузлик тимсоли ҳисобланади.

саларни сезмайдиган бўлиб қолди. Фақат унинг қулоқларига докторнинг юпатмоқчи бўлиб айтган сўзларигина сал-пал эшитилиб турарди. Яна прожекторнинг нурлари орқасида деворга сояси тушган ва яқинлашиб келаётган докторнинг қўлларини кўрди. Сўнгра касал бўлган жойидан баданига илиқ суяқлик оқиб тушганини сизди. Шундан сўнг ҳушдан кетди. Бир неча дақиқадан сўнг кайф ва лаззатдан кўзлари юмилди.

Бирдан Ҳожи, назарида, кафанга ўралиб, узала тушиб ётгандек бўлди. Биров унинг билакларини силкитиб, баланд товуш билан:

— Ҳожи оғо!..— деб қичқирарди.

Ҳожи «ҳа!» деб жавоб берди. Лекин бу жавобни лаблари билан эмас, балки хаёлида берганини сизди.

Яна ўша товуш такрорланди:

— Ҳожи оғо! Сизнинг жойингиз бу ерда эмас!

Ҳожи сесканиб кетди. Бирдан ўрнидан осонгина туриб ўтирди. Қараса, салобатли ва жиддий иккита фаришта тепасида турипти, уларнинг орқаларида каптар қанотларига ўхшаш бир жуфтдан қанот. Чап томонида турган фаришта Муҳтарамнинг амакисининг ўғли Гулу Булбулга ўхшар ва унга қараб кулиб турар эди. Ҳожи уни кўриб, кўнгли жойига тушди:

— Мен умр бўйи одамлар билан яхши муомалада бўлдим, бировларнинг мушкулни осон қилдим, бошқаларнинг ҳақини еганим йўқ, қимор ўйнамадим, ароқ ичмадим, мушугини «пишт» демадим, ҳамма мени «нақадар мулойим, олижаноб одам-а», дерди.

— Хўп, яхши, Ҳожи оғо!..— деб жавоб берди фаришта.

— Мен ҳамиша хумс ва закотларни ўз вақтида берардим.

— Жуда соз, Ҳожи оғо!

— Мен худои таолонинг бандаларига ҳамиша кўмаклашдим. Агар рўза ва намозларимдан кам жойлари бўлган бўлса, васият қилиб тўлдириб қўйсин деб пулини Ҳужжат-уш-Шарияга бердим.

— Яхши қилибсиз, Ҳожи оғо!

— Мен инқилобга қарши, эскилик тарафдори эдим.

— Жуда яхши, Ҳожи оғо!

— Ҳар донм одамлар сизларга ўхшаб, сўзимни тасдиқлар ва мени мақташарди. Лекин айтинг-чи, мени ҳозир қаерга олиб бориб ташлайсизлар?

— Қўявер, Ҳожи оғо, ташвишланма!

— Ҳозир ҳамма қилган яхшиликларим эсимда йўқ.

— Қани, яхшилаб ўйлаб кўр-чи, нима яхши ишлар қилгансан?

— Шунчалик кўпки, санаб бўлмайди...

— Тўғри. Бир куни кундузи бодринг солинган айрон ичиб ўтирганинда, бир пашша учиб келиб, айрон ичига тушгани эсингдами? Ушанда сен айрон ичидан пашшани олиб ташладинг ва шундай қилиб, пашшани ўлимдан қутқариб қолдинг.

Фаришталардан бундай сўзларни кутмаган Ҳожи пашша тутиш учун шира қоғоз ясайдиган кишини эслади. Чунки, унинг гуноҳи худонинг ҳамма бандалариникидан ҳам кўп эди-да. «Булар жуда ҳазилкаш фаришталар экан-ку», деди, лекин қараса, уларнинг жиддий қиёфасида ҳеч қандай ўзгариш аломати кўринмади.

— Ҳа, мен умримда шунчалик раҳмдил бўлганманки, юрган йўлимда бирорта чумолини босиб олмай деб, оёғимнинг остига қараб юрардим. Хўп, энди мени қаерга олиб борасизлар?

— Қани, биз билан юр-чи, Ҳожи оғо!

— Сизлардан бир илтимосим бор!

— Нима илтимосинг бор, Ҳожи оғо?

— Мен жаннат...га киришдан илгари бир уйимни айланиб чиқишни истардим, фақат унга бир марта назар ташлаб қўйсам, бўлгани.

— Майли, Ҳожи оғо!

Фаришталар ола-була қанотларини ёйиб, Ҳожининг икки қўлигидан олишиб, «Қалила ва Димна»даги ўрдак ва тошбақа эртагига ўхшаб, осмонга олиб чиқиб кетишди. Бир кўз очиб юмгунча Ҳожини уйига олиб бориб қўйишди. Ҳожи қараса, Мурод эшик олдида Хайбарободийни уйга киритмай, йўлини тўсиб турган эмиш.

— Бу кунимдан ўлганим яхши эмасми! Бу ифлос ўғри, муттаҳам менинг мол-мулкимга эга бўлиб олди! Хужжатларим йўқолди! Бир радиоприёмник билан икита юк машинасининг пулини энди кимдан оламан? Отамни гўрида тикка турғизди! Хонавайрон бўлдим! Мен ҳозир бу беҳаё пасткаш одамнинг васиятномасини кўришим керак. Балки бирор нарса ёзиб кетгандир. Бу кунимдан ўлганим яхши! Бу номард Ҳожи мени қора тупроққа қориштирди!—дер эмиш аччиғидан башараси қийшайиб, кўзлари қинидан чиқиб кетган Хайбарободий.

— Ким сени хонавайрон қилди? У ўлди, биз эса, худога шукур, қутулдик,— дермиш Мурод.— Эртадан кечгача қиладиган иши ўғрилик, муттаҳамлик эди. Биз узун иштон кийиб юрадиган бўлганимиздан бери бун-

дай касофатни учратганимиз йўқ. Жуда соз бўлди, ўзи ҳам тўғри дўзахнинг еттинчи қаватига кетди. Улигини илонлар еб, гўридан оловлар чиқсин! Бор, ўша дўзах подшоси олдига бориб, Ҳожидан шикоят қил!

— Эй, ифлос, қўшмачи,— деб сўкармиш Ҳожи Муродни.— Агар Шоҳи шаҳид замони бўлса, нақ жонингни кўзингга кўрсатиб қўярдим. Менга-я! Менга-я..— Лекин Мурод уни кўраётганини ва сўзларини эшитмаётганини сезиб, уялганидан фаришталарга қараб:

— Қани, ичкарига!— дермиш.

Ҳожи айвонга кирса, Оғо Кучек, Қаюмарс, Мўнодиул-ҳақ, Ҳузури Хазқил ва Давом-ул-Вузаролар қарта ўйнашаётган эмиш, ўғиллари ютқизиб қўйиб, катта-катта чекларни санаб беришаётган эмиш.

Ҳазабдан Ҳожининг кўз олди қоронғилашиб, қичқириб юборганмиш:

— Эҳ, итдан тарқаганлар! Нима қилаётганларингни ўзларинг билаяпсанларми? Мен тер тўкиб топган пулларимни бу беҳадларга ютқизяпсанларми? Шошмай туринглар, адабларингни...— Сўнгра билса, булар на уни кўришармиш ва на унинг сўзларини эшитишармиш. Шундан кейин у фаришталарни эргаштириб, йўлакдан ўтганмиш. Ичкари ҳовли эшиги олдига тўсиб қўйилган пардага яқин борганда бир йўталиб қўйганмиш. Ичкарига кириб, у ерда бўлаётган томошани кўриб, оғзи очилиб қолганмиш. Унинг ҳамма хотинлари сурма қўйишиб, ясаниб-тусаниб, ҳовуз атрофида ўтиришган эмиш. Анис оғо билан Маҳлиқо гулларга сув сепадиган обдастани ноғора қилиб чалишаётган эмиш. Муҳтарам билан Ақдас чапак чалиб, шу қадар шовқин-сурон қилишаётган эмишки, ҳатто қўни-қўшнилар томларга чиқиб томоша қилишиб турган эмиш. Шу вақт унинг сеvimли хотини Мунир беҳи гулли чодирини белига боғлаб, қўлига ҳасса тутиб, оёқларини кериб юрганмиш ва Ҳожини мафтун қиладиган қора кўзларини сузиб:

Меннинг эрим нашабанг,
Ўзи мисли чувалчанг.
Кечқурун уйга келар,
Ҳадеб менга тирғилар:
— Нима учун янчмадинг
Ҳавончага солиб сув?
Нега мўйловим остин
Супурмадинг?— дейди у.

деб ашула айтармиш.

Бошқа хотинлари қаҳ-қаҳ уриб, қўлларини шиқиллатишармиш.

— Эй, паст, беҳаё, аблаҳ хотин! Учир овозингни, дейман! Қўни-қўшнилар олдида обрўйимни бир пул қилдинг-ку! Йўқолинглар ҳамманг уйимдан!

Ҳожининг аччиқланиши фойда бермасмиш. Бунинг устига фаришталар олдида обрўси тушган эмиш. Қайтиб келиб, фаришталарга: «Қани, қайтдик, энди бекорга сизларни овора қилганим учун кечиринглар», дермиш. Фаришталар бир-бировига: «Қандай одобли, қандай мулойим одам экан-а!» дермиш.

Сўнгра улар Ҳожини кўтариб, осмонга парвоз этишганмиш. Кўз очиб юмгунча Ҳожи бир ҳашаматли қаср олдига бориб тушганмиш, атрофида боғ, гулзорларда булбуллар сайраб турганмиш, Ҳожи қаддини ростлаб, олдин ҳассасини, кейин дастрўмолини ва тасбиҳини ахтариб, ҳеч қайсисини ҳам топа олмаган эмиш. Ҳожининг оёғида кавушидан бошқа ҳеч қандай кийими йўқ эмиш. Лекин касалидан асар ҳам қолмаганлигини, на чарчоқлик, на очлик ва на ташналикни сезмаётганлигига ҳайрон бўлармиш. Бутун бадани билан нафас олармиш. Ҳаводаги хушбўй ҳидлар баданига таъсир қилиб, ундан лаззатланармиш. Ҳожи қаерга назар ташламасин, қасрдаги ҳамма нарса яхлит забаржаддан ясалган бўлиб, зинапоялари нақш ва кошнлар билан безатилган эмиш. Фавворалар, гуллар, ажойиб гнёҳлар, худди сўзанага ёки гиламга тикилгандек, кўзни қамаштирармиш. Ҳожи фаришталарни бир лаҳза мунтазир қилиб қўйганлигини пайқаб, ғириллаб зинапоядан чиқиб, бир йўлакка кирганмиш. Юқоридаги зинапояларга чиқмоқчи бўлган экан, тўсатдан фаришталар унинг йўлини тўсиб, катта эшиклар ёнидаги қоровулхонага киритиб юборишганмиш.

— Сен шу қасрнинг дарвозабони қилиб тайинландинг,— дермиш чап қўлдаги фаришта.

Ҳожи норози эмиш. Лекин роҳат қилиб нафас олиб, ўша ерда турган курсига ўтирганмиш. Бошини кўтариб қараса, фаришталар гойиб бўлиб, уни ёлғиз қолдириб кетишганмиш. Атрофига қараб, зиналари энг қимматбаҳо ярқироқ мрамор тошлардан ясалганини, панжалари эса олтиндан, қора дарахтдан ва қимматбаҳо тошлардан ясалганини пайқаганмиш. Бирдан катта деворий соат жангиллаб кетганмиш. Лекин унинг цифер, плати жуда мураккаб қилиб ясалган бўлгани учун Ҳожи соат неча бўлганини била олмасмиш, соат гўё маъ

гулик учун ясалганга ўхшармиш. Тўсатдан бир талай фаришта ва ҳуру филмонлар чиройли башанг кийимларда юқорига чиқиб, пастга туша бошлаганларини кўрганмиш. Улар орасида чап қўл томонда турган фариштани таниб қолганмиш. Ундан сўрармиш:

— Бу кимнинг қасри?

— Бу мадемуазел Ҳалима-хотуннинг қасри.

— Ҳалима-хотуннинг қасри?— деб ҳайрон бўлиб сўрармиш Ҳожи.

— Ҳа, Ҳожи Абу Таробнинг собиқ хотини. Ўзи гуноҳкор бўлса ҳам, лекин эрининг уйида жуда кўп азоб чекиб, сил касалидан ўлгани учун жаннатда шу қасрга эга бўлди.

— Буларнинг ҳаммаси унинг канизлари ва қулларими?— деб сўрармиш лабини тишлаб Ҳожи.

— Йўқ, мадемуазел Ҳалима-хотун бугун пукер ўйини ва рақс кечаси ташкил қилганлар. Булар унинг азиз меҳмонлари. Мадемуазел ўзи жуда илғор ва европалашган хотинлардан бўлгани учун шунақа кечалар ташкил қилади.

Шу сўзларни айтиб, ҳалиги фаришта кўздан ғойиб бўлганмиш. Ҳожи яна жойига бориб ўтириб, хаёлга чўмганмиш. Ғалати, ёқимли музика садолари эшитила бошлаган эмиш. Зинапоядаги қимматбаҳо тошлар ва чироқлар унинг кўзини қамаштирармиш. Бир қанча вақт ҳайрон бўлиб ўтирганмиш-у, лекин ҳеч нарса тушуна олмаган эмиш. Ҳеч қандай оғриқни сезмасмиш, ҳеч нарсага муҳтож эмасмиш. Жавобгар бўлмаслик учун туриб айланиб келай деса, кўрқармиш. Ҳожи мудрай бошлаган эмиш. Лекин шу вақт деворий соат яна жангиллай бошлаган эмиш. Ҳожи сесканиб ўзига келиб қараса, меҳмонлар зинапоядан пастга тушиб кетаётган эмишлар.

Ҳожи оғо улар орасида тўсатдан ўзининг собиқ хотини Ҳалима-хотунни кўриб қолганмиш. У ўн тўрт кунлик ойдек бўлиб кетганмиш. У чиройли қора кўйлақда эмиш, бир қўли билан бир кўзли кўзойнакни тутиб қарармиш ва иккинчи қўлида узун патли ва фил суягидан ясалган елпигида поз билан елпинармиш. Меҳмонлар билан кулиб, суҳбатлашиб, хайрлашаётган эмиш. Ҳожи бу ранг-баранг ажойиб кийимлар кийган одамлар орасида ўзининг кафанидан уялиб кетганмиш. Ҳалима-хотун сўнги зинага тушган вақтида кўзойнак орқали қараб, Ҳожини кўриб қолганмиш. Ҳалима-хотуннинг пешонаси тиришиб, Ҳожи оғога ишора қилиб:

— Яна бу ким бўлди?— деб чап ёнидаги фариштадан сўрармиш.

— Янги дарвозабон.

— Каминаи камтарин қуллари Ҳожи Абу Тароб бўламан,— дермиш Ҳожи икки букилиб таъзим қилиб.

— Бу ифлос, қўшмачи ҳайвонни кўчага ҳайдаб чиқар!— дермиш Ҳалима-хотун аччиқланиб.

Қаттиқ қўрққанидан Ҳожининг кўзлари очилиб кетди-да, касалхонанинг бир хонасида кроватда ётганини пайқади. Ёнида ўтирган хотини Зубайдага ва томирини ушлаб ўтирган ҳамшира қизга кўзи тушди.

— Алҳамдуллилоҳ, операция яхши ўтди. Ҳожи оғо! Шайтоннинг кўзи кўр бўлсин, хатар ўтди— деди Зубайда кулиб. Сўнг эшик олдида турган бир одамга қараб:

— Бор, жаноблардан Ҳожи оғо ўзларига келдилар, деб суюнчи ол,— деди.

— Ўзим билардим шундай бўлишини,— деди Ҳожи бўғиқ товуш билан.

— Жаноби министрлар, депутатлар ва элчилар эшикда кутиб ўтиришибди, Оғойи Давом-ул-Вузаро сизга мана бу олтин вазани юборибдилар.

— Олтинми?

— Ҳа, тоза олтиндан ясалган!

— Қани, кўрсат-чи, оғиргинами?

— Ҳа, анча-мунча, қарийб ярим манча келади.

Ҳожининг пўрсилдоқ боғлаб кетган лабларига табассум югурди. У меҳрибон ўртоқларига миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди, улар ҳам унинг олдида қарздор эканларини билдиришга тиришдилар.

— Тинчиб қолдим. Энди ҳеч қаерим оғримаяпти.

— Жуда соз, Ҳожи оғо! Биз эса қўрққанимиздан ўлиб қолаёздик. Сиз бўлсангиз, операция қилдиришдан қўрқиб юрувдингиз.

— Биласанми, тушимда нимани кўрдим?.. У дунёни!

— Нима деяпсиз?— деди Зубайда ҳаяжонланиб, кейин синчковлик билан сўради:— Қани, бўлмаса айтинг-чи, у ерда нималарни кўрдингиз?

— Биласанми, мен ҳамиша охиратдан қўрқиб юардим. Ҳар доим ўзимга-ўзим, «Худон таоло мени дўзага солмасин-да», деб юардим. Мана, энди хотиржам бўлдим. Биласанми, мен кимман?

— Йўқ!

— Ҳеч ким. Бу дунёда сизнинг уйингизда дарвозабон эдим, у дунёда мадемуазел Ҳалима-хотун қасрига дарвозабон бўлдим.

Хедоят С. Хаджи-ага: Повесть.
Ҳожи оғо: Қисса [Форс тилидан Н. Олимхонов, Т. Алимов
тарж.]—Т.: Радуга, 1988.—112 б.

Ҳидоят, Содик.

И(Эрон).

СОДИҚ ҲИДОЯТ

ҲОЖИ ОҒО

Қисса

на узбекском языке

Редактор А.Файзуллаев
Рассом Ю.Габдалилов
Расмлар редактори А. Селиванов
Техник редактор Ҳ.Бобомухамедова
Корректор Б. Қирғизбоев

ИБ № 4949

Теришга берилди 5. 01. 88. Босишга рухсат этилди 11. 08. 88. Формати 84×108^{1/32},
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма усулида босилди. Кегли 10
шпонсиз. Шартли босма. л 5, 88. Шартли бўёқ отт. 6, 20. Ҳисоб-нашриёт л. 5, 93
Тиражи 60000. Заказ 5272. Баҳоси 70 т. Нашр № 30345.

СССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Ра-
дуга» нашриётининг Тошкент бўлими, Тошкент, 700011. Ц—14, уй 33.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат коми-
тети, Тошкент «Матбуот» Полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
босмахонаси, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.